


ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
«ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ

ЭШҚОБИЛ ШУКУР

БОБО СЎЗ ИЗИДАН

(Сўзлар билан сўзлашув)



ТОШКЕНТ
«MASHHUR-PRESS»
2018

УЎК: 821.512.133-4(082)

КБК: 60.56г (5Ш)

Ш 91

Ш 91 Шукур, Эшқобил
Бобо сўз изидан [Матн]. *Сўзлар билан сўзлашув* / Э. Шукур.
– Тошкент: «MASHHUR-PRESS» нашриёти, 2018. – 336 б.

ISBN 978-9943-5161-7-5

Нашрга тайёрловчи:

Орзиқул ЭРГАШЕВ

Бир кеча-кундузда нечта сўз ишлатамиз? Уларнинг асл мазмунини биламизми? Агар сўзларимиз маъносини тўлиқ англаганимизда эди, нақадар ўзимизни, ўзлигимизни англаган, тилга – элга – бизни улғайтган шу заминга садоқатимиз, меҳримиз янада ортарди. Зотан, Сўздан узоқлашган одам ўзидан узоқлашади. Ўзидан олислаб кетаётган одамнинг маънавияти ҳам, ўзи ҳам заволга мойилдир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир Эшқобил Шукурнинг қўлингиздаги «Бобо Сўз изидан» китоби бевосита сўзга, сўзки, халқимиз тарихига томирдош бўлган, туркий тиллар оиласида хазинаси, жозибаси, рангу ҳарорати, қўйингки, шарафи баланд асл ўзбек сўзларига бўлган катта муҳаббати туфайли, уларни асраб қолишдек эзгу ният самараси ўлароқ майдонга келди.

Муаллифнинг сўзлар тарихига қилган саёҳатида унга йўлдош бўлиш сиз азиз ўқувчига ҳам насиб этади деган умиддамиз.


ISBN 978-9943-5161-7-5

© Э. ШУКУР, 2018

© «MASHHUR-PRESS», 2018

*Меҳр ва муҳаббат билан,
азизим, меҳрибоним, суюқлим
Она Тилимга бағишлайман.*





Жаннатга мактуб

Эркин Воҳидовга

Ассалому алайкум, қадрли Эркин ака! Бу мактубни сизга тирик чоғларингизда ёзишга бир неча бор жазм қилганман. Лекин... кечикдим. Хайр ишнинг кечи йўқ дейдилар-ку, бироқ ҳар ишнинг ўз вақтида бўлгани ундан яхшироқ. Мен бу мактубимни сизнинг вафотингиздан бир йилу бир ой кейин, рамазон ойининг сўнгги кунларида ҳайит арафасида ёзаяпман. Момоларимдан эшитганманки, ҳайитни у дунёдагилар ҳам бу дунёдагилар каби байрам қилишар экан. Тириклар ўтганларни, ўтганлар тирикларни эслашиб, айём билан қутлар эканлар. Ҳайитингиз қутлуғ бўлсин, Эркин ака!

Эсингиздами, “Бунёдкор” метроси устидаги Ёзувчилар уюшмаси биносида учрашиб қолганимизда мени алқаган эдингиз. Сўзлар ҳақидаги ишларимни кузатиб бораётганингизни айтиб, “Эшқобил, бу ишларингиз билан мени илҳомлантириб юборяпсиз” деб лутф қилган эдингиз. Бу лутф мени кўллаб-қувватлаш учун улуғ бир донишманднинг рағбати эканини илғаганман, самимий табассумингиздан “Тўхтаманг!” деган даъватни англаганман. Кейинчалик сизнинг “Сўз латофати” китобингиз чиқиб қолди. Мен

қилаётган ишлар сизнинг бу маҳобатли ишингиз олдида, билим ва тажрибангиз олдида ғўр эканини билиб, довдирадим. Бир муддат ишларим тўхтаб қолди. Сизга кўринолмай юрдим. Бир куни укамиз Собиржон Ёқубов билан учрашиб қолганимизда, у мени сўраганингиз ҳақида, кўринмай кетганим учун ҳатто бироз хафалик изҳор қилганингизни ҳам айтиб қолди. Ўшанда сизга кўриниш бермаганимга энди умр бўйи афсуслансам керак. Дийдор қиёматга қолди.

Сўз билан ишлаш жуда машаққатли, қалтис иш экан. Лекин бу ишда шундай бир мароқ борки, у ҳар қандай қийинчиликни завққа айлантирар экан. Одам севишни ўрганмайди, севгининг ўзи келади дейишадик-ку, лекин мен сўзларни севишни ўргандим. “Девону луғотит-турк”нинг қалин ўрмонларида, том-том луғатларнинг тойғоқ сўқмоқларида, халқ тили ва устоз китобларнинг минглаб чақиримларга чўзилиб кетган йўлларида юрдим. Улар менга сўзни севишни ўргатдилар. Тангрига шукрлар бўлсин!

Кейинги йилларда Она Тил тушунчасига бошқача қарайдиган бўлдим. Йўқ, Она Тил бу тушунча эмас! У барча миллий тушунчалар, фикрлар, қарашларнинг онаси, Ватанидир. Шунинг учун “Ўзбекистон менинг, ўзбек тили эса тафаккуримнинг Ватанидир” деб кўнглимнинг паспортига ёзиб қўйдим. Мен энди тилимизни азиз ва меҳрибон Она тимсолида аниқ кўра оламан. Бу тилни севмай, яхши кўрмай бўладими, Эркин ака? Бу тил учун сиз ва сиздай устозларимиз умрларингизни бағишлагансизлар, қанча курашгансизлар. Бу курашнинг қуроли муҳаббат эканини ҳам англадим.

Қўлида қалами бор ҳар бир ижодкор Она Тил учун муҳаббат билан хизмат қилишни, ижодий курашишни бурчи деб билиши керак. Бу бурч бугунги глобаллашув замонида Гипократ қасамидай аҳамият касб этиб бормоқда. Қалам юкини зиммасига олаётган

ҳар бир ижодкор ўз тилининг тақдирини зиммасига олаётгандай масъулиятни ҳис этиши керак бўляпти. Битта сўз, биттагина ибора ҳимоясида ҳам мустаҳкам туришимиз зарур. Мен сизнинг олисдан бизга боқиб турган теран нигоҳларингиздан шу фикрларни ўқийман. Ўша нурли табассумингиз бизга “Тўхтаманглар!” деётгандай бўлади.

Эркин ака, яна бир гапни айтиб ўтишим жоиз. Мен зинҳор-базинҳор олимлик даъво қилмоқчи эмасман. Сўзлар ҳақидаги бу китобни бир шоирнинг ўз Она Тили заминдаги сўзларга муносабати, сўзлар ҳақидаги ўй-фикрлари сифатида қабул қилишса, кўнглимдагидек бўлади. Бу китобни тайёрлаш жараёнида гарчи кўп манбаларни кўриб чиқсам-да, баъзи сўзлар масаласида хато қилмаяпманми деган хижолатга ҳам бордим. Лекин фараз фикрни ҳаракатга келтиради. Мен ижодий маънода Гейненинг “Хаёлга ошно бўл, хатодан кўрқма” деган чақириғини яхши кўраман.

Сизга айтар гапим кўп эди-ю, ёзолмаяпман. Сизнинг олдингизда маҳмадоналик қилгандай бўлаяпман. Худо охиратингизни обод қилсин! Бизни дуо қилинг, Эркин ака.

Устозларнинг ва устоз китобларнинг ҳаммасига минг-минг ташаккур!

*Эҳтиром билан, укангиз Эшқобил Шукур
2017 йил, рамазон ойининг 28-куни*



“Яйлов” билан “чайла” битта сўзми?

Дарҳақиқат, сўз ўзи ҳақида ўзи гапиреди. Фақат унга диққат билан қулоқ солиш керак.

Тилимизда қишлайдиган жой маъносидаги “қишлоқ” деган сўз бор. Демак, мантиқан “ёзлоқ” деган сўз ҳам бўлган бўлиши керак. Сўзларнинг хусусиятларига эътибор берсангиз, бу сўзни ҳам топасиз. “Қишлоқ” сўзига акс маънони билдирган “ёзлоқ” сўзи асли “йайлов” бўлган. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, қадимги туркий тилда “ёз” (“йоз”) маъносини ифодалаган “йай” деган сўз бўлган. “Йай” + “лоқ”дан “йайлоқ”, кейинчалик “йайлов” сўзи ҳосил бўлган. “Йайлов”нинг “йайлоқ” шакли ҳам бор. Демак, қишлоқ қишлаш учун бўлса, яйлов ёзлаш учун.

Энди “чайла” деган сўз билан яқиндан танишсак. Бир қарашда бу сўзнинг “йайлов” деган сўзга алоқаси йўқдай туюлади. “Чайла” қадимий туркий сўз. Туркий халқлардан хакаслар тилида “чайла” сўзининг “чайлағ” шакли сақланиб қолган... У ҳолда “чай” деган сўзнинг туб илдизи нима? Хакас тили луғатида “чай” “ёз” деган маънони билдиради. “Чайғи кун” – “ёзғи кун” дегани. Қолаверса, “чай” билан “йай” бекорга қофиядош бўлиб қолмаган. Демак, “чайла” маъносидаги “чайлағ” сўзи ҳам “ёзлоқ” маъносини ифодалайди. Аслида ҳам чайладан фақат ёз пайтида фойдаланилади. Шу ўринда диққат қилиш керак бўлган яна бир жиҳат бор: шеваларимизда “ёз” (“йоз”)нинг “жоз” ёки “жаз” шакллари ҳам борки, улардаги “ж” товуши “ч”

товушига яқин. Айниқса, бу сўзлар “яйлоқ” ва “чайлағ” шаклларида жуда яқин келади, ҳатто бир-бирига туташиб кетади.

Яйлов кенг маънодаги ёзлоқ маъносини ифодаласа, чайла ёзда яшайдиган жой маъносини билдирган.

Эҳтимол, зукко тилшуносларимиз бу ҳақда ўзгача, янаям аниқроқ фикрларни билдиришар. Юқоридаги мулоҳазалар эса бизнинг қизиқишлар асосидаги кузатувларимиз, холос.

* * *

Олти ёшга етиб-етмаган пайтларимда бир куни Маман деган ошнам билан уйдагиларга билдирмай яйловга чиқиб кетганмиз. Қишлоғимиз устидан бошланадиган яйлов кенг адирларга туташар, адирлар эса Боботоғ ўнгирларигача вазмин давом этарди. Чамаси апрель эди. Атроф қизил-яшил кийиб яйраб ётарди. Кетаверибмиз, кетаверибмиз... Йўл юрсак ҳам мўл юриб, охири адашиб қолганмиз. Юравериб, яйловга кўчган бир чўпоннинг ўтовига бориб қолибмиз. Чўпоннинг аёли билан онаси бизнинг адашганимизни билиб, ташвишланиб қолишган. “Жондор ё итлардан кўрқмадингларми?” деб сўрашган. Бизнингча, кўрқадиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Чунки олам гўзал эди. Улар бизни гўшт, нон ва кўйқатиқ билан сийлашди. Кечга яқин чўпон бизни қишлоққа етказиб келди. Уйимиздагилар жонҳалак бўлиб, бу икки ношудни излаб юришган экан. Шунда Маманнинг онаси Жамол хола атрофидагиларга куйиниб: “Айтмабидимми? Булар яйловга чиқиб кетган, яйловга чиқиб кетган демабидимми?” – деганди.

Мен ўша куни яйловни бутун гўзаллиги, кўрки ва улуғлиги билан ҳис этгандай, сирларини сезгандай бўлганман. Қишлоғимиздаги “Жайлов” исмли болаларнинг отининг маъносини илғаганман.

Хуллас, ўша куни “яйлов” деган сўз менинг кўнглимга кириб келган.

И з о ҳ: Ушбу мақола эълон қилинган, билдирилган мулоҳазалар ичида адабиётшунос Мусулмон Намознинг телефонда айтган фикри мени ўйлантириб қўйди. Бу фикр қуйидагича: “Демак, “ёз” ёйилиш маъносидаги ёй (йай) сўзидан келиб чиққан бўлса, “қиш” сўзи “қисилиш” маъносидаги “қис” сўзидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, қишда кунлар қисилади, қисқаради, ёзда кунлар узаяди, ёйилади.

Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, “ёз” маъносидаги “йай” “куртак (барг) ёй” маъносидан келиб чиққан деган қарашлар ҳам бор. Ҳозир ҳам тилимизда “куртак ёзди” деган бирикма қўлланилади.



Ултонтознинг оти нега Ултонтоз?

Минг йилдан бери Ултонтознинг номи эл оғзида юради. Алпомишга душман бўлиб, ёмонотликқа чиққан. Оти ёмон Одина деб Ултонтозни айтса бўлади.

Дарвоқе, Ултонтознинг оти нега Ултонтоз?

“Ултон” сўзининг маъноси нима? Нега тилимизда бу сўзга эҳтиёж бор-у, лекин у тобора истеъмолдан чиқиб, ўлиб боряпти?

“Ултон” сўзи ҳам қадимий туркий сўз. Сўзларнинг ҳаммаси ҳам қадимий-ку, дейишингиз мумкин, лекин “ултон” жуда қадимий.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “ултон” сўзига шундай изоҳ берилади: “Ултон” *шв.* Қорамол терисидан тайёрланган, пишиқ, қалин чарм, тагчарм”.

Ултонтознинг оти нега Ултонтоз эканлигини юқоридаги изоҳдан ҳам бироз илғаган бўлсангиз керак. Бахшилар севимли қаҳрамон Алпомишнинг душманига шундай ном топишлари керак эдики, то бу исм жисмига монанд бўлсин, асрлар бўйи қоралансин, унга паст назар билан қарасинлар, ҳатто тилга олганларида ҳам ижирғаниб кўйсинлар. Шу мақсадда бу одамчага улар Ултонтоз деб от кўйиб, муродига етдилар. Ултонтоз ултонга ўхшаган дегани, яъни у ҳатто оёқ кийими ҳам эмас, оёқ кийимининг ҳам ости, таг қисми, шунчалар паст, шунчалар тубан.

Ултонтознинг оти Ултонтоз бўлиб қолаверсинда, энди биз бошқа мулоҳазамизни баён қилайлик.

Одатда, *“Этигимнинг таги ейилиб кетибди”, “Туфлимнинг подошваси кетиб қоляпти”* деган гапларни эшитиб қоламиз, ўзимиз айтамыз ҳам. Туфли, этик, маҳси, калиш, хуллас, пойабзалларнинг таг қисми маъносини ифодаладиган тайёр сўз тилимизда борку. Нега ундан фойдаланмаймиз? “Подошва”га келган тилимиз “ултон”га келмайдими? Ҳар битта сўз ўз тилининг фуқароси. У яшаши учун ишлаши керак. Сўз эса одамлар тилида ишлайди. Сўзнинг ҳаёти учун ҳаммамиз бурчли. Чунки тилимиздаги ҳар бир сўз бизнинг сўзимиз. Ёмон бўлса, Ултонтоз ёмон бўлгандир, лекин “ултон” деган сўз ёмон эмас-ку. Қолаверса, *“Яхши уста терини ултон қилур, яхши хотин эрини султон қилур”*. •

*Ойбарчиним, ёр-ёр,
Гулбарчиним, ёр-ёр,
Ултонтозга теккунча,
Ўл, Барчиним, ёр-ёр.*

* * *

Мен туғилиб ўсган жойларда “Оти ёмон Одина”даги Одинадан кўра Ултонтозни яхши билишарди. Ёмонотликқа чиққаннинг яна бир отини Ултонтоз қўйишарди.

Беш-олти яшарлик пайтларим... Қишнинг совуқ қорли кечаларидан бири. Иторқа томли, уч хонали уйимизнинг бир хонасида отам, онам, мен ва опам сандалга ёпилган кўрпага белимизгача бурканиб, гурунглашиб ўтирардик. Ҳовлида безовталаниб, ит хурди. Кимдир товуш берди. Отам ўрнидан ирғиб туриб, ташқарига юрди. Келган одам биздан беш уй наридаги Улаш ака экан. У ичкарига кираётиб, устидаги қорни қоқди-да: “Ээ, қуриб кетсин бу”, – деди. Ҳаммамиз гап нимадалигига қизиқиб турардик. “Бир ёмонни қувиб келаяпман. Ҳамсоянғиз Болта акамни...” – деб

гапида давом этди. Болта ака Улаш аканинг туғишган акаси эди. Отам ундан нима бўлганини сўради. Улаш ака қуйиниб гапирди: “Бизниқидан хашак ўғирлаб келётганда ушлаб олдим. Қочиб кетди. Орсиз”.

Ўша йили қиш қаттиқ келиб, хашак кўп танқис бўлиб қолганди. Болта ака ўз укасининг уйига хашак ўғирлагани тушибди. Шунда онам:

– Ўлсин, бу Ултонтоз одам бўлмади, – деди.

Кейин Болта акани қаерда кўрсам, у менга Ултонтоз бўлиб кўринадиган бўлди.

И з о ҳ: Мақола эълон қилинган, Жаббор Эшонкул телефон қилиб, “Ултонтоз” манқурт дегани бўлиши мумкин деган фикрни айтди. Бу сўздаги “тоз” – “кал” дегани, маълумки, манқуртлар бошига тери қоплаиб қуритилган ва улар кал ҳолида юрганлар деди.

Бироқ мен кейинроқ “таз” сўзи туркий тиллардан бири қарачай малкар тилида “лаган” деган маънони англатишини ўқиб қолдим. Шунингдек, “Қадимги туркий тил” китобида “тоз” – “чанг” маъносини англатиши ҳам айтиб ўтилган ва “тозғақ” (“тўзғоқ”) сўзи шундан келиб чиққан дейилган. Маҳмуд Кошғарий “таз” сўзини “кал” деб изоҳлаган ва “Таз келиги бўркчига” (“Калнинг борадиган жойи дўппифурушнинг дўқонидир”) деган мақолни келтирган.



**Кимсанбойнинг ўзи ким?
("Кимсан" аслида ким?)**

Бугунги тилимизда "Кимсан" сўзи икки хил маънода; биринчиси "Ўзинг кимсан?" деб сўраш маъносида, иккинчиси кишининг исми маъносида ишлатилади. Бу сўзни исм маъносида ишлатганимизда ҳам асосан сўраш мазмунидаги "кимсан?" маъносида тушунамиз.

Наҳотки, аждодларимиз чақалоққа "Сен ўзи кимсан?" дегандай Кимсан деган исм қўйишган бўлса дея ажабланамиз. Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам "Кимсан" исми халқимиз орасида мавжуд. Бироқ бу сўзнинг киши исми сифатида қўлланишига, эҳтимол, бошқа нарсасабаб бўлгандир. Сўраб-сўраб Маккани топишибди деганларидай, Кимсаннинг кимлигини "Навоий асарлари луғати"дан аниқладик. Унда изоҳланишича, **"кимсан" ("кимсон") – олтинга ўхшаш сариқ ялтироқ модда (бронза)**, уни майдалаб нарсаларга олтин тусли бўёқ бериш учун ишлатишган экан.

*Ки, кимсандин олтунни фарқ айлагай,
Қизил тобадин кунни фарқ айлагай.*

Алишер Навоий
("Садди Искандарий" дostonидан)


Шунингдек, тилимиз тарихида "кимсанлиғ" ("кимсонлиғ") деган сўз ишлатилиб, у кимсан (бронза) билан ҳалланган, ялтироқ маъносини билдирган.

Демак, “Кимсанбой” шунчаки “кимсан” эмас, у олтин бўлмаганда ҳам, олтинга ўхшаш сариқ ялтироқ мода.

Лазарь Будагов луғатида “кимсан” сўзи араб ёзувида “кимсон” деб кўрсатилиб, “кимсенъ”, “кимсендъ” шаклларида берилиб, у чиғатойча бўлиб, “олтин рангли тери”, “шишани бўяйдиган олтин рангли бўёқ” деб изоҳланган.

* * *


Ўтмишда жониворларга ҳам “Кимсан” деб исм қўйганлар. Болалигимда онам бир ҳикоятни айтиб берган. Айтишларича, бир бойнинг бир ити бўлган экан. Унинг оти “Кимсан” экан. Ўғри шу бойнинг уйига тушмоқчи бўлиб, ярим тунгача ҳовлисини пойлабди. Кечанинг бир маҳалида бой итига овқат бермоқчи бўлиб, ташқарига чиқиб, “Кимсан!” деб чақирибди. Ўғри бой мени пайқаб қолди, “Кимсан?” деб мандан сўраяпти деб ўйлаб жуфтакни ростлаб қолган экан.



“Йўқла” сўзини йўқлаб

Йўқла – “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, бу сўз қадимги тилимизда “мавжуд эмас” маъносини англатувчи “йоқ” сўздан келиб чиқиб, **“ўлган кишини хотирлаш”** мазмунини билдирган. Демак, “йўқлаш” “йўқ бўлди” маъносини англатган. “Сўзла”даги каби “йўқла” “йўқ деб қайта-қайта айт” дегани. Қарангки, кейинги даврларда бу сўзнинг маъноси кенгайган. Чунки у тирик одамга нисбатан ҳам ишлатилади. Масалан, **“Мени бирор марта ҳам йўқлаб келмади”**. Шу билан бирга бу сўзнинг ўлган одамга нисбатан қўлланилиши ҳам тўлиқ сақланиб қолган. Масалан, **“У отасини йўқлаб-йўқлаб йиғлади”**. Қизиғи шундаки, бу сўзни биз тирик одамга нисбатан ишлатаётганимизда, унинг туб маъноси ўлган киши билан боғланишини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Бу сўзнинг “йўқлов” шакли фақат бир маънони – аза маросимидаги марсияни ифодалайди. Қолаверса, тирик одамга “борла” эмас-да, “йўқла”нинг қўлланилиши, “бормисан-йўқмисан” деб излаш маъносида келади. Шунинг учун ҳам тирикни йўқлаш, ҳар куни кўрадиган одамга эмас-да, онда-сонда кўринадиган одамга нисбатан қўлланилади.

Хуллас, “йўқла” сўзининг тилимизда иккинчи маъноси пайдо бўлиб, шаклланиб улгурган.



Беқасам тўн кийган “чўт”

Тилимизда “хомчўт” деган сўз тез-тез ишлатилди. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида изоҳланишича, бу сўзда “хом” – форсча бўлиб, чала ишланган, хомаки маъноларини англатади, **“чўт”** сўзи эса рус тилидаги **“счёт”** сўзининг ўзгарган шакли бўлиб, ҳисоб-китоб дегани. Демак, “хомчўт” – хомаки ҳисоб-китоб деган маънони билдиради. Шунингдек, тилимизда “чўтингга тўғри келса”, “чўт бермайди” деган иборалар ҳам борки, унда ҳам “счёт” ўзгарган. Қизиғи шундаки, “чўт” сўзи бутунлай ўзбекчалашиб кетган, ҳатто унинг русча эканлиги ҳам эсимиздан чиққан. Қачон қараманг, “чўт”, “хомчўт” сўзларини эғнида беқасам тўн, бошида дўппи билан кўрасиз. Худди япон бобо – Като бобога ўхшаб. Бу сўз жонли тилда жуда кўп қўлланади. Эҳтимол, бунинг сабаби ҳисоб-китоб билан боғлиқлигидадир.


Бундан ташқари, тилимизда қадимдан “теша” маъносини англатган “чўт” сўзи ҳам борки, бу бошқа мавзу.



"Чўпчак" – хас-чўпми ё?..

Тилимизда бу сўз топишмоқ, жумбоқ, эртак, ҳикоят маъноларини ифодалайди. **Момом қизиқ чўпчакларни айтиб берарди.** Шунингдек, "чўпчак" баъзан "енгил-елпи гаплар", "хашаки гаплар", "ёлғон-яшиқ" каби маъноларни ҳам ифодалаб келади. **Бу чўпчагингни бошқага айтасан.** Бу сўзнинг яна бир маъноси ёқиладиган майда қуруқ шох-шабба, хас-чўпни билдиради. **"Юнус ота шитирлатмасдангина чўпчак териб юрийди"** (Абдулла Қодирий). Шунинг учун ҳам бу сўз сиртдан қараганда, "чўп", "чўпча" сўзларига яқиндай туюлади.

Мулоҳаза қилиш учун бошқа тахминларни ҳам кўриб чиқсак. Олтойда дostonлар ва эртаклар "чөрчөк" ("чўрчўк") деб аталади. Нима бўлганда ҳам, "чөрчөк" билан "чўпчак" тузилиши жиҳатидан бир-бирига яқин. Хакаслар тилида "чөпчи" деган сўз бўлиб, бу сўз "маслаҳатчи" деган маънони билдиради. Бу тилда "чөп" сўзи "маслаҳат", "кенгаш", "тавсия" маъноларини ифодалайди. Демак, "чўпчак" "маслаҳатча", "кичик маслаҳат" маъносини ифодалаши ҳам мумкин. Чунки эртаклар ўқувчига маслаҳат беради. Лекин худди шу тилда "эртак" сўзи "чөчек" деган сўз билан ифодаланади.



“Чалғай”да чалғиманг

Биз қуш қанотларини яхлит ҳолда қанот деб атаймиз. Лекин қанотнинг ҳам қисмлари бор: ён қисм, учки қисм ва елкага ёпишган қисм. Одамларда ҳам шундай: бармоқ, кафт, тирсак, билак каби қўл қисмлари бор. **Қуш қанотларининг уч қисмига “чалғай”** деб айтилган. Ҳозирги тилимизда қанот учини ифодаловчи яхлит сўз йўқ, фақат “қуш қанотининг учи” деб айтишимиз мумкин. Нимагадир қанот учини ифода қилган “чалғай” сўзини ишлатмаймиз. Лекин бу сўз ўлмаган, ҳалиям истеъмолда бор. Халқ тилида чопон ёқасининг уч қисми ҳозир ҳам “чалғай” деб айтилади. Умуман, бу сўзга бизда эҳтиёж бор. Чунки “чалғай” сўзининг маъносини ифода этувчи бошқа эквивалент сўз бизда йўқ.




“Кичик” билан “Кучук”

“Кичик” сўзининг маъносини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Бу сўзнинг “кичиг”, “кичуг”, “кичий” шакллари ҳам бор. Лазарь Будаговнинг қиёсий луғатида “кичик” сўзи “кучукъ” шаклида берилган. Шундан келиб чиқиб, тилимиздаги итнинг боласи маъносини ифода этган “кучук” сўзи ҳам “кичик” сўзидан келиб чиққан деб тахмин қилиш мумкин. Чунки итнинг кичигини “кучук” деб айтишади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза келди. Болалигимда кучукни “куч-куч” деб чақирганларини кўп эшитганман. Кучукни шундай чақирсак олдимизга келарди. Эҳтимол, ит боласини “куч-куч” деб чақиришдан “кучук” сўзи пайдо бўлмаганмикин?

Олтой дostonларида “кичик” сўзи “кичў” шаклида келади. **Кичў ули энгирда қайтди.**

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу сўзлар тилимизга форсийдан кириб келган деб изоҳланган. Лазарь Будагов уларни туркий-форсий деб кўрсатган. Халқимиз орасида “Ўзбекнинг кичиги – кучуги” деган мақол бор. Эшитганга бу мақол кўполроқ туюлса ҳам, аслида жуда самимий, унда ҳурмат ва иззат ҳисси яширинган. Яъни кичиклар ёши катталарнинг ҳурматини қилиши керак, кичик турганда катта ёшдаги одам уринмасин, кичик каттанинг қўлидаги ишини тез олсин деган маъно бор. Шунинг учун бизда кичиклар бу мақолдан сира хафа бўлмайдилар.



“Қозон”нинг болалиги

“Қадимги туркий тил луғати”да “ашыч” деган сўз бор. “Ашич” – қозон деб изоҳланади. Бу сўз худди энди тили чиқаётган боланинг сўзидай содда ва гўзал. Ош ич... Идишдаги ошни ич... ёхуд ош ичиладиган идиш... Бундай сўзлар энди тили чиқаётган миллатнинг сўзлари бўлган. Шунинг учун ҳам сўзнинг туб илдизини кўриш миллат болалигини кўришдай маъроқли. Шаклланаётган халқ қанчалик ёш ва қанчалик содда бўлмасин, унинг руҳига донишмандлик сингган эди. Унинг навниҳол табиатидаги зако қуйидагича мақолларни яратган эди:

*Ашич айур тубим олтун,
Қамич айур мен қайдамен?*

Яъни, қозон тубим олтин деб мақтанади, чўмич, ундай бўлса мен қайдаман, дейди.

“Йиғлади” нега “йиғлади”?

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида (кейинги ўринларда “Девон”) “чиланди” деган сўз келтирилиб, бу сўз *“намланди, терлади”* маъносида изоҳланган. “Йиғлади” сўзининг шевада “жилади” шакли бор. Мантиқан ўйлаб кўрилса, “чиланди” билан “жилади” бир-бирига яқин. Қолаверса, йиғлаганда кўз намланади. Тўғри, “йиғлади”нинг “сиғтади” шакли “Девон”да бор, аммо ҳозир ҳам тилимизда “йиғлаб-сиғтади” ибораси ишлатиладиким, бунда “сиғтади” “йиғлади”га яқин маънодаги бошқа бир сўз эканлиги аниқ-бўлади. Солиҳ Муталлибов “сихтади” сўзини ҳозирги тилда “қаттиқ йиғламоқ” маъносида деб изоҳлайди. “Йиғи-сиғи” ҳам “йиғлаб-сихтади”дан келиб чиққан, дейди. ***“Йиғлатти мени демайки, сихтатти мени”*** (Алишер Навоий).

Энди шу ўринда яна бир мулоҳаза... “Йиғлади” сўзи олтой дostonларида “ыйлади” шаклида келади. ***“Кеча қоронғи бўлганда ўғлон ыйлаб сиқтаб боса берди”*** (“Тектебей мерган” дostonидан). Шундан тахмин қилиш мумкинки, “йиғлаб” сўзи “ыйлаб” сўзидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Одатда, одам куйиб-куйиб йиғлаганда, “ийй-ийй” деб товуш беради. Баъзи туманларимизда аза маросимларида йўқлов айтилаётганда “ийй-ийй” деб товуш бериш гўёки қўшиқдаги нақоратдай қайтарилиб туради. Ҳозир ҳам халқимизнинг жонли тилида, хусусан, жанубий вило-

ятларимизда “ий-ийлаб изиллайверди” деган иборани эшитиб қоласиз.

*Қорати хоннинг дардини
Қоялар тинглаб ыйлашди.*

(“Хон Будей” достонидан)

*Йиғлаб-йиғлаб йиқилдим,
Дардга даво шу билдим.
Кетган бахтимни дердим,
Кўзим ёмғур-қон сочур.*


Маҳмуд Кошғарий

*Кўзёшларим булоқдек
Уйнар унда қўш ўрдак.*

Маҳмуд Кошғарий

Етти ва ҳафта

“Ҳафта” форсий сўз. Хўш, “ҳафта” сўзи бизнинг тилимизга киргунга қадар вақтнинг бу бўлаги тилимизда қайси сўз билан ифодаланган? Бизда қадимда ҳафтани “етти” дейишган. Ҳафтанинг бундай аталиши ҳозир ҳам тилимизда айрим ҳолатларда сақлашиб қолган. Вафот этган одамнинг еттисини ўтказиш маросими бор. Бу маросим марҳумнинг вафотига бир ҳафта тўлганда ўтади. “Еттисини берди” дегани марҳумнинг ҳафталигини берди дегани. Форсийдаги ҳафта сўзи ҳам асли “ҳафт” – етти маъносини англатади. Низомийнинг “Ҳафт пайкар” (“Етти гўзал”), Жомийнинг “Ҳафт авранг” (“Етти тахт”) дostonларидаги “ҳафт” сўзи ҳам шу маънода.




“Уйа” ва “уй”

Қушлар ини маъносини ифодалаган “уя” (уйа) сўзининг “уй” сўзига алоқаси бўлиши эҳтимолга яқин. Чунки қадимда туркий тилларда, хусусан, хакаслар тилида “уя” (уйа) сўзи оила, уруғ, авлод деган маъноларни англатган. Ҳозир тилимизда “уй” яшашга мўлжалланган қурилма маъносидан ташқари оила, юрт, авлод маъноларини ҳам англатади. **“Авалло уйингда тинчинг бўлсин”, “Ўз уйингни ўзинг асра!”** деган гаплар ҳам шу маънони ифодалаб келади.

“Чаноқ”даги пахта ва мия

“Чаноқ” сўзининг асл маъноси – идиш. Қадимда отлар ва молларга сув ичишлари учун қўйиб қўйиладиган идишни “чаноқ” дейишган. Дарҳақиқат, пахта чаноғи – пахта турадиган идиш, мия чаноғи мия сақланадиган идиш маъносида сўзнинг асл илдизига яқин боради. Яна тарихнинг маълум даврларида ёғочдан ясалган барча идишларга нисбатан **чаноқ** сўзи қўлланилган. Ҳозир пахта кўсагининг ҳар бир хонасига ҳам “чаноқ” дейилади.



“Чавандоз” билан “чапандоз”

Тилимизда от чоптириш, улоқ чопиш, отда ўйнаш санъатини эгаллаган одамга нисбатан “чавандоз” сўзи қўлланилади. Баъзан илғор, пешқадам одамларга нисбатан ҳам бу сўз ишлатилади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га кўра, “чавандоз” сўзининг туб илдизи форс тилида “чап қўл билан ўқ (камон) отувчи, чапдаст, моҳир” маъноларини англатади. Демак, чапақайларни чаққон ва абжир бўлади деган қараш азалдан бўлган. Энди яна бир мулоҳаза: “Чапандоз” номли доира усули жўрлигида ижро этиладиган мумтоз “Чапандози наво”, “Чапандози ироқ” каби куй ва ашулалар маъносидаги “чапандоз” сўзининг туб илдизи ҳам “чап қўлда ўқ отувчи” деб изоҳланган. Демак, “чавандоз” ва “чапандоз” сўзларининг илдизи бир хил. Лекин “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да бу сўз илдизи от устида учи эгри таёқ билан тўпни уриб ўйналадиган ўйинни ифода қилган “чавгон” сўзига бориб тақалади деб кўрсатилган. Бу фарз ҳам одамни мулоҳазага ундайди.

*Аму билан Сирдан сув ичган,
Зарафшонни лойлатиб кечган
Чавандозлар бордир бу элда...*

Ҳамид Олимжон

“Қорувли”нинг лойи қандай қорилган?

Қорувли... Болалигимдан бу сўзни кўп эшитганман. Эпчил, ғайратли, пишиқ йигитларга нисбатан одамлар шу сўзни ишлатишарди. “Қорувли” деган сўзни ўзимча “Лойи яхши қорилган, лойи яхши пишилган” деб тушунардим. Сурхондарё қишлоқларида ҳозир ҳам бу сўз кўп ишлатилади.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу сўзга, кам қўлланилиши таъкидланиб, “удли-шудли, уддали, гавдали, норғул, қоматдор” деб изоҳ берилган. “Қорув” – эп, удда деб тушунтирилган. Яқинда Қарачай-малкар тили луғатида ҳам “карувли” деган сўзга дуч келдим. Унда “карув” – қувват, карувли – қувватли, кучли деб изоҳланган. Бу сўз жуда қадимий. Шунинг учун у бошқа қариндош миллатларнинг тилларида ҳам бор.

“Амма”м билан “амаки”м

Амма билан амаки ҳаётда қариндош бўлгани каби тилда ҳам бир-бирига қариндошдир. Бу сўзлар икки томчи сувдай бир-бирига ўхшайди.

Бир қарашда “амма” сўзининг “амаки” сўзи билан туб маъноси бир хил эканлигини англаш қийинроқдай. Чунки бу сўзларнинг бири аёлларга нисбатан, бири эса эркак қариндошга нисбатан қўлланади. Бироқ моҳият нуқтаи назаридан бу икки сўз битта сўз эканлигини илғаса бўлади. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “амаки” сўзи ҳам, “амма” сўзи ҳам битта илдиздан ўсиб чиққан бўлиб, уларнинг туб маъноси арабчада “отанинг акаси” маъносини англатади. Маъно тараққиёти натижасида бу сўз иккига ажралиб, бири отанинг ака-укаси, бири эса отанинг опаси ёки синглиси мазмунини ифодалайдиган бўлиб кетган.

“Тун”даги “кун”

“Тун” сўзи “қоронғулик”, “кеча” маъносини англатиши маълум. Хўш, “тун”га уйқаш “туш” сўзи қандай пайдо бўлган? Бу сўзлар ҳам бекорга оҳангдош эмас. Маълумки, тилимизда “туш” сўзининг икки хил маъноси бор, яъни туш пайти маъносидаги “туш” ва туш кўриш маъносидаги “туш” (“туш” феъли бундан мустасно).

Қадимда “туш” сўзи “кун, кундуз” деган мазмунда келган. “Олтой-Олатоғ луғати”да ярим тун – “ўрта тун”, туш пайти – “ўрта туш” деб, шимол – “тун ёни”, жануб – “туш ёни” деб ифодаланган. Шунингдек, сутка маъносидаги бир кун – “бир тун, бир туш” дейилган, бу худди “бир кеча-кундуз” каби. Демак, биз туш пайти маъносида қўллайдиган “туш” сўзи “кун” дегани.


Энди туш кўриш мазмунидаги “туш” сўзи ҳақида айрим мулоҳазаларимизни айтиб ўтсак. Маълумки, одам ухлаганда туш кўради. Модомики, “тун” – қоронғулик экан, уйқу ҳам аслида қоронғулик, яъни тун. Тушнинг туб маъноси кун бўлса, у ҳолда туш кўриш “тунда кунни кўриш” деган маънони англатар, балки.

Шунингдек, “Олтой-Олатоғ луғати”да “туш” сўзининг “жой, вақт, ҳодиса, ҳолат, учрашув” каби маънолари борлиги ҳам таъкидлаб ўтилган.

Маҳмуд Кошғарий “тун” сўзи кеча маъносидан ташқари “тинчланиш”, “осойишталик” маъносини англатиши ҳақида айтиб ўтган. Эҳтимол, “тун” сўзи “тин олиш” мазмунидаги “тин” сўзи билан алоқадор бўлиши мумкин.

Елиб келди

Тилимизда “елди” деган феъл бор. Бу сўз ўзагининг ўзи илдизи ҳақида гапириб турибди. Унинг ўзаги “ел”. Одатда, жуда тез югуриб келган одамга нисбатан “елиб келди” деймиз. Азалдан бизда катта тезлик шамолга менгзалган ва энг тез ҳаракатланувчи нарса шамол деб қаралган. Сулаймоннинг шамоли ҳақидаги ривоятлар ҳам шундан далолат беради. “Елди” феъли “елдай елиб” маъносидан келиб чиққан.



“Турлан” қандай турланади?

Қадимда туркий тилларда “тур” сўзи “ранг” деган маънони англатган. Демак, “турли” сўзи рангли дегани. “Турланиш” эса хилма-хил рангларда кўриниш, рангланиш маъносини ифода қилади. Одамга нисбатан “турланиш” сифатининг қўлланишида салбий ишора бор, чунки туруми йўқ, қатъиятсиз, вазиятга қараб ўзгараверадиган кишиларга қарата “кўп турланадиган одам” ибораси ишлатилади.

Ташқаридаги “тошқин”

Сув тошқини маъносидаги “тошқин” сўзининг туб илдизи унинг шаклидан кўриниб турибди. Тилимизда “ташқари, ташқи, таш” деган сўзлар тез-тез ишлатилади. “Ташқари” сўзининг қадимда “ташқын” деган шакли туркий тилларда мавжуд бўлган. Демак, “тошқин” сўзи “қирғоқдан ташқарига чиқиш” деган маънони англатади. Аслида “таш” сўзи “ташқи, ташқари, тошқин” сўзларига ва “тошмоқ” феълига асос бўлган. Шунингдек, баъзи олтой тилларида “ташқын” сўзи одамни сифатлаш учун қўлланиб, “ғайритабий, ғаройиб” деган маънони ҳам англатган.




“Керага”нинг керилгани

Ўтов керагаси – толдан тайёрланган, ўтовни тутиб турадиган панжара маъносида келади. “Керага” сўзи ҳозир ҳам жанубий вилоятларимизда халқ тилида фаол қўлланади. Бу сўз энг қадимги башоратлар китоби “Ирқ битиги”да ҳам бор. Бошқа туркий тилларда унинг “кереку”, “кереге” шакллари бор. “Керага” сўзининг туб илдизи “кер” феълига бориб тақалади. “Кер” сўзи “қўймоқ”, “ўрнатмоқ”, “чодирни ёйиб кўтармоқ” маъносини ифода этади. Эҳтимол, “кўкракни кермоқ” иборасидаги “кермоқ” сўзи ҳам “кўтармоқ” сўзига яқин бўлиши мумкин. Чунки “кўкракни кермоқ” – кўкракни кўтармоқ маъносида келса, керага ҳам ўтовни кўтариб турадиган мослама маъносида келади.

Қаймоқ – қуймоқ – суймоқ

Маҳмуд Кошғарий “Девон”ида “қаймоқ” сўзи “қайуқланди” сўзидан келиб чиққан деб изоҳланади. Қадимда “ёғ”нинг “мой” сўзидан ташқари “қай” шакли ҳам бўлган экан. Демак, “қаймоқ” “ёғланди”, “ёғли бўлди” маъноларини ифода этади. Бу ўринда “қуйуқланди” сўзи ҳам туб илдизга яқин келади. Энди “қуймоқ” сўзига келсак, бу сўзнинг пайдо бўлишига “қуйиш, қуймоқ” феъли асос бўлган бўлиши эҳтимолга яқин. Лекин қуймоқ пиширишда ҳам суюқ тухум қуюқланади. Хакас тилида “суймоқ” сўзи бор. Маълумки, туркий тилларда “сок”, “шарбат” маъносини ифодалаган сўзни кам учратамиз. “Суймоқ” сўзи шу маънони, яъни “шарбат” маъносини ифода этади.



Кўлимдаги “элик”

Қирқ билан олтмиш орасидаги ўнлик дона сон маъносини англатган “элик” сўзи аслида қадимги тилимизда “қўл” маъносини англатган “эл” сўзига кичрайтирувчи “-иг” қўшимчасини қўшишдан ҳосил бўлган. Элик сўзи “бир қўлдаги беш бармоқ”ни билдирган, “бешикчи ўнлик сон” маъноси ана шу маънодан ўсиб чиққан. Бу сўзнинг тарихи “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да шундай изоҳланган.

“Элик” сўзининг туб илдизи, айниқса, Олтойдаги абақан тилида янада яққолроқ кўринади. Улар эликни “илиг” дейдилар. Ҳолбуки, “қўл” маъносидаги “илиг”, “илик” сўзлари бизнинг мумтоз адабиётимизда кўп ишлатилган, ҳозир ҳам адабий тилда бу сўз қўлланади.

“Тулум”да қолган “тул”

“Тул” сўзи тилимизда “бева” маъносини англатади. Бу сўзнинг “қашшоқлашмоқ”, “ўта мураккаб вазиятга тушиб қолмоқ” деган маънолари ҳам бор. Бир қатор туркий тилларда, шу жумладан, айрим шеваларимизда ҳам “тулум” деган сўз бўлиб, у “ўтиб бўлмайдиган жой” деган маънони билдиради. Бу эса “тул” ва “тулум” сўзлари ўта мураккаб вазиятга тушиб қолмоқ маъноси билан бир-бирига яқин эканлигини далиллайди.

Шунингдек, боласи ўлган сигирни ийдириш учун ўлган бузоқ терисига похол тиқиб, уни тирик бузоқдай кўрсатиб, сигирни ийдириб олганлар. Худди шу терисига похол тиқилган бузоқни “тулум” дейишган. Яна ёш бўлишига қарамай, семириб кетган одамга нисбатан ҳам “тулумдай бўлиб қолибди” деган иборани қўллашган. “Тулум” сўзининг тилимизда “меш”, “саноч” маънолари ҳам бор.

Бедананинг туллаги

Биз одатда ёмон феълли, айёр, тубан одамларга нисбатан “туллак” сўзини қўллаймиз. Бу сўзни бирровга нисбатан ишлатиш ҳақорат билан баробар. Ҳолбуки, “туллак” сўзи у даражада ёмон маънони англамайди. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “туллак” – “бултурги, бир ёшдан ошган бедана” маъносини билдириб, унинг туб илдизи “туллаган” феълига бориб тақалар экан.

Бошқа туркий тилларда ҳам бу сўз мавжуд. “Олтой-Олатоғ луғати”да “туллак” сўзи “тулак” шаклида берилиб, мазмуни “яланғоч”, “кал”, “туксиз”, “ўтовда сахтиён теридан қилинган тўшама” деб изоҳланади.

Нима бўлганда ҳам, “туллак” сўзи тилимизда ёмонотлиққа чиқиб бўлган. Балки бу сўзнинг бундай рамзий маънога келишига ҳайвонларнинг туллаганда жуда хунук кўриниб қолиши сабаб бўлгандир. Ҳар ҳолда, ҳар кимни “туллак” деган номдан сақласин.

Қулоч оч

Маҳмуд Кошғарий “қулоч” сўзини “қўл + оч”дан келиб чиққан дея изоҳлаган. Яна бошқа олимлар турли тахминларни илгари сурадилар. Лекин Кошғарий фикри асосли кўринади. Чунки қулоч одамнинг икки қўли икки ёнга ёйилганда, қўли кенг очилганда ҳосил бўлади. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да бу сўзни “қўл” ва “уч” отларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, икки қўл учи орасидаги ўлчов маъносини ифодалайди дейилган. Бу фараз ҳам мулоҳазага йўл очиб берадиган фараз.

Орқамдаги одам


“Орқа” сўзи тилимизда бир неча маънони англатиб келади: “орқа томон”, “елка”, “босиб ўтилган йўл”, “суянч” кабилар. Шунинг учун бу сўз тилимизда бадий образга айланиб, унинг тимсолида **“орқасида одами бор”, “орқаси тутди”, “орқаси зўр”, “орқасига ишонади”** каби рамзий бирикмалар ва иборалар ҳам пайдо бўлган. Хўш, “орқа” сўзининг бундай маъноларга эга бўлишига нималар сабаб бўлган? Қадимги сўзлар йиғилган “Олтой-Олатоғ луғати”да “орқа” “арга” шаклида берилиб, бу сўз “восита”, “имкониёт”, “ёрдам”, “қутқариш” маъноларини англатади деб изоҳланган. Олтой томонларда “аргам узилди” деган ибора “нажотсиз қолдим”, “ҳалок бўлдим” мазмунини билдирган.

Тахминимча, бу образнинг пайдо бўлишига яна бир нарса сабаб бўлган: туркийлар жангу жадалларни кўп бошидан кечирганлар. Жангда орқадан бўладиган ҳужумни қайтариш муҳим. Одам олд томондан қилинадиган ҳамлага ўзи бас келади, чунки олд тарафдаги душман кўзга кўриниб туради. Орқа тарафдан бўладиган ҳужумга эса унга хайрихоҳ бошқа кўз керак. Яна бир тахмин: зарбага дош беролмай йиқилаётган одам орқага йиқилади, шундай вазиятда орқадан суяб қолинса, у яна оёққа туради.

Қадимда халқимиз орасида экстаз ҳолатига тушадиган, шомонсифат қушночларга нисбатан “орқаси бор” ва “орқаси тутди” ибораси қўлланган. Яъни

бундай ғайритабий хислатга эга бўлган одамларнинг орқасида рухлар, кўзга кўринмас кучлар бўлади ва уларни қўллаб-қувватлаб, бошқалар билмайдиган сирлардан хабардор қилиб турадилар деган қарашлар бўлган. Бундай одамларга нисбатан кейинроқ “момолари бор” деган ибора қўллана бошлаган. Ҳозирги пайтда эса, асосан, қўллаб турувчиси бор одамга нисбатан “орқаси бор”, “танкаси бор” иборалари қўлланади.

Шунингдек, ота-оналар ва фарзандлар бир-бирларини суянчим маъносида “орқамдаги тоғим” деб атайдилар.



“Эл”нинг “эл”лиги нимада?

Тилимизда энг кўп ишлатиладиган ва энг кўп маънога эга бўлган сўз – “эл” сўзи. “Эл”нинг “халқ”, “одамлар”, “қабилалар иттифоқи”, “уруғ-аймоқ”, “тинчлик”, “муроса”, “дўстлик”, “давлат”, “ҳокимият” каби маънолари бор. Бу сўзнинг тарихи, туб илдизи борасида ҳам олимлар турли фикрларни билдирадилар, турли фаразларни илгари сурадилар. “Туркий тиллар этимологик луғати”да “эл” сўзи “қўл” маъносигаги “ил” сўзидан келиб чиққан дейилади. Қўлнинг “ал”, “ил”, “илг” шакллари ҳозир ҳам тилимизда, шеваларимизда бор.

Сабр айласанг, муродингга етарсан,

Насиб бўлса ёр илқидан тутарсан, – дейилади “Тоҳир ва Зухра” достонида.

Баъзи изоҳларда “эл” “илгида ҳокимият, бошқарув, раҳбарлик бор” деган маънони англатади деб айтилган. “Қўли узун”, “Илгида тутиб туради” каби иборалар ҳам қўлида қудрат бор маъносини ифода-лаб келади. Алишер Навоий ҳам “эл” сўзини “қўл” ва “халқ” маъноларида қўллаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, одамлар бирлашган жойда эл пайдо бўлади. Демак, қўлда бармоқлар бирлашади, “бир мушт ҳолига келиш” деган ибора ҳам бирлашишни билдиради. Одамларнинг бирлашиб бир қўлга (яъни, илга) айланиши элни билдиради.

“Ўтинч” қарзми, тилак?

“Ўтинч” сўзи бугунги кунда “қаттиқ илтимос”, “ялиниш” маъносини англатади. **Жанобларидан ожизона ўтинчим шулки...** (Абдулла Қодирий). Кошғарий изоҳига кўра, бу сўзнинг қадимги маъноси бугунги маъносидан кескин фарқ қилади. Яъни “ўтинч” бу “қарз”дир. Аммо бошқа манбаларда “ўтинч” сўзининг илдизи “ўт” бўлиб, бу сўз “тила” деган маънони билдирган ва “ўтинч” сўзи “тилак” деб изоҳланган. “Гуноҳидан ўтинг” дейилганда ҳам, гуноҳини тилаб олиш маъноси англонади.



“Чигал”нинг чигили

Қадимда тугун боғланса, ип боғланса ҳам – “чигилди” деб айтилган. Демак, **“ишлар чигаллашди”** деган ибора “ишнинг ечилиши керак бўлган тугуни кўпайди” деган маънони билдиради. “У оёғининг чигилини ёзди” деган гапда ҳам бир жойда ўтираверилса, томирларнинг тугун бўлиб қолишига ишора бор.

Алишер Навоийда “чигил” сўзи қадимги туркий қабилалардан бирининг номи, чигиллар иттифоқи, чигиллар мамлакати маъносида келади. “Чигил бир-ла яғмони айлаб убул” (“Садди Искандарий” достонидан). Маҳдуд Кошғарий ҳам “чигилди” сўзини “боғлади” дея изоҳлайди ва “чигилланди” сўзини “ўзини чигил қабиласидан ҳисоблади” деб тушунтиради.

Эл орасида “Чигал соқолга темир тароқ” деган мақол ҳам бор.

Қозиқ устидаги сочиқ

Ерга қоқиладиган учи ўткир ёғоч ёки темирни “қозиқ” деймиз. Сабзи ҳақида “Ер остида олтин қо-зиқ” деган ажойиб топишмоғимиз бор. “Яхши сўз – жон озиғи, ёмон сўз – бош қозиғи” каби ғаройиб мақолларимиз ҳам бор. “Қозиқ” сўзининг дастлабки шакли “қазғуқ” бўлганлиги ҳақида “Қадимги туркий тил” китобида айтиб ўтилган. “Қозиқ” сўзи асли қа-зиш мазмунидаги “қаз” феълига от ясовчи “-ғуқ” қў-шимчаси қўшилишидан ҳосил бўлган. “Сочиқ” сўзи ҳам “соч” феълидан шу тариқа ясалган бўлиши керак.

“Син”нинг синчиси

“Син” – бу сўз “қомат”, “гавда” маъносини билдиради. “Сину сумбат” бирикмаси, “синчи” сўзи ҳам шундан келиб чиққан. Синчи отнинг гавдаси ва ташқи кўринишига қараб, унинг қандай от эканини айтиб бера олган. Халқ тилида “одамнинг синчиси” деган ибора ҳам бор. Бундай синчилар одамнинг сину сумбатига, ташқи кўринишига ва ўзини тутишига, гап-сўзига қараб, унинг феълени, табиатини, қандай одам эканлигини айтиб бера оладилар. Хуллас, “синчи” сўзи одам ёки отнинг ташқи кўриниши, ўзини тутишига қараб, феълени айтиб бера оладиган одамга нисбатан қўлланган.

“Чил берди”


Ҳозирги тилда полвонлар кураши пайтида фойдаланиладиган усулга “чил” дейилади. Масалан: *“Полвон кутилмаганда рақибига чил берди”*, яъни усул қўллади. Бироқ бу сўз қадимги тилимизда “ёмонлик” деган маънони англатган. Ҳозир ҳам бировга панд берган одамга нисбатан *“ёмон чил берибди”* деган ибора қўлланади. Аслида “чил” сўзи “ҳийла”, “фириб” маъносида келади. Мамлакатимизнинг тоғолди ҳудудларида “чил” деган қуш тури ҳам яшайди. Лекин унинг ҳийла маъносидаги “чил” сўзига алоқаси йўқ.

“Ёзуқ”нинг ёзуғи не?

Халқ орасида ё адабий асарларимизда **“Ёзуғи не эди?”** деган гапга дуч келсак, баъзан уни “Манглайи-даги ёзуви не эди?” деган маънода ҳам тушунамиз.

Хўш, “ёзуқ” (“йазуқ”) сўзининг ўзаги “ёз” (“йаз”) қандай маънони билдиради?

“Қадимги туркий тил” китобида изоҳланишича, қадимда “йаз” сўзи “ёмонлик қил” деган маънони англатган. “Ёзуқ” сўзи эса “гуноҳ” маъносини билдирган. Демак, “Ёзуғи не эди?” деган иборани “Ёмонлиги не эди?”, **“Гуноҳи не эди?”** деб тушуниш керак.



“Ёёвон”даги “ёз”

Фарғонада “Ёёвон” деган жой бор. Хўш, “ёзуқ” сўзидаги “ёз” “ёмонлик қил” деган маънони билдирса, “Ёёвон”даги “ёз” қандай мазмунни англатади?

“Ёёвон” таркибидаги “ёвон” сўзи аслида “ёбон” бўлиб, унинг маъноси “дала, дашт” дегани. Энди бу сўздаги “ёз” (йаз) сўзи ҳақида тўхталсак... Қадимда “йазы” сўзи ҳам “чўл, дала” деган маънони англатган. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида шундай мисралар бор:

*Сўксўк кибиким чу бўлди суда,
Ётқай ёзи узра тўда-тўда.*

Мазмуни: Бу суяклар чўллардаги чириган саксовуллардек тўда-тўда бўлиб ётар эди.

Бундан кўринадики, Навоий ҳам “йози” сўзини чўл маъносида қўллапти.

У ҳолда “Ёёвон”да бир хил маънодаги иккита сўз қайтарилганмикин? Эҳтимол, “Ёёвон” – “дашту дала” деганидир. Чунки “дашт” билан “дала”нинг фарқи бор. Дашт ёввойи, дала эса маданийлашган маъносида. Сўзнинг маъносини изласанг фикр келаверади-да. Ёввойиликнинг ўзи табиийлик эмасми? Дейлик, ёввойи ўт табиий кўкарган ўт-ку. Нега биз табиий нарсани ёввойи деб атаймиз? Энди бу бошқа мавзу.

Саҳродаги “ёввойи”


Одам ўз қўлига кирмаган, ўз тасарруфида бўлмаган, ўзи эгалламаган нарсаларни ўзига бегона, ёт, ёв, ёввойи деб билган. Дейлик, пиёзпоядан кўкарган табиий ўтти “бегона ўт” деймиз. Балки у ердан кўкарган пиёз бегонадир. Эзоп айтганидай, деҳқон ерга қадаган уруғ ер учун ўгай фарзанд, табиий кўкарган ўт эса асл фарзанддир, эҳтимол.

Хўш, умумий маъноси **“қўлга ўргатилмаган”, “инсон қўли билан бунёд этилмаган”** деб изоҳланган **“ёввойи”** сўзининг асл мазмуни нима?

«Ўзбек тилининг этимологик луғати»да изоҳланишича, “Бу сифат қадимги туркий тилдаги “сахро” маъносини англатган “йаба” отидан -йи қўшимчасининг қўшилиши билан ясалган бўлиб, асли “ўз-ўзича яшайдиган, ўз-ўзича ўсадиган” деган маънони англатган”.

Шундан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, “ёввойи”нинг туб маъноси “сахройи” бўлади.

Қўшимча сифатида: “йаба” сўзи “сахро” маъносини англатса, “Ёёвон”даги “ёбон” ҳам “сахро” мазмунидадир, эҳтимол.




“Тирик” нимаси билан тирик?

Ҳар куни қайта-қайта ишлатадиганимиз “тирик” сўзи ҳамиша тирик ва тетик. Бу сўздан ҳаракат ва меҳнат нафаси келиб туради. Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра ***“тир”*** сўзи асли ***“яша”*** деган маънони англатади. Демак, “тирик” сўзи ҳам айнан шу “тир” сўзидан келиб чиққан. Ўз-ўзидан аёнки, тирик яшаши билан тирик.

Тутилган тутқун

Арабчадаги “асир” сўзининг соф ўзбекчаси “тутқун” сўзидир. Бу икки сўз ҳам тилимизда фаол қўлланади ва бир хил маънода юритилади. Фақат “асир” сўзини кўпроқ ишлатамиз. “Тутқун” сўзининг илдизи сўзнинг шаклидан аниқ кўриниб турибди. “Тутиб ол” мазмунидаги “тут” феълига “-қун” қўшимчаси қўшилиб, тутиб олинган маъносидаги “тутқун” сўзи ҳосил бўлган. Ғани Абдурахмонов ва Алибек Рустамовнинг “Қадимги туркий тил” китобида жамоа маъносидаги “тергин” сўзи ҳам шу усулда ясалганлиги айтиб ўтилган. Биз ҳозирда “терма жамоа” деймиз. Қадимда “терма жамоа” териб олинган деган маънода “тергин” сўзи билан ифодаланган.



Кесилган кесак

“Кесак” сўзи ўз илдизи ҳақида ўзи гапириб турибди. У “кес” сўздан ҳосил бўлган ва қадимги даврларда “кесак” “кес” деб ишлатилиб, унга **-ак** кўшимчиси кейин қўшилган. Ҳозир тилимиздаги кесак отиш маъносидаги “кесаклади” феъли ҳам “кеслади” шаклида бўлган. Умуман, “кесак” қуритилган лойнинг бўлаги, кесилган қисми мазмунини билдиради. Кошғарий изоҳига кўра, қадимда ҳар бир нарсанинг бўлаги, парчасига ҳам “кесак” дейилган. “Кесак ненг” – нарсанинг бўлаги деб изоҳланган. Демак, мато ё ширинлик бўлагини ҳам “кесак” дейишган. Ҳозирги тилимизда бу сўзнинг фақат қуриган лой бўлаги – кесак мазмунидаги маъноси сақланиб қолган. “Дардсиз кесак, ишқсиз эшак” деган мақолимиз ҳам бор. Бу мақолда тепса-тебранмас, лоқайд, ўликсифат одам кесак образида ифодаланган. “Кесакдан ўт чиқди” деган ибора эса ҳеч бир иши билан кўзга кўринмай, одамлар орасида бору йўқлиги сезилмай юрган кимсанинг тўсатдан катта бир ишни амалга оширишига қарата айтилган.



Машрабнинг “ўртар”и

Бобораҳим Машрабнинг “ўртар” радибли ғазалини билмаган одам бўлмаса керак. Бу ғазалнинг қўшиғини хиргойи қилмаган киши ҳам бизда топилиши даргумон.

***Агар ошиқлиғим айтсам,
куйиб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён қилсам,
тақи ул хонумон ўртар.***


Гап шундақи, шоир ғазалда “ўртар” сўзини шу қадар маҳорат билан ишлатганки, ҳар бир байтда бу сўз туб илдизи билан тўлиқ намоён бўлган.

Қадимги тилимизда “ўрт” сўзи “ёнғин” маъноси-ни англатган. “ўртар” сўзи ҳам шундан келиб чиққан. Ҳозирги пайтда ҳам қўлланадиган “кўнглим ўртади” ибораси асли “кўнглим ёнғин ичида қолди” мазмунида бўлган.

Қил устида “қилтириқ”

Биз одатда “қилтириқ” деганда, ниҳоятда озғин, жуда ориқ деган маънони тушунамиз. Ҳолбуки, “қилтириқ” сўзининг туб маъноси **дон қобиғи учидаги ингичка узун қилча** демакдир. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, бу сўз қадимда ҳам шундай маънони англатган.

Ўйлаб қарасангиз, жуда озғин одамга нисбатан бекорга бу сифат кўчмаган. Ҳақиқатан ҳам дон қобиғи учидаги қилча ниҳоятда ингичка, қилдай нозик бўлади. Бу сифатнинг одамга кўчиши учун қанча кузатувлар, қанча тарихлар керак бўлган.



“Ўшакчи” ушоқчими?


“Ўшакчи” деган сўз менга болалик йилларимдан таниш. Қишлоғимизда чақимчи, майда гап, гап та-шувчи одамларни “ўшакчи” дейишарди. Лекин чақимчиларни нега “ўшакчи” дейишларини ҳеч тушу-нолмаганман. Ҳозир ҳам жанубий вилоятларимизда бу сўз кўп қўлланади. Кейинроқ билсам, “ўшак” сўзи-нинг “ушоқ” сўзига алоқаси бор экан.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” индексида “ушоқ” сўзига шундай изоҳ берилади:

У ш а қ I. – кичик, майда.

У ш а қ II. – чақимчилик, маломат.

Дарҳақиқат, чақимчилик ҳам майда-чуйда гап-лар билан машғул бўлишдир. Чақимчилик – майда-кашлик деган маънода “ушак” сўзи билан ифодалан-ган бўлиши мумкин.



“Юксак”даги пат

Бир қарашда “юксак” сўзи билан “пат” сўзининг бир-бирига тирноқчаям алоқаси йўқдай туюлади. Чунки улар тузилиш жиҳатидан ҳам бошқа-бошқа. Лекин мутолаа вақтида бу сўзларнинг бир-бирига жуда алоқадор эканини кўриб ҳайратда қолдим.


Қизиғи шундаки, “юксак” сўзидаги “юк” сўзи “қуш пати” деган маънони англатар экан. Кошғарий бу сўзнинг маъносини шундай изоҳлаган. Айни шу “юк” сўзига “-сак” қўшимчаси қўшилиб, “юксак” сўзи ҳосил бўлган. Ғалати-я... Биттагина сўзнинг мантиқий илдизлари ҳам қанча кечмишларга бориб тақалади.

Ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи

Сўзларнинг пайдо бўлиш жараёни қизиқ. Қовун қовундан ранг олади деганларидай, сўз ҳам сўздан шакл ва маъно олади. Қуйидаги сўзларга эътибор қилинг:

“Қилиқ” сўзи “қил” феълига “-иқ” қўшимчасини қўшишдан ҳосил бўлиб, “қилган” деган маънони англатади. Кошғарий изоҳига кўра, худди шу каби “пишиқ” сўзи ҳам “пишгаи” деган мазмунни билдиради. “Кўриқ” сўзи эса кўриқланадиган ер маъносида келади.

Эҳтимол, “ўлик” сўзи ҳам шу тариқа пайдо бўлган бўлиши мумкин. Бир қарашда “этик” сўзининг этимологияси шу асосга яқиндай туюлади. Этика оёқ итариб киритилади. Балки у “итик” (“итарилган”) бўлгандир. Бу тахминимиз, холос. Тилимизда “-иқ”, “-ик”, “-иг” қўшимчалари билан ясалган отлар кўп. Хуллас, сўзларнинг ҳам ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа экан-да. Мулоҳаза учун яна бир маълумот: Севортяннинг таъкидлашича, Радловда ва бошқа тадқиқотчиларда “қилиқ” сўзи арабчадаги “хулқ”, “хулик” сўзига муқоёса қилинган.



“Сўқоқ”даги оқ кийик


Тошкент вилоятида Сўқоқ деб аталадиган сўлим бир жой бор. “Сўқоқ” сўзини маҳаллий аҳоли “суви кўк” деган маънода изоҳлайди. Лекин қадимда **“суқоқ”** сўзи **“оқ кийик”** деган маънони билдирган.

Маҳмуд Кошғарий “соқоқлиғ тағ” (кийикли тоғ) деган иборани келтириб ўтган.

Туркий тиллар этимологик луғатида “сўқ” – “соқ” сўзи уч хил маънода изоҳланади. Биринчиси, сўқмоқдаги “сўқ” “урмоқ” мазмунида, иккинчиси, “тўқмоқ”, “газламага нақш солмоқ” ва учинчи маъноси “суқмоқ”. Кўриниб турибдики, булар “сўқоқ” сўзига мазмунан тушмайди. “Сўқоқ” сўзининг туб илдизи оқ кийик маъносида мантиққа тўғри келади.

Парвардигор

Ҳар куни ичимизда ҳам, ташимизда ҳам энг кўп мурожаат қиладиган сўзимиз бу. Шунинг учун “парвардигор” сўзига билганимизча изоҳ бериб ўтишни маъқул кўрдим. “Навоий асарлари луғати”да форсийдаги “парвар” сўзи “Сўз бирикмасида кўпинча тарбияловчи, қувватловчи, жонлантирувчи маъноларида келади” деб, “парвард” сўзи “Сўз бирикмасида тарбияланган, ўсган маъносида келади” деб, “парварда” сўзи эса, “тарбия топган, парваришланган” мазмунида деб изоҳланган. Худди шу луғатда форсча “кирдигор” сўзига “Яратувчи (Худо)” дея изоҳ берилган. Шундан келиб чиқиб, “парвардигор” сўзининг битта маъносини “оламларни парвариш этувчи, тарбия этувчи” маъносида англасак бўлади.



“Эринчак”нинг эртаги

Тилимизда ишёқмас, дангаса, ҳафсаласиз каби маъноларни англаган “эринчак” сўзининг туб илдизи қуйидагича мазмунга эга: қадимда тилимизда “эринч” деган сўз бўлиб, у “маишат билан кун кечиринч” деган маънони билдирган. Дарҳақиқат, фақат маишат билан кун кечирган одам эринчак бўлиб қолиши табиий. Шунинг учун ҳам халқимиз “Эринчак икки ишлар, охири бармоғин тишлар” ёки “Эринчакнинг иши битмас” каби мақолларни айтиб ўтган.

Бешиккертти

Яқин ўтмишгача бизда бешиккертти деган удум бўлган. Бу удумга кўра қиз болани чақалоқлигидаёқ кимгадир унаштириб қўйишган. Баъзи вилоятларимизда бу удум “қулоғини тишлатти” деб аталади.

Хўш, “бешиккертти” иборасидаги “кертти” сўзининг маъноси нима? Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра, “керттик” сўзи белги деган мазмунда келади. “Кертти” эса “кесилган”, “ўйиқ” деб изоҳланган.

Умуман, бу ибора “бешигида белгили қилди” деган маънони англатади.

Совчининг сўзи кимники?

“Совчи” деган сўздан тўйнинг ҳиди келади. Элда ҳар ким ҳам совчи бўлавермайди. Кўриб-кечирган, сўзга чечан “сўзчи”лар бу ишни уддалашади. Бу сўз аслан **“сўзчи”** деган маънони англатган. Қадимги тилимизда **“сав”** – **“сўз”** дегани. Дарҳақиқат, бировнинг эшигига совчиликка борган одам куда бўлишни истаётган тарафнинг сўзларини олиб боради. Шунинг учун ҳам унга “сўзчи” – “совчи” дейилган. Кошғарий изоҳига кўра “савчи” сўзининг бир қанча маънолари бор. Баъзи манбаларда пайғамбарлар ҳам “совчи” деб аталган. Чунки улар ҳам худонинг сўзини одамларга етказишган.



Гапнинг “дангал”и

Ҳақиқатан ҳам биттагина сўзда кўп кечмишлар яшириниб ётади. Биз “дангал” сўзини бугунги кунда лўнда, бир сўзли, мард маъноларида тушунамиз. Хўш, “дангал” сўзи қандай пайдо бўлган? Унинг дунёга келишига асос нима?

Қадимда бу сўзнинг асл маъноси шундай бўлган: ***арпа ва буғдойлар ўрилгач, уларнинг даста-даста қилиб боғланган боғи “дангал”*** дейилган. Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳи бу. Қаранг-а, одам ҳам ўзини эплай олмай ҳар тарафга хасдай сочилиб ётса, бир бутун ҳолга келолмаса, у ҳеч қачон дангал бўлолмайди-да. “Дангал одам” ибораси асосан одамнинг қатъиятини ва мустаҳкам сифатларини ифодалаш учун қўлланади.

“Ичак-чавоқ”даги “чавоқ”

Тилимизда “ичак-чавоқ” ибораси кўп ишлатилади. Бунда “ичак” сўзининг маъноси ҳаммага маълум. Лекин “чавоқ” сўзининг маъносини ҳамма ҳам билавермайди. Кошғарий изоҳига кўра, “**чавоқ**” сўзи “**кичик балиқ**” деган маънони англатган. Бу сўзнинг “ичак” сўзига қўшилиб кетишига сабаб ичак атрофидаги майда-чуйда нарсаларни ифодалаш бўлган бўлиши мумкин. “Чавоқ” сўзи кўпроқ майда-чуйда нарсаларга нисбатан қўлланилганлигини қадимий туркий тилда паст, тубан, майда одамнинг “чавақ эр” деб аталганидан ҳам билса бўлади. Шунингдек, ҳозир гўштни чавақлаш мазмунидаги “чавақлаш” сўзи ҳам майдалаш маъносини беради ва “чавоқ” сўзига бориб тақалади.

“Олчоқ” сўзининг икки маъноси

“Алчақ” (олчоқ) – бугунги кунда ўта салбий маънода ишлатиладиган бу сўзнинг ўтмишдаги туб маъноси Кошғарий “Девон”идаги изоҳга кўра, “юмшоқ табиатли”, “ювош”, “заиф”, “нозик” маъноларини билдирган. Балки қўрқоқлик, ожизлик, мумсиклик каби иллатлар бу сўзнинг салбий тус олишига сабаб бўлгандир. Заифлик бор жойда бу каби иллатлар ҳам бўлган. Ёхуд заиф эркакларга нисбатан “олчоқ” сўзини ишлатишган бўлишлари ҳам мумкин. Чунки қадимги туркийлар эркак кишининг “юмшоқ табиатли”, “ювош”, “заиф”, “нозик” бўлишини сира ёқтиришмаган. Лекин тарихда бу сўзнинг ижобий маънода қўлланган ўринлари ҳам жуда кўп. Аниқроғи, қадимги адабиётларимизда алчақлик юксак фазилат сифатида улуғланган ўринлар ҳам бор. Маҳмуд Кошғарий “Алп ёғийда, алчақ ёғида”, яъни “Ботир душман билан тўқнашганда, олим баҳсда синалади” деган мақолни келтиради. Нега бундай? Нимага битта сўз икки қутбда ҳам кўриниш берапти? “Олчоқ” сўзига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “ўтакетган разил, паст, ёвуз, номард, хоин” деб изоҳ берилган. Ёки улар бор-йўғи шунчаки шаклдош сўзларми? Қолаверса, “алчақ” рус тилидаги очкўзлик маъносидаги “алчность” сўзига ҳам шаклан яқин (бу бошқа мавзу).


Айни шу ўринда бошқа бир вариант юзага қалқиб чиқади. Қадимги туркий тилда “алчы” деган сўз “ҳийлакор”, “маккор”, “айёр” деган маъноларни

билдирган. “Девону луғотит-турк”да “ал” сўзи ҳийла, фириб, тадбир маъноларини англатиши айтиб ўтилган. Севортян, Будагов луғатларида “ал” шу маънода келади. Демак, “алдамоқ” феълининг туб илдизи айти шу “ал” сўзига бориб тақалади. Биз билган салбий маънодаги “алчақ” (“олчоқ”) сўзи ҳийла ва фириб маъносидаги “ал” сўзидан келиб чиққан.

Ранги қув ўчди


Бир қарашда бу ибора бизга ҳар жиҳатдан тушунарлидай ва уни изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқдай туюлади. Бироқ бу иборадаги “қув” сўзи қандай маънони англатади? Бизга “қув” сўзининг “айёр” деган маъноси маълум. Лекин бу иборада “қув” “айёр” маъносида келса, асло мантиққа тўғри бўлмайди. Яъни “ранги айёр ўчди” дейиш бемаънилик бўлади. Маълумки, халқ ибораларида сўзлар қаттиқ михланади.

“Туркий тиллар этимологик луғати”да “қув” сўзи “оқ-сариқ” деган маънони англатиши таъкидланган. Бошқа манбалардаги изоҳларда ҳам бу сўз шу маънога яқин шаклда шарҳланган. Қумиқлар ва қирғизлар тилида “қув” – “оқ” деган, хакаслар тилида эса “рангсиз” деган мазмунни билдиради. Шунингдек, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да оққушнинг ҳам “қув” деб аталиши кўрсатиб ўтилган. Тилимизда “Қув қув билан учади, ғоз ғоз билан кўчади” деган мақол бор. Бу ҳам “қув” сўзининг оқ рангни ифодалашини далиллайди.




Ялангдаги “яланғоч”

Тилимизда уст-бошсиз маъносидаги “яланғоч” сўзи одамга, дарахтга, уйга, қурол-яроққа, баъзан ҳайвонга нисбатан ишлатилади. “Яланғоч” “яланг” сўзидан келиб чиққан. Қадимда “ўт тушган жой каби қора, заранг, гиёҳ битмас ер”га нисбатан “яланг” сўзи ишлатилган. Шунинг учун “яланғоч” сўзи кўпинча қашшоқлик ва камбағаллик рамзи сифатида келади. Демак, “яланг”+ “оч”дан “яланғоч” сўзи дунёга келган.



Қовуқ, қовоқ, қовун...

“Қовуқ” ва “қовоқ” сўзлари ўртасида ўхшашлик бор. Бу сўзларнинг бири одам танаси аъзоси маъносини билдирса, бири полиз экини “ошқовоқ” маъносини билдиради. Қарангки, улар мазмун томондан бир-биридан узоқ, лекин товушлар уйғунлиги жиҳатдан деярли бир хил. Аммо туб маъно сари борилса, бу уйғунлик бекорга эмаслиги маълум бўлади. Яъни “қовуқ” сўзи Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра, “ичи бўш нарса” маъносини англатади. Ҳолбуки, қовоқ ҳам ичи бўш нарса. “Қовоқ калла” деган ибора ҳам шундан келиб чиққан. Тилимиздаги “ковак” сўзи ҳам ичи бўш нарсага нисбатан қўлланади. Эрванд Севортян “қовуқ” сўзининг ўзаги “қов” – “ковак”, “ичи бўш” мазмунини англатишини таъкидлаган. Баъзи олимлар “қобиқ” сўзини ҳам шу илдизга олиб бориб тақайдилар. Балки “қовун” сўзи ҳам бу сўзлар билан қариндош бўлиши мумкин. Чунки қовуннинг ҳам ўртаси бўш бўлади. Лекин Густав Рамстед “қовун” сўзи мўғул тилидаги “гаун” сўзидан деб изоҳлайди. “Туркий тиллар этимологик луғати”да баъзи туркий тилларда тарвуз ва қовоқ ҳам “қовун” деб аталиши айтиб ўтилган.



Соғиниш

Ғафур Ғуломнинг “Соғиниш” шеърида шундай залворли мисралар бор:

*Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, қуёш.*

“Соғиниш” сўзининг моҳияти шеърнинг дастлабки икки сатрида манаман деб намоён бўлган. Бу сўз ҳам минг йиллар давомида кўп тарихларни бошидан кечириб келмоқда.


“Соғиниш” сўзининг асл маъносига эътибор қилсангиз, унинг тарихини яхшироқ ҳис этасиз. “Соғинди” сўзи ўзининг илк даврларида “бировнинг ғамини еди” деган маънони билдирган. Маҳмуд Кошғарий ҳам унинг мазмунини шундай шарҳлаган. Бу мазмун жуда қизиқ ва ғаройиб! Бунда “Мен уни соғиндим” деётган одамнинг кечинмаларидан кўра соғинилган одамнинг сиймоси олдинда туради. Дарҳақиқат, бу сўз ҳозир ҳам биров учун куйиниш, биров учун қайғуриш ва интилиш мазмунини англатади.

Кундуз ва юлдуз

“Кундуз” ва “юлдуз” сўзлари бир қолипда ясалган, лекин уларнинг лойи икки хил. “Юлдуз” сўзи “йилт” сўзидан келиб чиққан. Кўринишда ҳам йилт этган ёруғлик юлдузга хос. “Кундуз” сўзи ҳам бу сўзга яқин. Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра “кундуз” сўзи “кун ёруғи” деган маънони англатади. Шундан келиб чиқиб, “юлдуз” сўзи “йилт этган ёруғ” маъносини ифодалайди деб фараз қилиш мумкин, яъни унинг илк шакли “йилтдуз” бўлган бўлиши керак. Эътибор қилсангиз икки сўзда ҳам “дуз” ёруғ маъносида келаяпти. Эҳтимол, “дуз” қўшимчасининг бошқа маънолари бордир. Масалан, “мундуз” сўзи “аҳмоқ (одам)” деган маънони билдирган. Бу сўздаги “мун” – “касалик, камчилик” маъносини ифодалайди. Яна “-дуз” қўшимчаси иштирокидаги “булдузди” деган сўз “бўлди” маъносини билдирган. “Илдиз” сўзида ҳам шу қўшимча бор. Бу қўшимча “биланглаб буралиб кетмоқ”, “ўрмалаб кетмоқ” маъносидаги “йыл” сўзига қўшилиб, “илдиз” сўзини ҳосил қилган. Бироқ бу сўзларда “-дуз” қўшимчаси “кундуз” ва “юлдуз” дагидан бошқа йўналишда келади.

Куёв ва косов

“Куёв” ва “косов” сўзларининг бир-бирига умуман алоқаси йўқ бўлиши мумкин. Лекин Маҳмуд Кошғарий “куёв” сўзини ҳам “кузагу” шаклида, “косов” сўзини ҳам айнан “кузагу” шаклида берган. Эҳтимол, бу тасодифдир ёки омоним сўзлардир. Лекин ўйлаб кўрса бўладиган ўхшашлик. Хуршид Даврон бир суҳбатда “куёв” сўзи “чиройли” маъносини англатади деган эди. Маҳмуд Кошғарий келтираётган “кузагу” сўзига тилимиздаги “кузаш” сўзи яқин туради. Қадимда от ёлини ёки киши соқолини чиройли қилиб текислаш тилимизда “кузаш” сўзи билан ифодаланган. Бу сўз маъно жиҳатдан “чиройли” сўзига яқин боради. Севортян луғатида куёв сўзининг илдизи “кўтарилиш”, “сақлаш”, “ҳимоя қилиш”, “чўпон” каби маъноларга яқинлиги ҳақида ҳам айтилган. Аслида “куёв” сўзида доим кўрк ва навқиронлик бор. Шунинг учун ҳам Асқад Мухтор болалик чоғларида катта бўлганинда ким бўласан деб сўраганларга, “Куёв бўламан” деб жавоб берган бўлса, ажаб эмас.



Отарчи ўтлайдимиз?

“Отар” деган сўз тилимизда қадимдан бор. Яйловда боқиладиган кўйларнинг йирик тўдаси “отар” деб аталади. “Отар” сўзи қир-адирларни, кўтонларни, чўпонларни эсга солади. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “ердан ўзи кўкариб чиқиб, бир йиллик яшил ўсимлик” маъносини англатган “от” (ўт) отига – “-а” кўшимчасини кўшиб ясалган “ота” – “ўта” феъли мавжуд бўлган ва “ўт е” маъносини англатган (кейинчалик бу феъл истеъмодан чиққан), шу феълга -р кўшимчаси кўшилиб, “отар” сифатдоши ҳосил қилинган. Бу сифатдош асли “ўтлайдиган” маъносини англатган, кейинчалик отлашиб, “яйлов”, “ўтлоқ” маъносини, сўнгра “ўтловчи ҳайвонлар” маъносини англата бошлаган”.


Хўш, унда кейинги даврларда пайдо бўлган “отарчи”, “отар” сўзларига нима асос бўлган? Эҳтимол, бу сўзга “ичкилик ичиш” маъносидаги “отар” сўзи сабаб бўлдимикан? Чунки ичкиликбозлик базми тилимизда “отар” сўзи билан ҳам ифодаланади. Масалан: “Кеча отарда роса тортибмиз”. Ёки “ўрта”, “ўртачи” сўзлари ўзгариб, “отарчи”га айландимикан? Балки у “ўтарчи”дир. Бу ҳақда аниқ бир нарса деёлмаймиз. Лекин отарчининг отарга чиқиши рамзий маънода ўтлагани чиқиши билан уйғун келади. Адабий ўхшатишларда “отарчи отарга ўтлагани кетди”, “отарчи ўтлаб кетди” деб ишлатилса, ҳарқалай мантиқсиз ўхшатиш бўлмайди. Эҳтимол, икки “отар”нинг илдизи икки ёқдадир, бир-биридан йироқдадир, шундай бўлса-да, уларда ғалати ўхшашлик бордай туюлади.

“Юр” ва “юрт” сўзлари ҳақида

“Қари қарға” деган шеъримда “Ҳамон юрт оралаб юрар бир мақол” деган сатрни ёзаётганимда “юрт” ва “юр” сўзларидаги уйғунликни сезиб қолдим. Гап шундаки, қадимги тилимизда феълдан от ясовчи “-т” кўшимчаси бўлган. “Қадимги туркий тил” китобида айир маъносидаги “адыр” сўзига “-т” кўшилиб, “адырт” (фарқ) сўзи ясалганлиги ҳақида айтилган. Менимча, “чиқит” сўзи ҳам шунга яқин. Шундан келиб чиқиб, “юрт” сўзини “юр” феълидан пайдо бўлган деса бўлади. Қолаверса, “Туркий тиллар этимологик луғати”да ҳам “юрт” сўзи “юр” феълидан келиб чиққан деган фикр бор. Дарҳақиқат, юрт ҳар кимнинг юрадиган-турадиган жойидир. Кўп йиллар аввал менга “юр” сўзи “ер” сўзидан пайдо бўлган бўлса керак, деган ўй келганди. Лекин кўплаб манбалар менинг бу фаразимни рад этдилар.

Аямоқ – кафтда авайламоқми?

Тилимизда “авайламоқ” маъносини англатган “аяди” деган феъл бор. Бу феълнинг ўзаги “ая” сўзидир. Хўш, “ая” сўзи қандай маънога эга? “Ая” ёки “оя” сўзи қадимдан тилимизда “кафт” маъносини билдирган. Халқ тилида “Қўлимнинг оясида олиб юраман” деган ибора бор. Бир қарашда авайлаш маъносидаги “ая” феъли билан “кафт” маъносидаги “ая” сўзи шаклан бир хил-у, мазмунан ҳар хилдай туюлади. Лекин авайлаш билан кафтда тутиш мазмунан бир-бирига яқин. Шундан келиб чиқиб, “кафт” маъносидаги “ая” сўзи билан “авайла” маъносидаги “ая” сўзи туб илдизи бир хил деб фараз қилиш мумкин. Қолаверса, “Олтой-Олатоғ луғати”да ҳам “айала” деган сўз келтирилиб, бу сўз “кафтда бўлмоқ” деб изоҳланган. Шунингдек, “ая” сўзининг “тақдирламоқ”, “ато қилмоқ”, “таърифламоқ” каби маънолари ҳам борлиги манбаларда таъкидланган.



Тегирмоннинг теграси

Тилимизда ғаллани ун қилиб, шолини оқлаб, гуруч қилиб берадиган қурилма номини англаган “тегирмон” сўзи асли “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “айлан” маъносидаги “тегир” сўзидан келиб чиққан. Бу қадимий сўз ҳозир ҳам тилимизда “айлана” мазмунидаги “тегра” шаклида сақланиб қолган. “Теварак” ва “тўгарак” сўzlари ҳам шундан келиб чиққан. Демак, “тегирмон” сўзи “тегра”, “теварак”, “тўгарак” сўzlари билан алоқадор сўзлардир.

Соғин сизир

Тилимизда “урғочи қорамол” маъносини англатган “сизир” сўзи қадимда “сиғир” шаклида бўлганлиги “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да таъкидлаб ўтилган. Бу маълумотни ўқиб, мен “сиғир” сўзи “соғин” сўзи билан алоқадормасмикин деган мулоҳазага бордим. Балки бу сўз соғиладиган мазмунида “соғир” бўлгандир. Чунки “кўмир” сўзи “кўмилган” маъносидан келиб чиққани каби “сиғир” “соғиладиган” сўзидан келиб чиққан бўлиши мумкин-ку. Бу бизнинг фаразимиз, холос.

“Инак”нинг энаси ҳақида

Тарихимизда сигир “инак” деган сўз билан ҳам ифодаланган. Ҳозир ҳам мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида сигирни “инак” дейишади. Бир қатор туркий халқлар “инак” сўзини қўллайди. Болалигимда шом чоғларида инак соғаетган аёлларнинг сигирни ийдириш учун алқаб “Ҳў-ўш, хў-ўш, энам-ов, хў-ўш” деб куйлашлари эсимда қолган.


Инакни эна дейиш бизда азалдан бўлган. Онам бир гал қаҳатчилик йилларидан болаларини сигирининг сути билан олиб чиққан бир аёл ҳақида гапириб берган эди. Омон-омон бўлгач, аёлнинг сигири касал бўлади, уни сўйишмоқчи бўлганларида аёл “Бу инак болаларимнинг энаси, ундан сут қарзимиз бор” деб сўйдирмайди. Сигир ўлгач, уни ҳурматлаб кўмадилар.

Қадимда “эна” сўзининг “ина” шакли бўлган (“ини” сўзи ҳам “ина”га яқин). Худди шу “ина” сўзига эркаловчи “-ак” қўшимчаси қўшилиши билан “инак” сўзи пайдо бўлган. Таниқли шарқшунослар Вильгелм Шотт, Вильгелм Банг ва Андрей Кононовлар шу маънода шарҳ берадилар. Шунингдек, қадимги туркий тилда “йени” деган феъл бўлиб, бу сўз “туғмоқ”, “кўзи ёримоқ” деган маънони билдирган ва аёлларга нисбатан қўлланган. Худди шу “йени” сўзи ҳам “эна” сўзига яқин.

Тарғил сигирнинг тароғи

Тарғил сигир, тарғил бузоқ деймиз. **“Сигир олсанг, таниб ол, таний олмасанг, тарғил ол”** деган мақол ҳам бор. “Тарғил” сўзи сигир терисида оқ ва қора рангларнинг кетма-кет алмашилиб келишини англатади. Тилимиздаги “чавқар” сўзининг маъноси ҳам “тарғил”га яқин. Хўш, оқ ва қора ранг алмашилиб келса, нега “тарғил” деймиз?

Эътибор қилсангиз, “тарғил” сўзида “таралиш” маъносига яқинлик бор. Оқ ва қора ранг кетма-кет алмашилиб келса, бу икки ранг тароқда таралгандай таралиб туради. Маҳмуд Кошғарий ҳам бу сўз илдинини “тарилди” феълига олиб бориб тақайди.



Тароқнинг тармоғи

Тароқ ва тармоқ... Бир қарашда бу икки сўз кўри-нишидан эгизаклардай бир-бирига яқин, маъно жиҳатдан эса етти ёт бегоналардай бир-биридан узоқ туюлади. Чунки “тармоқ” сўзи “шохобча”, “бўлинма” маъносини билдирса, “тароқ” сўзи “тараш буюми” мазмунини билдиради.

Манбаларда изоҳланишича, бу икки сўзнинг пай-до бўлишига битта ўзак – “тараш” маъносидаги “тар” феъли асос бўлган. Қадимги тилимизда “тар” феъли “ажрат”, “бўлак-бўлак қил” деган маънони англатган. Дарҳақиқат, тароқ билан таралганда сочлар бир-биридан ажралиб текисланади. Қолаверса, ҳозирги тилимизда ҳам “сув таради” деган ибора сақланиб қолган. Бир соҳанинг бир қанча тармоқлари ҳам бир қаторда бир текис таралиб туриши шу соҳанинг миқёсини ташкил этади.



Кийизга қанор кийгиз

Қадимги даврлардан ишлов берилиб, турли рангларга бўялган қўй жунини қайноқ сувга бостириб тайёрланадиган қалин гулли палос тилимизда “кигиз” сўзи билан ифодаланган. “Кигиз” сўзининг “кийиз” шакли ҳам бор.


Дастлаб қўй жуни қанорга бир текис қилиб гулланган шаклда ёйилади, сўнг устидан қайноқ сув қуйилиб, кейин қанор ўралади ва ҳар бир ўрамга сув қуйиб борилади, сўнг ўрам қайта-қайта думалатиб пишитилади. Кигиз шу тариқа тайёрланади. “Кигиз” сўзининг туб илдизи **“қопла”** деган маънони англатган.

Тағин бир гап, тилимизга асли лотин тилидан кириб келган “филтр” сўзининг туб илдизи ҳам “кигиз”, “намат” маъноларини англатар экан. Дарҳақиқат, кигиз ва намат чангни ўзига кўп ютади.



“Сочилган сочингдай сочилса сиринг”


“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да бошдаги соч “сепиш, сочиш” маъносидаги “соч” феълидан пайдо бўлган деб кўрсатилган. Шунингдек, юз-қўлни артадиган буюм маъносидаги “сочиқ” ва “сочқи” маъносидаги “сочоқ” сўзларининг илдизи ҳам “соч” феълидир. Дарҳақиқат, бу сўзларнинг ҳаммасида “сочи-лиш” маъноси бор. Сўзни ниҳоятда нозик ҳис этган Абдулҳамид Чўлпоннинг “Сочилган сочингдай сочилса сиринг” деган сатрида ҳам “соч” сўзининг туб маъносига ғаройиб ишора бор.



Чумчуқ ва чивин

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳла-нишича, тилимиз тарихида “чумчуқ” сўзининг “чиб-чиқ” шакли бўлган ва бу сўз “кичкина жонивор” деган маънони англатган. “Чумчуқ семирса, ботмон бўлмас” деган мақол ҳам бу қушнинг кичкиналигига ишора қилади.

Модомики, “чиби” сўзи кичкина маъносини англатар экан, у ҳолда “чибин” сўзи ҳам унга алоқадор бўлиши мумкин. Чунки чивин чумчуқдан ҳам жуда кичкина. Шунингдек, халқ тилида ёшига етмаган, ҳали туғмаган эчки ҳам “чибич” деб аталади. Чибич ҳам кичик жонивор бўлади.



Туновун – туновкун

Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида “тунов кун” сўзининг “туновун” шакли ҳам бор. Хўш, бу сўзнинг ўзи қандай пайдо бўлган? “Китоб ат-туҳфа” китобида “туна” деган сўз келтирилиб, унинг маъноси “кеча” (“ўтган кун” мазмунида) деб изоҳланган. Демак, “тунов кун” сўзи “туна” сўзига “кун” сўзининг қўшилишидан ҳосил бўлиб “кечаги кун” мазмунини билдирган. Шунингдек, “Туновкун” “тундан аввалги кун” маъносини ҳам англатиши мумкин.

Кенжа – кечки ҳосилми?

Халқимиз орасида азалдан кенжа фарзандга муносабат бошқача бўлган. Эртақ ва дostonларимизда кўпинча катталарига нисбатан кенжа фарзанд ақлли, тадбирли, довюрак, жасур қилиб тасвирланган. Масалан, “Кенжа ботир” эртагини эслаб кўринг. “Кенжа, топганимни сен же!” деган мақол ҳам бор. Эҳтимол, бу халқимиз табиатидаги кичикларга меҳрли, мурувватли, шафқатли бўлиш, кичикларни асраб-авайлаш каби тушунчалардан келиб чиққандир.

Оилада энг охири фарзанд маъносини англаган “**кенжа**” сўзи қадимги даврларда “**кечки**” деган маънони билдирган. Бу одамнинг охири ҳосили маъносида мантиққа тўғри келади. Хакаслар тилида ҳам бу сўз “кечки” маъносини билдиради.


Тўп ва тўпиқ

Халқ тилида болдир суюгининг пастки учудаги ён томонга туртиб чиққан думалоқ қисми маъносини англаган “тўпиқ” сўзининг “тўбиқ” шакли ҳам бор. “Дарё тошса тўпиғига чиқмайди” деган мақол тўпиқ тананинг паст қисмида жойлашгани учун айтилган. Хўш, бу сўз қандай пайдо бўлган? “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, қадимги тилимизда “тўб” сўзи “думалоқ нарса” деган маънони англаган. “Тўпиқ” (“тўбиқ”) сўзи шу сўздан ҳосил бўлган. Копток маъносидаги “тўп” сўзи ҳам шундан келиб чиққан. Яна шуни таъкидлаш керакки, қадимда “тўбиқ” сўзи “кичик тўп” деган маънони билдирган.

Қилич кесолмайдиган мўйлов

Тилимизда «шоп мўйлов» деган ибора бор. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега айнан “шоп”. Мўйловга шопнинг қандай алоқаси бор?

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “шоп” сўзининг илдизи шундай изоҳланади: Қадимда учи орқага қайрилган тиғли қилич “шоп” деб аталган. Диққат қилинг-а, шоп мўйловнинг ҳам учи орқага қайрилган бўлади. “Шоп мўйлов” деган бирикма ҳам шу маънодан келиб чиққан. Бизда “Муртини болта кесмас” деган матал бор. Қарангки, баъзи шоп мўйловларни қилич ҳам кесолмайди.



Мурутини болта кесмайди

“Мурут” ёки “мурт” мўйлов сўзининг синоними. “Мурутини болта кесмайди” деган иборани болалигимдан кўп эшитганман. Бадавлат, имконияти катта, гапи кесадиган, қўли узун одамларга нисбатан шу иборани қўллар эдилар. “Мурут” сўзи ҳозир ҳам жанубий вилоятларимизда кўп қўлланади. “Туркий тиллар этимологик луғати”да изоҳланишича, тилшунос Вильгелм Бангнинг фикрига кўра, “мурут” сўзи дастлаб “бурут” шаклида бўлган. “Бурут” сўзининг илдири “бур” бўлиб, “буралган”, “эшилган” деган маънони билдирган. Кейинчалик “б” товуши “м”га айланган.

Қадимги туркийлар бир-бирини алқаганда, “Муртинг товли бўлсин” деб ният билдирганлар. “Товли” сўзи “эшилган”, “товланган” деган маънони билдиради. Кимнинг мурути товланади? Албатта, ишлари ўнг келган, ўзига тўқ, пичоғи мой устидаги одамнинг мурутига ҳам мой тегади-да.

Соқол ва сақоқ

Иякда ўсадиган қилтуклар қопламаси маъноси-ни англлатган **“соқол”** сўзининг туб илдизи қадимги туркий тилдаги **“энгак”** (ияк) маъносини англлатган **“сақоқ”** сўзига бориб тақалиши ҳақида “Ўзбек тилининг этимологик луғати” да айтилган.

Маҳмуд Кошғарийда ҳам **“сақақ”** сўзи ияк маъносида келади ва у **“Сақақ охшар, сақал бичар”** (“Соқолини қирқади-да, ҳийла учун иягини силайди”) деган мақолни келтиради. Бизнинг мумтоз адабиётимизда **“сақоғ”** сўзи кўп қўлланган. Масалан, Алишер Навоийда шундай байт бор:

*Гаҳи кўз суртарамда йўқса ҳарён шодлиғ ашким
Гул узра қатра шабнамлар каби сиймин сақоғинда.*

Маҳмуд Кошғарий **“сақа”** сўзи **“тоғ этаги”** деган маънони англлатиши ҳақида ҳам айтган. Демак, соқолда ҳам, иякда ҳам, тоғ этагида ҳам пастга томон йўналиш ҳолати борлигини ҳисобга олсак, улардаги умумий илдизни илғашимиз мумкин.

Шу ўринда бир ҳангомани эслаб ўтгим келди. Қишлоғимизда Бўта бобо деган бир киши бор эди. Жуда замонавий чол эди, феъли бор эди қурғурнинг. Ёши етмишдан ошиб кетганда ҳам соқол қўймаган эди. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларига хос кителсифат костюмда, хром этик ва шляпада юрарди. Шунда бир даврада бир-иккита кекса гапчинозлар Бўта бобони олиб қочишиб, шунча ёшга кириб ҳам соқол қўймаганини таъна қилишиб устидан кулиша-

ди. Ундан дашном маъносида: “Энди шундай юраве-расизми, соқол қўясизми ўзи, йўқми, у дунёда нима деб баҳона топасиз?” – деб сўрайдилар. Шунда Бўта бобо уларга: “Менинг худодан жон қарзим бор, жун қарзим йўқ!” – деган экан.

Гарчанд, “Эрнинг кўрки соқол, гапнинг кўрки мақол” деган яхши гап бор-ку, лекин буям бир ҳанго-ма-да.

Гап келганда бир шеъримдан бир парчани келти-риб ўтай:

*Кўриб-кечирмаган сира эл бўлмас,
Ҳамон юрт оралаб юрар бир мақол:
Ҳар мўйи оқарган оқсоқол бўлмас,
Ахир эчкида ҳам оқарар соқол.*



“Музей”даги музика

Биз “мусиқа” сўзини кўп ишлатамиз. Бу сўз тилимизга бошқа тилдан кириб келган бўлса-да, аллақачон бизга бутунлай сингишиб кетган. Хўш, бу сўзнинг тарихи ва кечмиши қандай?

Мусиқа – бу сўз юнонча “музика” сўзидан олинган бўлиб, унинг туб илдизи ***“музалар санъати”*** деган маънони билдирган. “Муза” – юнон мифологиясидаги шеърят, санъат ва фан ҳомийлари саналган 9 маъбуднинг умумий номи бўлган. Тилимизда ишлатиладиган “музей” сўзининг ҳам туб илдизи шунга бориб тақалади ва у ***“музалар ибодатхонаси”*** деган маънони англатган.

Нима бўлганда ҳам, музейга кирганингизда эҳтиёт бўлинг! Бу жойлар сиз ўйлаганчалик жўн ва оддий томошахона эмас.

“Тариф”нинг таърифи ва тарихи

Олди-сотди пайтида белгиланадиган ҳақ ва баҳо-лар кўрсаткичи маъносини англатадиган “тариф” сўзининг тилимизга кириб келгунига қадар бўлган тарихи жуда узун. Бу сўз араб тилидан француз тилига, сўнг рус тилига ва ундан ўзбек тилига ўтган. Қизиғи шундаки, товарларнинг тўлов ҳақлари тизими маъносини англатган “тариф” сўзи тилимизга кириб келгунга қадар ҳам бу сўзнинг азалдан тавсифлаш маъносидаги “таъриф” шакли тилимизда мунтазам ишлатилиб келган. Яъни “тариф” ва “таъриф” сўзларининг илдизи бир хил бўлиб, у “билди” деган маънони англатади.

Қоплон қонадими?

Тилимизда мушуксимонлар оиласига мансуб, териси хол-хол, йирик сутэмизувчи йиртқич ҳайвон номини билдирган “қоплон” сўзининг туб маъноси ҳақида турли тахминлар мавжуд. Қадимда тилимиздаги “қоп” сўзи “тишла” деган мазмунни англатган. **“Ит қопди”** деган ибора ҳам шундан келиб чиққан бўлиши керак. “Анг” сўзи эса “ҳайвон” деган маънони билдирган. Эҳтимол, “қоплон” сўзи “тишлайдиган ҳайвон” деган маънони билдирар. Айрим манбаларда бу сўзнинг туб илдизи “маҳкам ушла”, “ўғринча бос” деган маъноларни англатади деб кўрсатилган.



“Бирпас”ми, “иккипас”?..


“Биз билан бирпас ўтиринг”, деймиз. Умуман “бирпас” деган сўзни биз кўп ишлатамиз. Лекин унинг тарихини, кечмишини, саккиз оға-инидан бир ўзи ёлғиз қолганлигини, етти ака-укаси эса, тарих тўзонларида йўқ бўлиб кетганлигини билмаймиз. Қизиғи шундаки, “бирпас” сўзидаги “пас” қисми тилимиз тарихида “кечанинг саккиздан бири” деган маънони англатган. Шунинг учун ҳам, кечанинг бир паси, кечанинг икки паси, уч паси, тўрт паси, беш паси, олти паси, етти паси ва ниҳоят, саккиз паси каби иборалар тилимизда ишлатилган. Хуллас, улар жами саккиз оға-ини бўлишган. Шунингдек, “пас” сўзининг “риоя, эътибор”, “сақлаш, қўриқлаш” деган маънолари ҳам бўлган. “Бирпас” сўзининг пайдо бўлиш тарихи “Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи” китобида шундай изоҳланган.

Кечанинг уч пасиғача йўл юрдик.

(“Бобурнома”дан)

*Бир пос чу тундин ўтти ул хайл,
Тушлуқ туши қилди уйқуға майл.*

(Алишер Навоийнинг
“Лайли ва Мажнун” достонидан)



Лайлак ва лаққи

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳла-нишича, асли арабча “лайлак” сўзи дастлаб “лақлақ” шаклида бўлган ва бу сўз “тумшуғини бир-бирига уриб товуш чиқарди” деган маънони англатган. Бу этимология ҳақида аниқ бир нарса дейиш қийин. Чунки бу борада бошқа жиддий фаразлар ҳам бор. Шундай эса-да, у сўз устида мулоҳазага ундайди. Дарвоқе, тилимиздаги эзма, шаллақи маъносидаги туркий “лаққи” сўзи қандай пайдо бўлган? “Лаққи” ҳам “лақ-лақ”қа шакл ва маъно жиҳатдан яқин. Луғатда “лаққи” сўзи “лақма” сўзи билан бир хил, яъни “осонликча алданиб, ишонаверадиган” деб изоҳланган. Ҳолбуки, “лаққи” кўпроқ шаллақилик қилиб, лақиллаш ҳолатини ифодалайдигандай туюлади. Лаққи ҳам тилини танглайига уриб тинимсиз лақиллайди.

Келин келди

Келин – бу сўз асли “кел” феълидан келиб чиққан. У дастлаб “келган” деган маънони англатган бўлиши керак. Чунки келин бир уйдан бошқа бир уйга кўчириб келинади. Янги турмушга чиққан ёки чиқаётган қизга “келин” сўзи қўлланилади. Бу сўзда ҳамиша кўрк бор, гўзаллик бор. Ундан чимилдиқнинг бўйи келади. Болалик йилларимизда қишлоқ болалари келин келган уйнинг атрофида эрталабдан кечгача гирдикапалак бўлиб юрардик. Ҳали эсини таниб-танимаган болакайлар ва қизлар учун келин тушган уй ўзга бир олам, сирли бир маъво бўлиб кўринарди. Гўзалликка интилиш одамнинг табиатида бор. Эҳтимол, ўша болакайлар гўзалликнинг номини “келин” деган сўздан топгандирлар. Бизнинг гўзаллик билан илк танишувларимиз шундай кечган.

Кўшни қуш

Кўни-кўшни - илмий манбаларда изоҳланишича, бир-бири билан ёнма-ён яшовчиларга нисбатан қўлланадиган бу сўзнинг туб илдизи “кўниш” маъносидаги “кўн” феълидир. “Кўшни” сўзи ҳам “кўн” феълидан ҳосил бўлган, унинг дастлабки шакли “кўнчи” бўлган. Демак, “кўшни” сўзи “кўнган” деган маънони билдиради.

Дарҳақиқат, сўз олами ғаройиб-а... Кўшним менинг ёнимга келиб қушдай кўнган. У уйимнинг ёнига келиб кўнгани ва шу ердан макон топгани учун кўшни бўлган. Одамзод сўзларини яратаётганда аввало табиатни кузатган, ўсимликлардан, дарахтлардан, қушлар ва ҳайвонлардан рамзлар излаган.

“Кўшни” сўзига “кўша”, “кўшилган” маъносидаги “кўш” сўзи асос бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Тулки ясовул экан

“Бўри баковул экан, тулки ясовул экан”. Мен мансуб авлодга бу ибора қанчалар қадрдон ибора эканини яхши биламан. Бизнинг болалигимиз эртақларининг ҳар бирининг бошида шу жумлага дуч келганмиз. Тўйларда хурматли баковулларни кўп кўрганимиздан баковул нима эканини билардиг-у, лекин ясовулнинг нималигини билмасдик. Ҳар биримиз ясовулни ўзимизча тасаввур қилардик. Шунинг учун ҳеч бўлмаса эртақ ўқиётган бирор болага керак бўлиб қолар деб бу сўзга изоҳ бериб ўтишни маъқул топдим.

Ясовул – қадимги тилимизда бу сўз “соқчилар бошлиғи” деган маънони англатган. Шунингдек, “ясав” сўзи “саф, қатор, жанговар тартиб” маъносини билдирган. Демак, “ясовул” сўзи “ясав” сўзидан келиб чиққан.

“Ясовул” сўзи билан битта қолипдан чиққан “жиғовул” ва “шиғовул” сўзлари ҳам тилимизда бор.

“Арча”ми “ардча”?

Янги йил байрамининг файзи арча билан. Янги йил кунларида йўл-йўлакай безатилган арчаларга бу дуч келасиз. Шундай пайтларда “арча” сўзи қандай пайдо бўлганлиги ҳақида, сизга жуда яхши таниш бўлган бу сўзнинг асл маъноси ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Йўқми? У ҳолда эшитинг.


Қадимда ард деган дарахт бўлган. Бугунги “арча” сўзи шу сўзнинг авлоди. Ҳозир ҳам олтой дostonларида “ард” сўзи сақланиб қолган. Масалан, “Хон Бурдей” дostonида шундай сатрлар бор:

*Ард учинда арканинг
Алтин сари қушканси
Алдина анинг учиб келди.*

Бу сўзнинг баъзи тилларда “ардич”, “ардиш”, “артича” каби шакллари ҳам бор. Шунинг учун баъзи олимлар “ардча”, “ардиш” сўзларини “артиш” сўзига тақаб, ҳавони тозалаш маъносида “тозалагич”, “софламоқ” деб ҳам шарҳлайдилар.

“Гир айланиб ўйнасам, чир айланиб ўйнасам”

Бу қўшиқни кўп эшитганмиз. Ундаги “гир” ва “чир” сўзлари қандай маънони англатади? Хакас тили луғатида “чир” сўзи “ер” деган маънони билдиради дейилган. Бу албатта “ер”нинг “жер” шаклига жуда яқин. “Гир” сўзи эса айлана, доира маъносини англатади. Ҳозир ҳам шеваларимизда “гириллак” деган сўз ишлатилади. Тилимиздаги бир нарсанинг “гирди” шу нарсанинг айланасини билдиради. Шунингдек, тилимизда “чириллаб” деган феъл ҳам бор. Бу феълнинг илдизи ҳам ер маъносидаги “чир” сўзига бориб тақалиши мумкин. Бу қўшиқдан ташқари ҳам тилимизда қадимдан “чир айланиб” деган ибора бўлган.



Овлоқдаги ов

Мўғулча-туркча луғатда “ов” сўзининг туб маъноси “ҳийла”, “ёлғон” деб изоҳланган. Айрим манбаларда “ов” сўзи “бевафо”, “душман тарафга сотилган”, “қарорсиз” деган маъноларни англатиши ҳам таъкидланган. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да эса “қуш, балиқ, ҳайвонни тутиш қуроли” “ов” сўзи билан ифодаланганлиги айтиб ўтилган ва “овлоқ” сўзи ҳам “ов қилинадиган жой” маъносини билдириши таъкидланган.

Сўзларнинг яна бир ғаройиб сирини бор. Бу сирнинг асрорини тушунтириб бериш қийин. Бирон сўз айтилганда шу сўз сизнинг хаёлингиз ва тасаввурингизни қайгадир етаклай бошлайди. Масалан, мен “овлоқ” сўзини эшитганимда кўнглим овлоқни тусайди, фикрим овлоққа кетади, тасаввуримнинг сокин бир буржида овлоқ бир манзил манзаралари жонлана бошлайди. Шундан ҳам сўзнинг сирли ҳодиса эканини илғаса бўлади.

Қораёғ ва ермойи

Бугунги кунга келиб нефтни “қора ёғ” деб айтсангиз камдан-кам одам тушунади. Ҳолбуки, кўҳна манбаларнинг гувоҳлик беришича, гарчи **нефт** туркий сўз бўлса-да, тилимизда қадимдан “**қора ёғ**”, “**қора мой**” деб ҳам айтилган. Болалигимда мен бу сўзларга тез-тез дуч келганман. Қишлоғимиздан саккиз чақирим нарида Какайди қасабаси (шаҳар типигаги қишлоқ)нинг юқори томонида Боботоққа туташиб кетган адирларда нефт қудуқлари бўларди. Шу ерда бурғулаш машиналари ишлаб ётарди. Бу жойнинг номини одамлар ўзларича “Қорамой” деб қўйиб олишганди. Бу ердан шифобахш қорамойли шўрсув чиқар, одамлар унга чўмилгани боришарди. Шу тарафларга бормоқчи бўлганлар “Қорамойга бориб келамиз” дейишарди.

Мен болалигимда ермойи деб танишган нарсанинг иккинчи юнонча отини кейинроқ билиб қолдим. Керосин экан. Юнон тилида “keros” – “мум” маъносини англатаркан. Керосинни “ер мойи” деб айтиш ҳозир ҳам баъзи шеваларимизда сақланиб қолган. “Ер мойи” деган сўзда образ бор. Табиат билан ҳисоблашиш ва боғланиш бор. Сигир мойи саримой бўлганидай, Ернинг мойи қорамой бўлар экан-да.



“Нефт” излаб

Ёнилғи сифатида ишлатиладиган ва ундан бензин, керосин каби маҳсулотлар олинадиган қора ёғсимон суюқ минерал модда тилимизда нефт дегатилишини яхши биламиз. Бироқ негадир бу сўз тилимизга бошқа тилдан кириб келгандай таассурот қолдиради. Аслида “нефт” сўзи тилимизда қадимдан бўлган туркий сўздир. Алишер Навоийнинг “Хамса”-сида ***“нефт”*** сўзи бир неча ўринларда “нафт” шаклида келган.

*Бўлуб икки кўзи наззора чоғи,
Нечукким нафтнинг ўтлуғ булоғи.*

Алишер Навоий

*Не ўтким оғзидин тортиб забона,
Бўлуб нафти ёрутқондин нишона.*

Алишер Навоий


Ҳа, барибир... Негадир “нефт” сўзи тасаввуримда бизга бегонадай туюлаверади. Қанча яқин олишга уринмай, ётлашгандай, тилнинг руҳига сингмаётгандай. Гўёки, ёшлик йилларида хорижга кетиб, ёши ўтиб қолганида қишлоғига қайтиб келган одамдай. Мисли у ёғдаям мусофир-у, бу ёғдаям мусофир. Ўзиям бу сўзнинг хорижга сафари беш юз йилга яқин давом этган. Лекин бу сўздан Тилнинг аразлаган жойи йўқ. От айланиб-айланиб қозиғини топгандай “нефт” қайтиб келганда, Она Тил уни кулибгина бағрига олган.

Кўча

Кўча – бу сўз тилимизда “йўл”, аниқроғи, “кичик йўл” маъносини англатади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” бу сўзнинг илдинини форсийда деб изоҳлайди. “Фарҳанги забони тожик” луғатида “кўч” сўзига “Ҳаракат кардани тоифа ё шахсони чудогона аз жое ба жое бору буна” деб, “кўча” сўзига эса “Роҳи даруни шаҳр ва деҳа, гузар, маҳалла” дея изоҳ берилади. Менга нимагадир “кўча” сўзи “кўчиш” маъносидаги “кўч” феъли билан алоқадордай туюлади. Модомики, “кўч” сўзи “бир жойдан иккинчи жойга жўнаш” маъносини англатар экан, у ҳолда бу сўзнинг “йўлга тушиш” маъноси ҳам бор. “Кўча” сўзи шу тариқа пайдо бўлган бўлиши мумкин. Рус тилида “кўчиб юрмоқ” маъносидаги “кочевать” феъли, мўғул тилидаги “карвон” маъносидаги “кўче” сўзлари ҳам аслида кўчиш мазмунидаги “кўч” сўзи билан туташади. Нима бўлганда ҳам кўчаётган одамга кўча керак.

“Урғочи” “уруғ очувчи”ми?

Урғочи – бу сўзнинг этимологияси ҳақида “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да шундай дейилган: “Бу сифат қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, “ҳосил қил” маъносини англатган “ур” феълига кучайтириш маъносини ифодаловчи “-ға” қўшимчасини ва шахс маъносини билдирувчи “чы” қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган”. Албатта, бу изоҳда “уруғ” сўзнинг туб илдизига ишорани кўришимиз мумкин. Лекин шу ўринда менинг хаёлимга яна бир фикр келди. Гарчи бу фараз аниқ асосларга эга бўлмаса-да, айтиб ўтишни маъқул топдим. ***“Урғочи”*** сўзи ***“уруғ очувчи”*** ёки ***“уруғ очди”*** деган маънога эга эмасмикин? Ҳарқалай, бу тахминни ҳам ўйлаб кўриш керак.



“Ҳаммол” ва “ҳомила”

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонининг 53-боби – шахзода Шоҳғариб Баҳодирга бағишланган бобида шундай сатрлар бор:

*Бу доғи топмагунча ҳазм комил,
Баданни қилма ортиқ юкка ҳомил.*

Яъни еган овқатинг тўлиқ ҳазм бўлмагунча, ейишдан тийил. Танангни ортиқча овқатнинг ҳаммолига айланторма!

Бу сатрларни ўқиётиб, бирдан ўйлаб қолдим, демак, “ҳаммол” ва “ҳомила”, “ҳомиладор” сўзлари бир хил илдиздан ўсиб чиққан экан-да. Сўнг бу сўзларнинг асл томирини билиш учун “Ўзбек тилининг этимологик луғати”ни варақладим. Қарангки, **“ҳаммол”** сўзи ҳам, **“ҳомила”** сўзи ҳам араб тилидаги “ҳамала” феълининг **“кўтариб олиб юрди”** маъносидан келиб чиққан экан.

Магазиндаги хазина


Магазин – бир қарашда бу сўз русча сўзга ўхшайди. Лекин у асли шарққа оид, яъни арабча бўлиб, “ма-хазин” шаклида бўлган ва бошқа тилларга кўчган. Алишер Навоийнинг машҳур

Йигитликда йиғ илмнинг махзанин,

Қарилик чоғи харж қилғил ани,

– сатрларидаги “махзан” сўзи ҳам асли шу сўзга бориб тақалади. Бу сўзларнинг шаклига диққат билан қаралса, уларнинг таркибида “хазина” сўзининг борлигини сезиш мумкин. “Махазин” сўзининг туб илдизи “сақлади”, “тўплади” деган маънони англатган.

“Мағоза” сўзи ҳам “магазин” сўзига яқин. “Хўжа Насриддин” фильмида “Мағоза – “алмаштириш” дегани” деган гап бор.



Организм ва арғанун

Муסיқа асбоби **орган**нинг шарқона номи "**арғанун**" бўлган. Бир қарашда "орган" билан "арғанун" бир-биридан узоқдай туюлади. Қизиғи шундаки, **орган**нинг "арғанун" шакли қадимги тилимизда бўлган. Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асарида шундай сатрлар бор:

*Савти ноқиси навои арғанун,
Шайх дини мотамиға тортиб ун.*

Орган сўзининг туб илдизи юнон тилида "қурол", "асбоб" деган мазмунни билдирган. "Организм" сўзи ҳам шу сўздан келиб чиққан, яъни "организм" сўзининг туб илдизи ҳам "қурол" деган маънони англатган.

Қаранг-а, биргина "арғанун" деган сўз қанча тарихларни босиб ўтиб келаяпти.

"Ўзбекистон миллий энциклопедияси"да "Орган XIV асрдан Ғарбий Европада аввал черков, кейинчалик дунёвий чолғу асбоби сифатида кенг тарқалган" дея маълумот берилади.

“Зангори”га тушган занг


“Зангори”ни талаффуз қилишингиз билан шуурингизда тиниқ мовий манзаралар жонланади. Лекин “кўм-кўк”, “мовий” маъноларини англатган “зангори” сўзига “занг” сўзи қандай аралашиб қолганлиги кишини ажаблантиради.

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳла нишича, форсийдан кирган “зангори” сўзининг асл маъноси “ҳаворанг”, “мовий” деган маъноларга умуман тўғри келмайди. Яъни “зангори” сўзининг туб илдизи металл сиртида ҳосил бўладиган оксид қатлами мазмунини англатувчи “занг” сўзидир. Шунинг учун бу сўз дастлаб “тўқ қизил” маъносини ифодалаган, кейинчалик унинг мазмуни ўзгариб кетган.

“Қозонди” феълидаги “қозон” ҳақида

“Ғалаба қозонди”, “эътибор қозонди”, “муваффақият қозонди” каби бирикмаларни тез-тез ишлатамиз. “Қозонди” феъли ёлғиз ўзи келса, ҳеч бир маъно англатмайди. Қолаверса, эътиборга эришиш маъносини ифодалайдиган “эътибор қозонди” бирикмасида “қозон” нима қилиб юрибди, деб ўйланиб қоласиз.

Кошғарий “Девону луғотит-турк”ининг 3-томининг 396-бетида “қазғанч” деган сўзга изоҳ бериб ўтилган. Изоҳга кўра, “қазғанч” сўзи “ишлаб топиш”, “касб” маъноларини англатар экан. Дарҳақиқат, ғалаба қозониш ҳам, ҳурмат қозониш ҳам ишлаб топиш орқали амалга ошади. Севортян бунга кўшимча қилиб, “қазан” ва “қазған” сўзларини “эгаллаш” ва “забт этиш” маъносида изоҳлаб, бу сўзнинг илдизи ғамлаб қўйиш ва мол-мулк маъноларига яқинлигини ҳам таъкидлаб ўтади.



“Ғаладон”даги ғалла

Биз одатда стол, жавон ва шу кабиларнинг нарса солиб қўйиладиган тортмасини “ғаладон” деб атаемиз. Баъзан пул ёки майда буюмлар сақлаш учун хизмат қиладиган қутичани ҳам шу сўз билан ифодалаймиз.

“Ғаладон” сўзининг туб илдизи аслида “ғалла идиши”, “дон сақланадиган жой” деган маъноларни англатган (“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”).

Қизиғ-а, столингизнинг ғаладонини икки юз марта тортиб кўрганда, ҳеч бўлмаса, бир мартагина нима учун унинг “ғаладон” деб аталиши ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Ўйлаб кўриш керак-да. Шунда жилла курси, бу сўзнинг “ғалла” ва “дон”га яқинлигини сезиб қолардингиз ва бирдан ажабланиб кетардингиз.

Бир куни шоир Ҳасан Карвонли менга “ғаладон”даги, “дон” сўзининг “ғалладон”га алоқаси бўлмаса керак деб қолди. У фикрини исботлаш учун “қаламдон”, “кулдон”, “сиёҳдон” сўзларини келтирди. Бу гаплардан сўнг мен “ғала-ғовур” сўзи ҳақида ўйлаб қолдим. Менимча, “ғала-ғовур” сўзидаги “ғала” сўзи “аралаш-қуралаш” маъносини билдирса керак. Агар шундай бўлса, “ғаладон” сўзи аралаш нарсалар турадиган идиш маъносини билдириши ҳам мумкин.

Бир онани эмган сўзлар

Тилимизда, асосан, “шифохонада ишловчи, ўрта тиббий маълумотга эга бўлган ходима, тиббий ҳамшира” маъносини англатган “ҳамшира” сўзининг туб маъноси тожик тилидаги “бирга” маъносини англатувчи “ҳам” олд қўшимчасига “сут” маъносини билдирган “шир” отининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Шу асослардан келиб чиқиб “ҳамшира” сўзи “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да “бир онани эмган опа-сингиллар” деган мазмунни англатади деб изоҳланган. Кейинги даврларда бу сўз “сингил” маъносини ифодалаган.

Жанубий вилоятларимиз шеваларида “ширхўра” деган сўз кўп ишлатилади. Бу сўз ҳам худди “ҳамшира” каби “бир онани эмган” деган маънони англатади. Лекин бу сўз фақат аёлларгагина эмас, эркакларга нисбатан ҳам ишлатилади.

Каклик каккиллайди

Товуқсимонлар оиласига мансуб, сайроқи тоғ қуши номини ифодалайдиган “каклик” сўзи асли товушга тақлиддан ҳосил бўлиб, унинг туб илдизи “каккилламоқ” деган феълга бориб тақалади. Эҳтимол, “каклик” “каккиллак” бўлгандир. Бу беозор қуш бир сайраса, шу даражада сайрайдики, каккиллаб-каккиллаб ҳамманинг эътиборини тортади. Унинг овози жуда ёқимли, ўзига хос мусиқаси бор. Изоҳли луғатда “каккилламоқ” ва “каккирламоқ” сўзлари бир хил асосга эга деб кўрсатилган. Халқ орасида “каклик каккирлайди” деган ибора бор.




Даккининг чаккиси

Ножўя иш, хатти-ҳаракат учун айтилган танбеҳ тилимизда “дакки” сўзи билан ифодаланади. Қизиғи шундаки, бу сўзни ҳамма ўз сўзимиз деб ўйлайди. У ҳақиқатан ўзбек сўзига айланиб кетган. Бу сўз иштирокида мақоллар ҳам бор. Масалан: “Чакки юрсанг, дакки ейсан”.

“Дакки” сўзи асли ҳинд тилидан бизнинг тилимизга кириб келган бўлиб, унинг асл шакли “дҳакка” бўлган ва у “зарб”, “туртки”, “изтироб” деган маъноларни англатган. Демак, “дакки еди” деган ибора “зарба олди” маъносида, “дакки берди” деган ибора эса “зарба берди” маъносида келар экан.

Далда

Тилимизда руҳни кўтарувчи, дадиллик бахш этувчи маънавий ёрдам маъносида ишлатиладиган “далда” сўзи аслида қадимда “шамол ва ёмғирдан ҳимояланган жой” деган маънони англатган. Ғаройиб-а? Бировга далда бўлаётган одам ҳам уни нимадандир – эҳтимол шамол ё ёмғирдан, ё хавфу хатардан ҳимоя қилаётган бўлади. Ҳеч бир сўз ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Шунинг учун бу сўзнинг “пана бўлмоқ” деган мазмуни ҳам бор. “Туркий тиллар этимологик луғати”да “далда” сўзининг туб илдизи “дал” – “елка” ёхуд “орқа тараф” деб изоҳланган.




Кийик

Тилимизда қувуш шохли сутэмизувчилар оиласининг оху, буғу каби катта бир гуруҳининг умумий номи “кийик” деб аталади. “Кийик” сўзи асли “ёввойи” деган маънони англатган. Шунинг учун ҳам қадимда ёввойи от – “кийик от”, ёввойи буғдой – “кийик буғдой”, ёввойи эчки – “кийик эчки” деб аталганлиги маълум. Бу сўз ҳам менга жуда қадрдон туюлади. Унда жозибам, кўркми, гўзалликми, нафисликми, хуллас, нимадир бор. Жудаям ёқимли нимадир бор. Бир пайтлар отиб ташланган кийик ҳақида “Ўлар одамзоднинг сўнгги синглиси” деб ёзган эдим. Бу жонивор маъюслиги билан кўнгилга яқин.

“Қағаноқ” ва “гилагай”

Қадимдан тилимизда сигир, кўй ёки эчки туққанда уларнинг биринчи кунда соғилиб, пиширилган оғиз сути “қағаноқ” деб аталган. Иккинчи кунда соғилиб, пиширилган сути эса “гилагай” деб аталган. Қағаноқ ва гилагайнинг оддий сутдан фарқи бўлиб, қағаноқ қовурилган творог каби, гилагай эса атала каби қуюқ бўлади. “Қағаноқ” сўзининг “қақаноқ” шакли ҳам бор.

Кейинги пайтларда жуда кам ишлатилиб, тобора чеккалаб қолаётган бу сўзларни эшитиб қолганимда бирдан болалигим, тўрт-беш яшарлик чоғларим эсимга тушади. Қағаноқ еб, гилагай ичиб катта бўлганман-да... Бу сўзларни эшитишим билан томорқамизнинг бир четида эндигина толтанглаб оёқ босаётган бузоқча, бузоқчани қайноқ тили билан ялаётган тарғил сигир ва сигир атрофида гирдикапалак бўлаётган ўттиз беш ёшлардаги онам ва бироз нарида уларга аланглаб қараб турган кичкинагина ўзимни кўраман... Бу манзара бир лаҳзанинг ичида лип этиб кўнглимдан ўтиб кетади.



“Шағал”дан қилинган “шакар”

“Шакар” сўзининг қандай маънони англатишини ҳаммамиз яхши биламиз. Бироқ унинг туб илдизи жуда қизиқ. Қадимги ҳинд тилида “shakkhara” деган сўз бўлган ва бу сўз дастлаб “шағал”, “қум” деган маънони англатиб, кейинчалик “қанд уни” мазмунини ифодалаган. “Ширин билан Шакар” достонида шундай мисралар бор:

*Тополмайин юрур ёрнинг ўзини,
Тўтиё қилади шакар сўзини.*

Шундай сўзлар бўладики, улар Тилнинг руҳи билан жуда тез тил топишади. “Шакар” сўзи ҳам шундай. Бу сўз тилимизга бошқа тилдан кириб келган десагиз, ҳеч кимнинг ишонгиси келмайди. “Шакар” бу ўзимизнинг “шакар” дейди одамларимиз, ундан тирноқча ҳам бегонасирашмайди.

“Чайир”га доир

Мустаҳкам, чидамли, бардошли, метин одамларга нисбатан “чайир одам” иборасини қўллаймиз. Тилимизда “чайир” сўзи “чиникқан”, “пишиқ” деган маъноларни англатади. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, қадимда саксовуллар оиласига мансуб, панжага ўхшаб ўсадиган ўсимликнинг номи “чайир” бўлган ва шу ёввойи ўсимлик номидан маъно тараққиёти натижасида сифат ўсиб чиққан. Шундан сўнг “чайир” сўзи “ёрилиши қийин ўтин” маъносини англата бошлаган. Кейинроқ бу сўз одамга нисбатан чиникқан, пишиқ маъносида ишлатилган.

Тол туш

Жонли тилимизда ҳозир ҳам қоқ туш пайтини ифодалайдиган “тол туш” бирикмаси кўлланади. Бу бирикма жуда қадимдан бизда бўлган. Ундаги “тол” сўзи “қоқ ўрта”, “тўлиқ” деган маъноларни англатган. Демак, “тол туш” бирикмаси ёз фаслидаги “туш пайтининг қоқ ўртаси” ёхуд “тўлиқ туш вақти” деган мазмунни билдирган.

Болалигимда отам мени баъзан саҳарлаб далага эргаштириб кетарди. Кун қизигандан қизигунгача отамга ияриб юраверардим, юраверардим. Сўнг кун тиккалайверганда дала бўйидаги йўлдан хурпиллаган иссиқ тупроққа болдирларимгача ботиб, аста-аста ўзим уйга қайтардим. Отам далада ишда қоларди. Офтоб тиғида куйиб келаётганимни кўрган жонсарак онам: “Толтушда саёқ юрма дейман-ку, ажинага учрайсан!” – деб танбеҳ берарди. Ўша пайтларда толтуш пайтида овлоқларга ажиналар чиқади деган гумон фикримга ўрнашиб қолган эди. Эҳтимол, толтушда иссиқда юрган болалар офтоб уриб касал бўлиб қолган бўлса, уларни ажина чалган деб ўйлашгандир.

Санскритчани биладиган “бахши”

“Дўмбирасиз бахши бўлмас, ёмонсиз яхши бўлмас” деган мақол бор. Элимиз бахшиларни ҳамиша яхши кўрган, қадрлаган.

Халқ қўшиқлари ва дostonларини ёддан куйловчи оқин маъносини англаган “бахши” сўзи аслида тилимизга санскрит тилидан кириб келган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да изоҳланишича, санскрит тилидаги “бҳикшу” сўзи “будда руҳонийси, донишманди; дуохон, дарвеш” деган маъноларни билдирган. Кейинчалик санскритча “бҳикшу” сўзи тилимизда “бахши”га айланиб кетган.

Улоқ ва улов

Кейинги даврларда “улов” сўзи йўловчи ёки юк ташувчи транспорт маъносини ҳам англата бошлаган. Халқ орасида машина олмоқчи бўлган одам “Мен ҳам бир улов олайн деган эдим-да” дейди. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, аслида “улов” сўзи қадимда “миниб юриладиган ҳайвон”, “иш ҳайвони” мазмунини билдирган “улағ”, яъни “улоқ” сўзидан келиб чиққан. Маҳмуд Кошғарий почта отларини “улағ” деб изоҳлаган. Иш ҳайвони маъносини англатган “улоқ” сўзининг эчки маъносидаги “улоқ”қа айланиши ғалати. “Улов” сўзининг “улоқ” сўзидан келиб чиққани диққатга лойиқ. Қизиғи шундаки, “улоқ” сўзи кейинги даврларга келиб “эчки бола-си” ва “кўпқари” маъноларини англата бошлаган.

“Ўдаға”нинг ўдағайлагани

“Ўдаға” деган сўзга халқ оғзаки ижоди намуналарида дуч келамиз. Адабиётшунос Тўра Нафасовнинг таъкидлашича, “ўдаға” сўзи қадимда “бошлиқ”, “сардор”, “бек” деган маъноларни англатган ва ҳозир ҳам мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида бу сўз шу маънода ишлатилади. Момолар “бек болам” деган маънода:


*Алла, жоним, ўдаға,
Ўзим бўлай садаға, –
деб алла айтганлар.*

Эҳтимол, “ўдағайламоқ” деган феъл ҳам шу “ўдаға” сўзидан келиб чиққандир. Чунки ўдағайлаш ҳолатида бошлиққа хос жиҳат бор.

Кўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, “ўдағайлаш” сўзининг илдизи “дўқлаш”, “дўғлаш” сўзига ҳам яқиндай туюлади. “Ўдаға” сўзининг “ўтоға” шакли ҳам бор.

“Навоий асарлари луғати”да “ўтоға” сўзи бошга тақиладиган жиға маъносида изоҳланган. Жиға ҳаманинг бош кийимига ҳам тақилавермаган. Бу нарса уқпар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнат буюми саналган. “Тилла жиға ярашади бошига” деган мисрадан ҳам жиғани беклар, куёвлар таққанини билса бўлади. Шунинг учун Навоийдаги жиға маъносидаги “ўтоға” сўзининг бошлиқ, бек маъносидаги “ўдаға” сўзига яқинлигини илғаш мумкин. “Садди Искандарий” дostonида келган қуйидаги мисралар ҳам ўтоғани бошига сардорлар, беклар таққанини далиллайди:

*Дубулғо бўлуб тўппи янглиғ бори,
Ўтоға бош узра сориғ қуш пари.*



“Ўтов”даги ўт

Ўтовнинг кўчма уй эканини ҳаммамиз яхши биламиз. “Ўтов” сўзининг туркий тилларда “отағ”, “отау”, “отав, “отақ” каби шакллари бор. “Ўтов” сўзи чайла, капа, чодир, қароргоҳ, кўналгоҳ, тураржой, ўчоқ, уй, хона, ҳатто юрт маъноларини англатган. Момоларим ўтовни кўпинча “юрт” дейишганини яхши эслайман. “Туркий тиллар этимологик луғати”да изоҳланишича, кўпчилик шарқшунос олимлар “ўтов” сўзининг туб илдизини олов маъносидаги “ўт” сўзига тақайдилар. Демак, “ўтов” ва “ўчоқ” (“ўтчуқ”) сўзларининг илдизи бир хил. Маҳмуд Кошғарий ўтов сўзини “отағ” шаклида келтирган. “Ўтов” сўзи асли “отағ” шаклида бўлиб, кейин ўзгарган бўлиши ҳақиқатга яқинроқ. Чунки қадимги туркий тилда от ясовчи “-ғ” қўшимчаси бўлган. Лекин бу қўшимча билан кўпроқ феълдан от ясалган. Масалан, ёп маъносидаги “қап” сўзига “-ғ” қўшимчаси қўшилиб, “қапығ” (дарвоза) сўзи ясалган.

“Балчиқ”даги “балиқ”

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “балиқ” ва “балчиқ” сўзлари битта ўзакдан ўсиб чиққан. Қадимги тилимизда “намлик” ва “сув” маъносини англатган “бал” деган сўз бўлган, “балиқ” ва “балчиқ” сўзлари шу сўздан пайдо бўлган деб кўрсатилади.

Эрванд Севортян луғатида “балиқ” сўзи даставвал “қалъа”, “девор”, “шаҳар” маъноларида изоҳланиб, сўнг сув ҳайвони маъноларида тушунтирилади ва “шаҳар”, “қалъа” маъносидаги “балиқ” сўзининг туб илдизи “бал” – лой мазмунини ифодалаши таъкидланади. Масалан, Бешбалиқ, Бойбалиқ, Болосоғун номли жой ва ҳудудлар бўлган. Маҳмуд Кошғарий “балиқ” сўзини “балчиқ”, “лой”га тақайди. Алишер Навоийда ҳам бу сўзлар Кошғарий изоҳига мос тарзда қўлланади: “Гавҳар балчиққа тушган била қиймати ушалмас...” (“Муҳокамат ул-луғатайн”).

Рус тилидаги ботқоқ маъносидаги “болото” сўзи гарчи славян тилларига оид сўз бўлса-да, “балчиқ” ва “балиқ” сўзлари илдизига оҳангдошдай туюлади. Шунингдек, “балиқ” сўзини ярқираш маъносидаги “балқ” сўздан келиб чиққан дегувчилар ҳам бор. Бунда балиқ тангачаларининг ялтираб туришига эътибор берилган. Лекин бу фаразни рад этувчилар кўпроқ. Демак, шаҳар маъносидаги “балиқ”, сув жонивори маъносидаги “балиқ” ва “балчиқ” сўзларининг туб маъноси “лой” сўзига бориб тақалади.



“Қапчиғай”

Юртимизда “Қапчиғай” деб аталадиган жой ном-лари ҳам бор. Мен Қумқўрғонда “Оққапчиғай” деган жой борлигини биламан. Манбаларда айтилишича, бу сўзнинг туб илдизи мўғулча бўлиб, “қапчиғай” сўзи асли “дара”, “тоғ йўли”, “тор, ўтиш қийин бўлган жой” каби маъноларни англатади. “Қапчиғай” сўзига асос бўлган “қапчи” сўзи “икки ёндан қисиш” деган маънони англатган.

“Қумғон”даги “қимиз” ва “қимрон”

Тарихимизда ўчоқда чой қайнатиш учун кўза-ча шаклида ясалган идиш “қумғон” деб аталган. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “қумғон” сўзи таркибидаги **“қум”** сўзи **“тўлқинлан”**, **“қайна”**, **“чайқал”** деган мазмунни ифодалаган.

У ҳолда “қумғон” сўзига бия сутидан ачитиш йўли билан тайёрланадиган шифобахш ичимлик маъносидаги “қимиз” сўзининг нима алоқаси бор дейишингиз мумкин. Бу сўзлар бир дарахтнинг шохобчаларидай гап. “Қимиз” сўзининг ўзаги ҳам “тўлқинлан”, “қайна”, “чайқал” маъносидаги “қум” сўзидир. Туя сутидан тайёрланадиган ичимликнинг номини билдирган “қимрон” сўзи ҳам “қимиз” ва “қумғон”га уйқаш. Бу сўзнинг илдизида ҳам “қум” сўзи бор. Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра, **“қум” сўзи “сув тўлқини”** маъносини билдирган. Кошғарий “тўлқинланди”, “ҳаяжонланди” мазмунини ифодалаган “қумишди” деган феълни ҳам келтириб ўтган. Одатда, қимиз ҳам, қимрон ҳам мешда қайта-қайта чайқалтирилиб пишитилган. Қадимда қимизни пиштадиган идишни **курлуқ** дейишган.

Тилимизда “хом сув” ва “пишган сув” деган иборалар бор. Халқимиз чўққилардан тоғу тошларга урилиб, чайқалиб, тўлқинланиб тушиб келаётган сувни “пишган сув”, турғун сувни “хом сув” деб атаган. “Сув етти думаласа тоза бўлади” деган ибора ҳам шунга яқин маънода. От ва туя сути мешда чайқалтирилган-

да тез етилади, бу гўё пишган сувга ўхшайди. Сигир ё эчки сутини бундай пиштитиш қийин. Бунни чорвадорлар туя ва отнинг янтоқ, тикан, беда, ажриқ каби пишиқ гиёҳларни ейиши билан боғлайдилар.

Қимиз ҳам, қимрон ҳам қадимдан мешда сақланган ва қайта-қайта чайқалтириб турилган. Гап шундаки, сарка (эчки) терисидан қилинган меш ва махсус лойдан қилинган кўзанинг ичимликни салқин сақлаш хусусияти бўлган. Эчки териси ҳам, кўзанинг махсус лойи ҳам атрофдаги совуқ ва салқинни сўриб олиш хусусиятига эга. Шунинг учун мутахассислар ёз ойларида эчки терисидан қилинган пойабзални кийишни тавсия этадилар.

Мен туя сутини ичиб катта бўлганлардан туя сути соғилган вақтида ҳам салқингина бўлиши ҳақида эшитганман. Бошқа жониворларда ҳозир соғилган сут илиқ бўлади. Қимиз – иссиқлик, қимрон – совуқлик саналади. Туя сутининг совуқлиги ҳам унинг ўрқачи билан боғлиқ. Чунки туя ўрқачи туя танасини совитиб турувчи совиткичдай гап.

Туянинг ачитилган сутини “қимрон”, ачитилмаган сутини “шубат” дейишар экан. Қарангки, биттагина “қум” сўзи атрофида шунча гап бор.

Ялқов ёлғон билан ёлчимайди

Бу ҳаётда ёлғон борки, ялқов бор, ялқов борки, ёлғон бор. Улар ҳамиша ёнма-ён юрадилар, ўрда ҳам, қирда ҳам, гўрда ҳам бирга. “Ёлғон” ва “ялқов” сўзлари ҳам битта косадан сув ичишади. Бу сўзларнинг туб илдизи “йал” бўлиб, у “алдов”, “ёлғон”, “алдам-қулдам гаплар” деган мазмунга эга экан. Ялқовнинг алдам-қулдами кўп бўлади. Бироқ “ёлчимоқ” (йалчимоқ) феълининг ўзаги ҳам “йал” бўлиб, бундаги “йал” бошқа маънога эга. “Йалчимоқ”даги “йал” сўзи “дам”, “ором”, “хотиржамлик” деган маъноларни англатади. Дарҳақиқат, ҳаётда ёлчиган одам ором ва хотиржамликка эришади.

“Чиғириқ” ва “чигит”

Чигит – бу сўзнинг пахта уруғи маъносини англантишини ҳаммамиз яхши биламиз. Хўш, “чигит” сўзининг туб илдизи қандай мазмунга эга? “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, қадимги тилимизда “боғла” маъносини билдирган “чиғ” деган феъл бўлган. Шу феълга “-ит” қўшимчаси қўшилиб, “чигит” сўзи ҳосил қилинган. “Чигит” сўзи “толаларни ўзига боғлаб турувчи” деган маънони англатади. Демак, “чигит” ва “чиғириқ” сўзлари бекорга уйқаш эмас. Чиғириқ – пахтани чигитдан ажратиш учун ишлатилган қадимги қўл асбоби. Тажрибали, кўпни кўрган одамларга нисбатан “Минг бир чиғириқдан ўтган” деган ибора ҳам қўлланади.

Дарвозанинг қопқоғи

Қопқоқ – бу сўз идишнинг уст томонини, оғзини бекитиб турувчи қисми маъносида бизга маълум. Хўш, бу сўз қандай пайдо бўлган? Қадимги тилимизда дарвоза ва эшик “қопқа”, “қапуғ” сўzlари билан ифодаланган. “Қопқоқ” сўзи ҳам айни шу эшик маъносидаги “қапуғ” сўзидан келиб чиққан. Унинг туб илдизи “қопла”, “ёп” деган маъноларни англатган.

“Қап” сўзи қадимда “ёп” ва “қопла” маъноларини билдирган. Ғани Абдурахмонов ва Алибек Рустамовнинг “Қадимги туркий тил” китобида “қапығ” сўзи “қап” феълига от ясовчи “-ғ” қўшимчаси қўшилишидан ҳосил бўлган деб кўрсатилган.

Масту аласт

Маст ва аласт – кўпинча тилимизда бу сўзлар “маст-аласт” шаклида қўшилган ҳолда ишлатилади. Бизга “маст” сўзининг маъноси маълум. Хўш, унда “аласт” сўзи қандай маънога эга ва у нима учун “маст” сўзига қўшилган ҳолда ишлатилади? “Навоий асарлари луғати”да изоҳланишича, “аласт” сўзи арабча сўз бўлиб, “Мен эмасми?” деган маънони билдиради. Бироқ “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” китобида “аласт” сўзи “азалият, ибтидосиз замоннинг дастлабки пайти; гулзори аласт – дунёнинг бошланиши” деб изоҳланган. Икки маънода ҳам “аласт” сўзи “маст-аласт” бирикмасидаги мазмундан жуда-жуда узоқ. Эҳтимол, бу ўринда “аласт” сўзи “алаҳсиш” маъносига алоқадордир деган тахминга ҳам борасиз. Барибир, “маст”га “аласт”нинг қўшилиб қолиши ғалати. Яна шуни таъкидлаш керакки, оятда “аласту бироббикум”, яъни “Мен роббингиз эмасми?” деган гап бор. Мумтоз адабиётда ошиқлик ишқ майдан маст бўлиш деб тавсифланади. Эҳтимол, “маст-аласт” бирикмаси шундан келиб чиққандир... Яъни “масти аласт” – “аластнинг масти” бўлгандир. Ёки бу ерда “аласт” “алвасти” сўзига алоқадормикин деб ҳам ўйлаб қоласиз. Рус тилидаги “алкаш” сўзи биздаги “алкаш-чалкаш” сўзига яқиндай туюлади. Барибир, ўйлаб кўриладиган ҳолат. “Маст-аласт” шаклида бу сўзни ишлатаяпмизми, ҳар хил маънога чалғиб кетмаслик учун ҳам унинг асл маъносини билиб олишимиз керак. Бу эса аниқ далилларни талаб этади. Бу борада зукко мутахассисларимиз зарур мулоҳазаларини билдирсалар яхши бўларди.

“Пичан” ва “пичоқ”

Тилимизда “ўриб, қуритилган ўт”, “хашак” маъносини англатган “пичан” сўзининг туб илдизи “кес”, “ўр” маъносидаги “бич” феълига бориб тақалади. Бу худди “пичоқ” сўзининг “бичоқ” шаклида бўлганлигини эслатади. Ғалати-я, “пичан” билан “пичоқ”ни қариндош десангиз биров ишонмайди.


Қадимги тилимизда феълдан от ясовчи “-н” қўшимчаси бўлган. “Пичан” сўзи кесиш мазмунидаги “бич” сўзига шу қўшимча қўшилишидан пайдо бўлган. Худди “оқин”, “тугун”, “тўкин”, “сочин” сўзлари каби. “Пичоқ” сўзи ҳам шу тарзда “ўроқ”, “қилиқ”, “қайроқ” сўзлари каби “бич” сўзига “-қ” қўшимчаси қўшилишдан ҳосил бўлган. Дастлаб бу сўз “бичоқ” шаклида бўлган. Ҳозир ҳам Жиззахнинг Фориш тумани аҳолиси тилида “пичоқ” сўзи “бичақ” шаклида қўлланади.

“Синчи” ва “синчков”

Ҳамма нарсага эътибор берадиган, ҳеч нарсани, ҳатто майда нарсаларни ҳам назардан четда қолдирмайдиган одамларга нисбатан тилимизда “синчков” сўзи қўлланади. Бу сўзнинг туб илдизи “синчи” сўзига бориб тақалиши мумкин. Маълумки, “синчи” сўзи отларнинг зотини, феъл-атворини яхши биладиган кишига нисбатан ишлатилган. Зўр синчилар бир қарашда отнинг баҳосини бера олганлар. Хуллас, “синчи”, “синчиклаш”, “синчков”, “синаш” сўзлари бир илдиздан ўсиб чиққан.

Чол

Тилимизда “чол” сўзи “қария”, “кекса”, “мўйсафид” маъноларини англатади. Манбаларда изоҳла-нишича, қадимги тилимизда “чал” деган сўз бўлиб, бу сўз “оқ-кулранг” деган мазмунни ифодаловчи сифат бўлган. Кейинчалик бу сўз “сочи оқ” маъносини ифодалай бошлаган. Одам чол бўлганда соч-соқоли оқ-кулранг тусга киради. Сўнгра бу сифат отга кўчиб, “қария” маъносига келган.



“Олтин”даги “ол” ва “тун”

Тилимизда қимматбаҳо металл маъносини англаган “олтин” сўзининг пайдо бўлиши ҳақида манбаларда турли фикрлар билдирилган. Баъзи манбаларда “олтин” сўзи икки сўзнинг, “ал” ва “тун” сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган, ундаги “ал” (“ол”) – “қизил”, “тун” – “мис” мазмунини ифодалаш таъкидланган. Яна баъзи манбаларда “олтин” сўзининг дастлабки қисми “ол” ялтираш маъносидаги “ял” сўзидан келиб чиққан дейилади.

“Олтин” сўзи тилимизда образ даражасига кўтарилган сўз. Бу даража унга қимматбаҳо металл маъносидан кейин ҳам ўнлаб маъноларни ифодалаш ҳуқуқини берган. “Олтин сув”, “олтин сўз”, “олтин давр”, “олтин бош” каби қатор бирикма ва иборалар “олтин” сўзи билан зарҳалланган.

Орол

Ҳамма томони океан, денгиз, дарё ёки кўл суви билан ўралган қуруқлик тилимизда “орол” сўзи билан ифодаланади. Манбаларда изоҳланишича, қадимги тилимизда “ар” деган феъл бўлган ва у “айириш”, “ажратиб қўйиш” деган маъноларни англатган. “Орол” сўзи шу “ар” феълидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Яна баъзи манбаларда эса “орол” сўзи “оралиқ” маъносини англатувчи “ора” сўзидан келиб чиққан бўлиши мумкин деган фараз ҳам илгари сурилади.

Нархнинг навоси

Қайга борсанг, гап обу ҳаво билан нарху наводан бўлиши тайин. Шунинг учун ҳам тилимизда “нарху наво” сўзи тез-тез ва кўп қўлланади.

Нарсанинг пул билан ўлчанадиган қиймати “нарх” сўзи билан ифодаланишини яхши биламиз. У ҳолда “нарх” сўзига қўшилиб келаётган “наво” сўзи қандай мазмунни англатади?

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “наво” сўзи форсийда “турмуш кечириш учун зарур шарт-шароит” маъносини билдиради. Демак, “нарх-наво” сўзи “турмуш кечириш учун зарур нарсаларнинг қиймати, нархи” мазмунини англатади. Тилимиздаги “бенаво”, “бенаво қул” ибораси шундан келиб чиққан. Абу Саид Абулхайрнинг “Бу бенаво қулға навое йўлла” деган мисраси бор. Шунингдек, “наво” сўзининг “гаров” маъноси ҳам бор.

Гармсел ва гармдори

Гармдори – бу сўзнинг “қалампир” маъносини англатишини ҳаммамиз яхши биламиз. Хўш, “гармдори” сўзининг туб илдизи қандай мазмунга эга? Сўзнинг ўзига эътибор билан қарасангиз, дарров унинг асл илдизини фаҳмлайсиз. “Гармсел”, “гармдори” сўзларидаги форсча “гарм” сўзи “иссиқ” деган маънони англатади. Демак, “гармсел” – “иссиқ шамол”, “гармдори” сўзи “иссиқ қайноқ дори” деган мазмунни ифодалайди.

Итнинг кўйлаги борми?

Чақалоққа биринчи марта кийгизиладиган кўйлак ёки кўйлакка ўхшаш буюм қадимги даврларда “иткўйлак” деб аталган. Адабиётшунос Тўра Нафасовнинг изоҳига кўра, бу сўз ҳозир ҳам тилда сақланиб қолган. Бу сўзнинг пайдо бўлишига қадимда чақалоқни ёмон кўзлардан, инсу жинслардан асраш мақсадидаги иримлар сабаб бўлган бўлиши керак. Қолаверса, ҳали эсини танимаган гўдак кўйлаги кир-чир бўлиши тайин. Ёш болаларни бизда “кучук”, “ит” деб эркалаш бўлган. Умуман, “иткўйлак” ўзига хос образли сўз.

Набототнинг наботи


Тилимизда шакар қиёмидан тайёрланадиган сарик рангли кристалл шаклидаги қаттиқ ширинлик “новвот” ёхуд “набот” деб аталади. Хўш, бу сўзнинг асл илдизи қандай маънога эга? Тилимизда “наботот” деган сўз бор. Ўсимликлар олами шу сўз билан ифодаланади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да таъкидланишича, арабча “набот” – ўсимлик, форсча “набот” – ширинлик маъносини ифодалаб келади. Яъни “набот” деган сўз “ўсимлик”, “ўт” маъносини ифодалайди. Миртемир домла бу сўзни аслига яқин маънода ишлатган:

*Бу ясси қирғоқларда боболар ётур,
Туғмадир ҳар ялпиз, ҳар шох, ҳар набот.*

Ширинлик маъносида Эркин Воҳидов бу сўзни қуйидагича қўллайди:

*Сен борсанки, кенг воҳада ҳаёт бор,
Демак, юртнинг лабида бол, набот бор.*

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да “новвот” сўзига “ўсимлик, ўт” маъносини англатадиган тожикча “набот” оти бўлиб, кўчма маънода “оч-сарик ранг” маъносини англатади деб изоҳ берилган.



Тўқмоқланган сўқмоқ

Тилимизда одамлар қатнови натижасида ўз-ўзидан юзага келган ёлғизоёқ йўл “сўқмоқ” деб аталишини яхши биламиз. Хўш, бу сўз асли қандай пайдо бўлган? “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “сўқмоқ” сўзининг илдизи “ур” маъносидаги “сўқ” феълидир. “Сўқди” феъли ҳозиргача тилимизда бор. Масалан, “Сўқолмаган сўйил кўтарар” деган мақол ва “Гап сўқиб юради” деган ибора бор.

“Сўқмоқ” сўзидаги “-моқ” қўшимчаси такрор маъносини ифодалайди. Демак, “сўқмоқ” сўзи “қайта-қайта урмоқ” маъносидан келиб чиққан. Яъни пиёда қатнов натижасида қайта-қайта тепкиланиб босилаверган жойдан сўқмоқ юзага келган.

Олақор

Тоғ чўққилари ва ёнбағирларида олачалпоқ бўлиб қолган, тош устлари эриб, қорайиб кўринган қор ва ана шундай қорли жой тилимизда “олақор” сўзи билан ифодаланади. Мен бу сўзни одамлардан эшитганман. Тўра Нафасовнинг китобида унинг изоҳига дуч келдим.

Бу сўз ҳозир бизда жуда кам ишлатилади. Лекин, муҳими, ифодаланиши бир неча жумлани талаб қиладиган шундай манзарани бир сўзда тасвирлаб берадиган сўз тилимизда мавжуд. Бундан фойдалана билишимиз ва уни кенг истеъмолга олиб киришимиз керак. Бу сўз халқ қўшиқларида ҳам келган:

*Тоғлар боши олақор,
Олақордан сув оқар.*

Юпатди

“Фалончи пистончини юпатди” деган гапда заррача салбий жиҳатни сезмаймиз, аксинча, кўнгилга қараш, бировни алқаш, ўзгани эҳтиётлаш маъносидаги яхши жиҳатларни тушунамиз. Лекин манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу сўз аслида *“алдади”, “бошқа бировга тўнкади”, “билиб туриб билмасликка олди”* деган маъноларни англатар экан.

Ёши ўтгани сари баъзи одамлар ёмон қилиқларини ташлаб, яхши томонга ўзгариб боргани каби баъзи сўзлар ҳам салбий маънодан ижобий томонга ўзгариб кетади.

Йигит ва ўгит

“Йигит” ва “ўгит” сўзларининг бир-бирига қанчалар яқинлиги, оҳангдошлиги ҳақида анчадан бери ўйлаб юраман. Эътибор қилсангиз, уларнинг тузилиши, қолипи бир хил, қуйиб қўйгандай ўхшаш. Маҳмуд Кошғарий ҳар нарсанинг ёши “йигит” сўзи билан ифодаланишини айтиб ўтган, демак, бир пайтлар жониворларнинг ёшини ҳам, дарахтларнинг ёшини ҳам “йигит” деб аташган экан-да. Кошғарийнинг бу фикрига Солиҳ Муталлибов ҳозирги ўзбек тилида “йигит” сўзи фақат одам боласига хос бўлиб қолганлиги ҳақида изоҳ берган.

“Ўгит” сўзида “ўг” – “ақл”, “эс” маъносини англашишни кўпчилик билади. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”идаги Ўгдулмишнинг оти ҳам шундан олинган. Маҳмуд Кошғарий ёши улуг ва ақллиларга “ўга” лақаби берилганини, тўрт ёшдан ошган отларни “ўг ат” дейишларини таъкидлаб ўтган. Кошғарий “ўг-сўз” деган сўзни ҳам келтиради ва уни етим, нима қиларини билмовчи, ўксиз деб шарҳлайди, бу сўзнинг ақл маъносидаги “ўг” сўзидан эканлигини таъкидлайди. Бизнингча, “ўксиз” сўзи ҳозирги “ўксик” сўзига яқиндай туюлади. Бироқ Кошғарий “ўксик” “эксўк” шаклида бўлганлигини айтиб ўтган.

“Туркий тиллар этимологик луғати”да “йигит” сўзининг ўзаги “йиг” – “яхши”, “зўр”, “енгиб ўтувчи” маъноларида изоҳланган (“йиг” сўзига “-т” қўшимчаси қўшилган, “ўгит”даги каби).

Мулоҳаза учун яна бир маълумотни қистириб ўтсам: қадимги тилимизда “йиги” деган сўз “боқувчи”, “тарбияловчи” мазмунини билдирган экан.

*Йигитлар халқларнинг мақтови, кўрки,
Наслнинг гавҳари, давлат таянчи.*

Ғафур Ғулом

*Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал,
Сўнгра бутун бўлсин дўстнинг имони.
Инсон юрагини тилкалар азал,
Шу икки нарсанинг буюк армони.*


Абдулла Орипов

Улус ва улуш

“Улус” сўзи тилимизда қадимдан “халқ”, “қавм”, “мамлакат”, “уруғ”, “миллат” маъноларида қўлланиб келинган. Баъзи манбаларда “улус” – “Будда қароргоҳи”, “Буддавий камолотининг энг юқори босқичи” мазмунида ҳам изоҳланган. Мўғул тилида ҳам бу сўз бор.

Маҳмуд Кошғарийда “улус” сўзи ҳисса маъносидаги “улуш” сўзидан деб кўрсатилган. Баъзи тилшунослар “улус” сўзини улаш маъносидаги “ула” сўзига тақайдилар.

“Улус” сўзига “улуғ” сўзи ҳам шаклан яқин. “Улуғ” сўзи “катта”, “улкан”, “буюк”, “катта ўғил”, “кекса одам”, “кучли”, “мағрур”, “муқаддас” маъноларини англатган. “Туркий тиллар этимологик луғати”да “улуғ” сўзининг туб илдизи “улы” шаклида бўлган деб кўрсатилган. Яна шу луғатда “ул” сўзи “асос”, “пойдевор” маъноларини англатиши таъкидлаб ўтилган. “Улуғ” сўзининг “уллу” шакли ҳам мавжуд. Хоразм диалектида ёши улуғ маъносидаги “ёшуллу” сўзида бу шакл аниқ сақланган.



Пайпоқ, носки ва уйуқ

“Пайпоқ” сўзи тилимизга тожик тилидан кирган. Кейинги даврларда тилимизда “пайпоқ” сўзи ҳам камроқ қўлланиб, рус тилидан кирган “носки” сўзи фаоллашиб кетди. Ҳолбуки, қадимги тилимизда “уйуқ” деган сўз пайпоқ маъносини ифодалаган. Эрванд Севортян “уйуқ” сўзини кигиз пайпоқ маъносида изоҳлаган.

Бир қарашда “уйуқ” сўзи “ойоқ” сўзига ҳам шаклан яқин. Шунингдек, у “ўйиқ” сўзига ҳам яқин.

Эртакнинг ўтмиши

Болалиқдан энг кўп дуч келган сўзимиз “эртак” бўлади. Хўш, “эртак” сўзининг туб илдизи қандай маънони англатган? Қадимги тилимизда “эрт” деган сўз бўлиб, бу сўз “ўтмиш”, “кечмиш” деган мазмунни билдирган. Шундан ўтмиш ҳақида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ҳикоя маъносини англатган “эртак” сўзи келиб чиққан. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да бу сўзнинг пайдо бўлиши шу тариқа изоҳланган.



“Қарз”нинг “қавола”си нима?

“Қарзи қавола” сўзи ҳам тилимизда кўп ишлатилади. Унинг “қарз-қавола” шакли ҳам бор. Арабча “қарз” сўзининг маъноси ҳаммамизга маълум. Хўш, унда унга “қавола” сўзи қандай қўшилиб қолган ва бу сўз қандай мазмунга эга? “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “қавола” сўзи асли “кафолат берди” маъносини англатган.

“Қарз” ва “қавола” сўзлари тилимизга араб истилоси давридан сўнг кириб келган. Маҳмуд Кошғарий девонида қарз “алым” сўзи билан, қарз берувчи “алымчи” сўзи билан ифодаланган.

Кошғарий “алім кеч қалса азақланур”, яъни “кечиккан қарз оёқ чиқаради”, “алімчи арслан, беримчи сичған”, яъни “қарз берувчи арслон, олувчи сичқон” деган мақолларни келтириб ўтади. Хакас ва қарачай-малкар тилларида “алым” сўзи ҳозиргача қарз маъносида келади.

Хуллас, “қарзи қавола” бирикмаси “кафолат билан олинган қарз” маъносини англатади.

“Мўлдираш” ва “мулдур”

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “мўлдираш” ва “мўлтираш” сўзларига йиғламсираб қараш маъносида, “мўлт-мўлт” сўзига эса, “кўзда ёшнинг тўлиб-тўкилиб турган ҳолатини билдиради” деб изоҳ берилган. Тилимизда “шабнам” сўзининг “мулдур” шакли ҳам бўлган. Масалан, Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонида шундай мисралар бор:

Сув ёқосиғаким ёғуб мулдур,

Бу ёқо тугмаси бўлуб ул дур.

Маъноси: Сув ёқасига шабнам тушди. Гўё ўша дур бу ёқанинг тугмаси эди.

Шу ўринда бир мулоҳаза келади: шабнам билан кўзёш бир-бирига ўхшайди. Иккиси ҳам томчи-томчи бўлиб туради. Адабиётимиз тарихида бу икки нарса ни бир-бирига менгзаб қўллаш ҳоллари жуда кўп учрайди. У ҳолда “мўлдирамоқ” феъли “шабнам” маъносидаги “мулдур” сўздан келиб чиқмаганмикин?.. Бу тахминимиз, холос. Агар бу сўзнинг илдизини “кўп”, “сероб” маъносидаги “мўл” сўзига олиб бориб тақасак, унда мўлтираш маъносига тўғри келмай қолади. Унинг илдизи “мўлт”. Шунингдек, мумтоз адабиётимизда “май”нинг “мул” деган шакли ҳам бор. Бунда “мул” томчи маъносида келаётган бўлиши мумкин. Маълумот учун яна бир қўшимча: мўғул тилида ҳам “мўлтире” (мултура) деган сўз бўлиб, у “бўшашмоқ”, “заифлашмоқ”, “сусаймоқ”, “синиш”, “айрилмоқ”, “қочмоқ”, “кўпайтирмоқ” маъноларини англатади.

“Қошиқ” ва “қўшиқ”

Рўзғор буюми қошиқни яхши биламиз ва ундан бир кунда камида икки-уч марта фойдаланамиз. “Қошиқ” сўзининг туб илдизи ҳақида турли тахминлар бор. “Туркий тиллар этимологик луғати”да бу сўз “ёғоч пиёла” маъносини англатгани айтилади. Яна “қошиқ” сўзи қириш, қиртишлаш, тирнаш маъносидаги “қаши” сўзидан пайдо бўлган деб кўрсатилади. Менга шу фараз асослироқдай туюлди. Чунки “қозик” сўзи ҳам “қаз” феълига “-ғуқ” (“-қ”) қўшимчаси қўшилишидан ҳосил бўлганидай “қошиқ” сўзи ҳам “қаши” феълидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Чунки тилимиз табиатида шундай ҳодисалар бор. Маҳмуд Кошғарийда бу сўз “қашуқ” шаклида келган.

“Қошиқ” сўзи билан икки томчидай ўхшаш “қўшиқ” сўзи ҳам шу тариқа пайдо бўлгандир, эҳтимол. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да “қўшиқ” сўзи “бирлаштир” маъносидаги “қўш” феълидан ясалган дейилади. Балки бунга қўшиқни қўшилишиб, жўр бўлиб айтиш ёки қўшиққа сатрлар қўшиб бориш сабаб бўлгандир. Маҳмуд Кошғарий “қўшди” сўзини “шеър ёзди” маъносида ҳам қўллаган. “Ол жір қошди”. Шунингдек, “қошар”, “қошмақ” сўзларини ҳам шунга яқин маънода келтиради. Демак, “қўшиқ” сўзи сўзларни бир-бирига қўшиш маъносидан келиб чиққан. Авваллари мен “қўшиқ” сўзи “қуш” сўзига алоқадор бўлиши мумкин, чунки қуш сайраши қўшиққа яқин деб хато ўйлаган эканман.

“Мужмал” асли мужмалми?

“Мужмал” сўзини биз ҳозирги пайтда ланж, мавхум, на у ёқлик, на бу ёқлик, тушунарсиз, тайинсиз деган маъноларда ишлатамиз. Ланж, кесиб гапирмайдиган, эзма кишиларга нисбатан “Бу мужмал одам” деймиз. Ҳолбуки, бу сўзнинг туб илдизи “қисқа”, “лўнда” маъноларида келади. Бу маъно сўзнинг ҳозирги маъносига мутлақо қарама-қарши.

Алишер Навоий асарларида ҳам “мужмал” сўзи “қисқа” маъносини ифодалаган. Масалан, “Сабъаи сайёр” достонида шундай мисралар бор:

*Достонларки айтгим мужмал,
Манга йўқ ҳеч анда баҳсу жадал.*

Мазмуни: Мен бу достонларни шунчалик **қисқа** баён қилдимки, сўзларим орасида бирорта ҳам баҳсга сабаб бўладиган, тушунилмайдиган ўрни йўқ.

Шунингдек, арабча “мужмал” сўзининг “йиғинди” деган маъноси ҳам борки, бу “жумла” сўзига тўғри келади.

“Тайёр”даги “тайр”

“Тайр” сўзи тилимиз тарихида “қуш” маъноси-ни билдирган. Бу сўзнинг туб илдизи “учиш” мазмунини ифодалаган. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр”, яъни “Қуш тили” деган машҳур достони бор. Хўш, шакл жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган “тайр” ва “тайёр” сўzlари ўртасида қандай яқинлик бор? Гап шундаки, бирор ишга ҳозирланиб, шай туриш мазмунида келадиган “тайёр” сўзининг туб илдизи “учадиган”, “учувчан” деган маънони билдиради. “Тайёр” сўзини ҳар биримиз бир кунда неча марталаб ишла-тамиз, лекин унинг илдизига назар солиб кўрмаймиз.

Шашвар ҳам йўқ, лекин шашпар бор

Тилимизда ҳозир ҳам ҳеч вақо йўқ деган маънода “шашвар ҳам йўқ” деган ибора қўлланади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да таъкидланишича, аслида “шашвар” сўзи “шашпар” сўзининг ўзгарган шаклидир”. “Тарихий ҳарбий терминлар луғати”да “шашпар” сўзи олти қиррали гурзи, чўқмор маъносини англатади деб изоҳланган. Шунингдек, учига юмалоқ ва ғадир-будур темир ўрнатилган таёқ ҳам “шашпар” деб аталган. Абдулла Қодирий бу сўзни “Ўткан кунлар” романида “шашвар” деб ишлатган: **“...шашвар тутган ёш ва кекса муҳофизлар уни саломлаб қарши олар эдилар”**. Алишер Навоий эса бу сўзни “Фарҳод ва Ширин” достонида “шашпар” шаклида қўллаган:

*Етти гардунға офат шашпаридин,
Бўлуб сув хут бағри ханжаридин.*

Ғаройиб “ғариб”

“Ғариб” сўзини биз кимсасиз, ҳеч кими йўқ, бечора, мазлум маъноларида тушунамиз ва шу мазмунда ишлатамиз. Бироқ Алишер Навоий асарларида “ғариб” сўзи “ғаройиб”, “ажойиб” деган маъноларни англатиб келади. Масалан, “Сабъаи сайёр” достонида шундай мисралар бор:

*Сенки борсен замон элида ғариб,
Санга бўлғон жаҳон ичинда ажиб.*

Мазмуни: Сен бизнинг замонамизда яшаган кишиларнинг энг ***ғаройиби*** экансан, жаҳон ичидаги бор ажайиботлар сенга маълум экан.

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да арабча “ғариб” сўзи “ғараба” феълининг “нотаниш бўлди” маъноси асосида ясалган сифат бўлиб, “ўзга элик”, “нотаниш”, “мусофир” маъноларини англатади” деб изоҳланган.


Яна бир маълумот: “Навоий асарлари луғати”да “ғариб” сўзи “мусофир”, “кимсасиз” деган маънода ҳам изоҳланган.

“Сурбет”нинг сурлиги

Баъзи сўзларнинг пайдо бўлишига қараб, халқнинг донишмандлигига қойил қоласиз. Бундай сўзлар кузатиш, ўрганиш, билим ва тажриба асосида юзага келади. Шундай сўзлардан бири, кўриниши хунукроқ бўлсаям, маъноси теран “сурбет” сўзидир.

Тилимизда “сурбет” сўзи юзи қаттиқ, гап кор қилмайдиган, орсиз кимсаларга нисбатан қўлланади. Хўш, нега уларни “сурбет” деймиз? “Сурбет” сўзининг ўзаги “сур” сўзи дудлаб ёки осиб қуришиб қўйилган, қоқланган гўшт мазмунини ифодалаб келади. Бундай гўшт узоқ вақт қуёшда қуриб, шамолда қотиб, жуда қаттиқ бўлиб қолади. Сур гўшт, сур балиқ бирикмалари бор. Қассоблар ҳозир ҳам сур гўштни қиммат сотадилар.

Юзи қаттиқ, уятсиз кимсаларни “сурбет” дейиш шундан келиб чиққан.



Конфетми, гулқанд?..

Қадимда қизил гул япроғи билан шакарни ара-лаштириб, офтобда қуришиб тайёрланган бир хил ширинлик тилимизда “гулқанд” деб аталганлиги ҳақида манбаларда айтиб ўтилган. Бу ширинлик конфетга ўхшаш бўлган. Навоий даврида “гулқанд” сўзининг “гулшакар” шакли ҳам бўлган. Кейинчалик “гулқанд” сўзи аста-секин истеъмолдан чиқиб кетган ва унутилган.

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асаарида шундай мисралар бор:

*Халқ учун махлут этиб гул бирла қанд,
Табъға гулқанд янглиғ судманд.*

“Кечқурун”даги “қурун” нима?

“Кечқурун” сўзи тилимизда оқшом маъносини англатиб келади. Бу сўздаги “кеч” сўзи ҳаммамизга тушунарли. Хўш, унда “қурун” сўзи қандай мазмунни билдиради? Манбаларда “қурун” сўзи қадимги тилимизда “вақт” маъносини билдирган деб изоҳланади. “Қурун” сўзи тилимизда ҳозир алоҳида ишлатилмайди. Лекин Манзар Абулхайровнинг “Навоий асарларида сўз ва иборалар” китобида Алишер Навоий асарларида “қурун” сўзи алоҳида ишлатилган ўринлар кўрсатиб ўтилган. Масалан, “Насойим ул-муҳаббат” асарида: “Ўз замонида балки бунча **қурунларда** алардек солиқ муртоз киши ёд бермас”, – деган жумла бор.

Эрванд Севортян луғатида “қурун” ва “қурум” сўзлари бир-бирига боғлиқ ҳолда “қоракуя” маъносида шарҳланади.

“Кечқурун”даги “қурун” сўзи “вақт” маъносида мантиққа тўғрироқ. “Кечки вақт” мазмуни “кечқурун”га мос.

Газетада “қурун” сўзи ҳақидаги бу қатра эълон қилинган, адабиётшунос Султонмурод Олим телефон қилиб фикрларини билдирди. Мулоҳаза учун бу фикрларни келтириб ўтишни маъқул кўрдим. “Арабчада “қурун”га яқин “қарн” деган сўз бор. “Қарн” аср маъносига тўғри келади. Шунингдек, “қарн” ўттиз йиллик вақт мазмунини билдириши ҳам манбаларда айтиб ўтилган”.

“Қушуйқу” ва “қишуйқу”

Мен бу сўзларни болалигимдан эшитиб келганман. Уларнинг изоҳига Тўра Нафасовнинг “Қашқадарё халқ сўзлари” китобида дуч келдим. Қушуйқу ва қишуйқу... Жуда ғаройиб сўзлар булар! Уларда поэзия бор. Тилимизда шаклан бир-бирига ниҳоятда яқин бўлган бу сўзлар мазмун жиҳатдан бир-бирига зид маъноларда келади. Одатда, ниҳоятда тез ва кам ухлайдиган, салгина шовқинга уйғониб кетадиган одамларга нисбатан “қушуйқу” сўзи қўлланилади. Одам кексайганда қушуйқу бўлиб қолади, деган гап бор. Илон, айиқ каби ҳайвонларнинг қиш фаслида яшириниб узоқ уйқуга кетиши, умуман, узоқ давом этадиган уйқу – “қишуйқу” сўзи билан ифодаланади.

Ғаройиб-а, бу икки сўз бир-бирига қарама-қарши икки қутбда турибди-ю, нақадар уйқаш. Бор-йўғи битта товушда фарқ қилади. Ҳатто шу товушлар ҳам – “у” ва “и” – бир-бирига жуда ҳамоҳанг.

“Мучал” ва “муча” сўзлари ҳақида


“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “мучал” сўзига шундай изоҳ берилган:

“МУЧАЛ 1 Шарқий ва Марказий Осиёда кенг тарқалган, одатда 12 йилни қамраб олувчи ва ҳар бир йили бир ҳайвон (сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, тўнғиз)нинг номи билан аталадиган ҳамда йил боши 22 мартдан бошланадиган йил ҳисоби”.

Хўш, бир-бирига жуда уйғун бўлган “мучал” ва “муча” сўзлари ўртасида қандай яқинлик бор?

Одамнинг тана аъзолари “муча” сўзи билан ифодаланади. “Тўрт муча” бирикмаси оёқ, қўл, кўз ва қулоқни англатади. Халқимизда “Олти мучанг омон бўлсин” деган ибора бор. Эрванд Севортян “Туркий тиллар этимологик луғати”да “мучал” ва “муча” сўзларининг айнан ўхшашлигини таъкидлаб ўтган. Мўғул тилидаги “мосе” сўзи ҳам тана аъзолари маъносини англатар экан.

Мучал вақтнинг 12 йиллик бўлаги. Тана аъзолари ҳам тананинг бўлаклари саналади. Т.Бегжоновнинг “Қорақалпоқ тилида чорвадорликка оид атамалар” (1983) мақоласида: “Мучал одам танасидаги мучалар ҳисобига мос келади”, – дейилган. Ҳайвонларда ҳам тана аъзолари мучага бўлинади. Одатда, ҳозир ҳам қўй ё қорамол сўйилгандан кейин “гўштини мичаланг” дейишади. Ҳайвон танаси асосан 8 мичага бўлинади.



Сарак-сарак жонсарак

Тилимизда безовта, эсанкираган, қаттиқ куйинган, саросимага тушган каби маъноларни англатган “жонсарак” сўзининг туб илдизи қизиқ мазмунга эга. “Жонсарак” сўзидаги “сарак” сўзи тилимиздаги “бошини сарак-сарак қилди” деган иборадан келиб чиққан. Одатда, чақалоқларнинг бўйни қотсин деб оналар уларга “сарак-сарак” деб бошини у ёқдан бу ёққа қимирлатишни ўргатадилар.

Катталар эса бекорга бошини сарак-сарак қилмайдилар. Унда афсус ва ташвиш аломати бор. “Жонсарак” сўзи ҳам жонини у ёндан бу ёнга чайқалтирди, қимирлатди, жонини силкитди мазмунида келган. Кишининг бошини сарак-сарак қилиш ҳолатида ташвишланиш, безовталиқ, куйинчаклик, нотинчлик, афсусланиш бор экан, “жонсарак” сўзида ҳам шу ҳолатларга ишора бор.

Ишқирмоқ, ушқурмоқ ва ўшқирмоқ

Биз болалигимизда хуштак чалсак, ота-онамиз “Ишқирма, ёмон бўлади” дер эди. Мен 54 ёшимгача хуштак чалиш маъносидаги “ишқирин” сўзини торгина бир шевадаги сўз деб билганман. Чунки қишлоғимдан бошқа жойда бу сўзни эшитмаганман. Лекин бу сўз жуда кенг миқёсда ишлатилган экан. “Туркий тиллар этимологик луғати”да “ушқур” деган сўзга изоҳ берилган ва унинг биринчи маъноси “хуштак чалмоқ” деб кўрсатилган. “Ушқур” сўзи товушга тақлид “уш” сўзига “-қир” қўшимчаси қўшилишидан ҳосил бўлган.

Бу сўзнинг яна “гижгижламоқ”, “итни олқишламоқ”, “дам солиб даволамоқ” каби маънолари ҳам бор. Болалигимда бироз тобим қочса, отам ё онам қишлоғимиздаги мулланинг олдига олиб борар эди-да, “Ўғлимизнинг мазаси қочибди, бир ушкириб қўйинг” дер эди. Кимдир акса урса ҳам “ушкирди” дейишарди. Тилимиздаги “ўшқирди” феъли ҳам шу сўзларга қариндош бўлиши керак. Чунки Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит-турк”да “ушкирди” феълени “қичқирди”, “ўшқирди”, “акиллади”, “вишиллади” деган маънода изоҳлаган.

Бошни қоплаган “қалпоқ”

Бугунги кунда биз “қалпоқ” сўзини бош кийими маъносида ишлатамиз. Қадимда ёш болаларнинг ҳали тиғ тегмаган сочи, яъни биринчи марта олингунга қадар бўлган сочи “қалпоқ” деб аталган. Ҳозир ҳам ўсиб ҳурпайиб кетган сочга нисбатан “сочи қалпоқдай” ибораси қўлланади. Баъзи манбаларда “қалпоқ” сўзи дастлаб “қаплақ” шаклида бўлиб, унинг туб илдизи “қопла” сўзига бориб тақалади, деб изоҳланган. Яна баъзи манбалар бу сўзни “қалибақ” шаклида бўлган ва унинг туб илдизи “кўтарилиб турадиган” деган маънодаги “қали” сўзидан деб кўрсатганлар.



“Иноқ” ва “инон” сўзлари дўстми?

“Иноқ” сўзини асосан аҳил маъносида тушунамиз. “Туркий тиллар этимологик луғати”да бу сўзнинг биринчи маъноси “дўст” деб изоҳланади. Демак, “иноқ дўст” дегани асли “дўст” сўзининг икки марта такрорланишидай гап.

“Иноқ” сўзининг умид, ишонч, бошпана, содиқ, ҳукмдорнинг ишончли вакили, вазир, ҳукмдор маслаҳатчиси каби маънолари ҳам борлиги манбаларда таъкидлаб ўтилган. Бу маъноларнинг ҳар бирида дўст маъносига яқинлик бор. Шунингдек, Бухоро амирлигида иноқ – юксак ҳарбий унвон маъносини билдирган. “Иноқ” ва “инон” сўзи бир-бирига яқин сўзлар. Лекин арабчадаги “жилов”, “тизгин” маъносидаги “инон” сўзини туркийдаги “ишонч” мазмунидаги “инан”, “инон”, “инонч” сўзлари билан аралаштирмаслик керак. Булар бошқа-бошқа сўзлар. “Иноқ” сўзи туркийдаги “инон” сўзи билан бир хил илдиздан ўсиб чиққан. Шу ўринда яна бир гап, “иноқ”, “қўноқ” ва “қувноқ” сўзларининг илдизи ҳар хил, лекин ясалиш қолипи бир хил. Энди бу бошқа мавзу.

Озиқ тишдаги озуқа

“Озиқ” ва “озуқа” сўзлари овқат бўладиган маҳсулот, емиш маъносини англатишини ҳаммамиз яхши биламиз. Нима учун овқатни “озиқ” деймиз? Хўш, “озиқ” сўзи ўзи қандай пайдо бўлган?

Қадимда туркий тилларда “азы” деган сўз бўлган. Бу сўз аввало “жағ тиши”, “тиш” ва “ёғоч миҳ”, “игна”, “тикан учи” каби маъноларни англатган. “Азу” деган сўз эса “қозик тиш” мазмунини билдирган. Маҳмуд Кошғарий “азиг” сўзини “хайвоннинг озиқ тиши” деб изоҳлаган. Эрванд Севортян луғатида “озиқ” ва “озуқа” сўзлари асли “овқатни чайнамоқ”, “чайна-либ кетмоқ” маъноларида келади деб изоҳланган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам “озиқ” сўзининг туб илдизи “тиш”га бориб тақалиши мантиққа яқин.

Ўнг қўлнинг ўнглиги нимада?

“Ўнг қўл”, “чап қўл” деймиз. “Ишинг ўнгидан келсин” деб ният билдирамиз. “Бугун ўнг ёнидан турган”, “Худо йўлини ўнглабди” каби ибораларни ишлатамиз. Хўш, нима учун “ўнг”? “Ўнг”нинг афзаллиги нимада? Нега биз “ўнг” сўзини яхши кўрамиз? Бу сўз асли қандай маънони англатади?

Маҳмуд Кошғарий “Девон”ида “ўнг” – “оң” сўзи “қулай”, “осон” маъносида изоҳланган. Демак, “ўнг томон” дегани аслида “қулай томон” дегани, “ўнг қўл” ҳам “қулай қўл” дегани. Дарҳақиқат, дунёнинг 95 фоиз аҳолисига ўнг тараф қулай келади.

Ҳайвонларга аталган сўзлар

Қадимдан боболаримиз отлар ва тойларни “қурей-қурей” деб чақиришган. “Алпомиш” достонида Ойбарчиннинг Бойчиборга қарата “Қурей-қурей, ҳайда, тўрамнинг оти” деган чақириғи бор. Эчкиларни “чиги-чиги”, қўйларни эса “пфай-пфай” деб чақирганлар ва қўйни соғаётганларида “тўрай-тўрай” деб, эчкини соғаётганларида “чурей-чурей” деб алқаганлар. Маҳмуд Кошғарий лочинни чақирувчи сўз “маҳ-маҳ” бўлганлигини таъкидлаб ўтган. Итларнинг ҳар бирининг алоҳида исми бўлсаям, чақиришда “баҳ-баҳ” деганлар.

Одамзод азалдан ҳайвонлар билан мулоқот қилишга ҳаракат қилган. “Ўсимликлар менинг сингилларимдир”, – деган эди ҳинд донишманди Шакунтала. Шу каби инсоният ҳайвонлардан ҳам оға-инилик излаган. Ҳайвонлар ҳам ўзларига аталган сўзларни қайта-қайта эшитавергач, уларга ҳаракатлари билан жавоб беришга мослашганлар. Болалигимизда қўйларга “қўра-қўра” десак, улар қўрага томон борардилар. Ҳайвонларга аталган бу сўзлар эндигина тили чиқаётган болаларга аталган сўзлар каби содда ва самимий эди.

Қадимда опа-сингиллар ва ака-укалар бир-бирларини қандай алқаганлар?


Бурунги замонларда опа ё сингилни “эгачи”, “муштипар”, “тиловчи”, “донакар”, “бича” деб ҳам атаганлар. Ака-укани эса “ини”, “ойна”, “оға”, “қанот” деб айтишган. Бир она туғиб, бир эмчакни эмган қариндошларга нисбатан “эмчакдош” ва “ширхўра” дейишган. Опа-сингиллар ўз оғаларини мана бундай алқаганлар:

*Уچار бўлсам қанотим,
Қўнар бўлсам работим,
Бўйнимдаги ҳайкалим,
Оралаб юрган пайкалим,
Устимда шойи кўйлагим,
Бошимда балхи рўмолим...*

“Оқ” ва “оппоқ” сўзлари ҳақида

“Оппоқ” сўзининг асоси “оқ” сўзидир. Бу сўз “оп”+“оқ” шаклида ясалган. Хўш, унда “оппоқ” сўзининг бошидаги “оп” нимани англатган ва нима учун у “оқ”қа қўшилиб қолган? Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра, қадимги тилимизда “ап” шаклидаги кучайтириш кўмакчиси бўлган ва бирор нарса жуда ошириб мақталса, унга “ап” кўмакчиси қўшилган. “Сап-сарик” сўзи ҳам дастлаб “апсарик” шаклида бўлган бўлиши мумкин.

Демак, “оппоқ” сўзи “жуда оқ” мазмунини билдиради.



Ували-жували


“Ували-жували” тилимиздаги энг ёқимли сўзлардан. Шунинг учун у ҳамма дуоларга қўшилиб юради.

Қадимги туркий тилларда уй “эв” сўзи билан ифодаланган. “Ували-жували” бирикмаси “уйли-жойли” деган мазмунни ифодалайди деган қарашлар ҳам бор. Энди “ува” сўзининг ўзига тўхталсак. “Ува” сўзининг “майда” деган маъноси ҳам бор. Ушоқ маъносидаги “увоқ” ҳам майда маъносини ифодалайди. Шунинг учун “ували-жували” сўзи “бола-чақали” маъносига ҳам яқин. Ҳозирги шеваларимизда ҳам бола-чақаси кўп одамларга нисбатан “майдагиналари кўп” дейишади. Маҳмуд Кошғарий “ува” сўзини “уватди”, “бурдалади” маъносидан келиб чиққан деб изоҳлайди. Бу изоҳ ҳам майда ва майдалаш маъносига бориб тақалади.

Эҳтимол, “увада” сўзи ҳам шунга яқин бўлиши мумкин. Увада ҳам увалиб туради, бурда-бурда бўлиб кетади.

Оломон

Тилимиздаги оти ёмон сўзлардан яна бири – “оломон” сўзи асосан “тўда” маъносини англатади. “Туркий тиллар этимологик луғати”да “оломон” сўзи “қароқчилар босқинчилиги”, “отлиқлар тўдаси” ва бир турдаги йиртқич қуш номи маъносида келиши таъкидланган. Шунингдек, “оломон” сўзининг ўзаги “ола” – “ўғирлик”, “ўлжа”, “босқинчилик” мазмуни билдирган деб кўрсатилади. Бу сўз ҳақида фикр билдирган баъзи тилшунослар “оломон”ни “алақмон” сўзига алоқадор деб ҳам тўхталадилар ва “алақмон” – “ағдариб ташлаш”, “синдириш”, “бузиш” маъноларини англатади дея таъкидлайдилар. Яна Ҳерман Вамбери ва бошқа тилшунослар “оломон” сўзининг ўзаги “босиб ол” мазмунидаги “ол” сўзидан деган фаразни илгари сурадилар. Нима бўлганда ҳам “оломон” сўзининг илдизида яхшилик кўрмайсиз. Лекин бунинг учун сўз айбдор эмас.



Ит бўйнидаги тасма

Ит бўйнига осиладиган тасмани ифодалайдиган яхлит сўзни ҳозирги пайтда тилимизда учратмаймиз. Лекин бундай сўз тарихимизда бўлган. Уни истеъмолга олиб кирса ҳам бўлар. Мумтоз адабиётимизда ва тарихимизда ов итларининг бўйнига боғланадиган тасма “қалода” деб аталган. “Қалода” сўзи асли арабча сўз. Навоий бу сўздан бир неча бор фойдаланган.

Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида Мажнуннинг Лайлининг итига қарата айтган шундай гаплари бор:

*Бир чоғ неки лутф этиб арода,
Солиб эди бўйнунгға қалода.*

(Мазмуни: Лайли бир пайтлар сенга лутф қилиб, бўйнингга қалода боғлаган эди).

“Анач” ва “эгачи”

Қадимда зийраклиги билан ҳамманинг онасидай чинкиллаб ақл ўргатадиган қизчаларни эркалатишиб, она қиз маъносида “анач” деганлар. Умуман, етти ёт бегона бўлган қизчаларни ҳам “она қизим”, “эна қизим” деб аташ миллатимизнинг ёрқин фазилатларидандир.

Қишлоғимиздан бир чол Тошкентга келганда, мен у кишини бир дўконга олиб кирганимда, чол сотувчи қизга қараб, “Энажоним, мана бу атласинг қанча туради?” деб сўраганида, тўлқинланиб кетганман. Ҳеч танимаган, исмини ҳам билмаган қизни “Онам!” деб ардоқлаш қандай яхши. Ўғил болаларни эркалатиб, “улич” дейишган. Кошғарий таъкидига кўра “анач” ва “улич” сўзларида ўзак сўзга “-ч” қўшимчаси қўшилапти. Демак, опа, сингил маъносидаги “эгачи” сўзи ҳам шу усулда ясалган бўлиши мумкин. Қадимда опа ё сингил мазмунида “эга” деган сўз бўлганмикин деб ўйланиб қолдим. Болалигимдан менинг қадрдонимга айланган “эгачи” сўзини мен “эга чиқувчи” маъносида тушунганман. Бу сўзда ҳам миллий руҳ намоён бўлади. Опа-сингилларга одам ўз кўнглини, жонини, руҳини, ҳаётини ишонади ва уларни шуларнинг эгасидай қарайди.

Муҳими шундаки, боболаримиз қариндош бўлмаган аёлга ҳам, етти ёт бегона аёлга ҳам ҳурмат ва эҳтиром маъносида “эгачи” деганлар.

Ойнадаги ойнажон

Ўсмирлигимизда опаларимиз ё холаларимиз бизга “Ойнажон!” деб мурожаат қилишларини бот-бот эслайман. Кўпинча аёллар ўзларидан кичик ёшдаги эркакларга “Ойнам” дейишган. **“Омон-эсон юриб-сизми, ойнажон?”**, **“Бўйингиздан айланай, ойнам”** каби меҳрли алқовларни кўп эшитганман. “Ойна” сўзининг бу каби ғаройиб талқинида ҳам теран маъно, ўзига хос миллий кайфиятни кўрасиз. Бу талқинда “ойна” сўзи меҳр ва самимиятга йўғрилади. Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг, сизга кимдир “Сиз менинг ойнамсиз. Мен сизда ўзимни кўраман” деса кўнглингиздан меҳр иймайдими? “Ойнам” дейиш “Мен сенда акс этаман” деганидир. Бунда қанча теран маъно бор. Бу жуда қадимий талқин.

Ўртоқлар ўртасидаги ўрталиқ

Дўст, тенгдош мазмунидаги “ўртоқ” сўзининг асоси “ўрталиқ”, “давра”, “ора” маъносидаги “ўрта” сўзига яқин. “Туркий тиллар этимологик луғати”да изоҳланишича, “ўртоқ” сўзи “ўрта” сўзига “-қ” қўшимчиси қўшилишидан ҳосил бўлган. **“Ўртоқларнинг моли-жони ўртада”** деган гап ҳам шундан. Шунингдек, тилимизда қадимда ўртоқ, дўст маъносида “эш” сўзи ҳам фаол ишлатилган. Менинг исмидаги “эш” ҳам шундан.

Собиқ иттифоқ даврида “ўртоқ” сўзи сиёсийлашиб, анчагина сохталашди. Бу сўз бегонага нисбатан ҳам ишлатиладиган бўлди. Унда киноя, совуқлик, ҳатто зуғум маънолари ҳам пайдо бўлиб қолди. Бироқ “ўртоқ” сўзининг илдизи тоза – топганимиз ўртада маъносида самимий.


Илғор ва илгари

Илгари борган одам илғор бўлади. “Илғор” ва “илгари” сўзлари бежиз яқин эмас. Туркий лаҳжаларда “ылға” деган феъл бўлиб, бу феъл “тез” ва “тезкор” маъноларини англатган.

Шунингдек, “Туркий тиллар этимологик луғати”да “ылгар” деган сўзга “отлиқ аскарларнинг кўққисдан бостириб кириши”, “сакраб чопиш”, “елибюгуриш” деб изоҳ берилган.

Тилимизда илғаш, англаш маъносидаги “ылға” феъли ҳам қадимдан бўлган. Бу сўз танлаш, сезиш, ақл билан ажратиб олиш, навларга ажратиш деган маъноларни англатади.

Нима бўлганда ҳам “илгари” сўзи “олдинга бориш”, “илғор” сўзи эса “олдинда бориш” маъносида бир-бирига жуда яқин.



Отюрак


Тилимизда кўрқмас, ўта довюрак одамларга нисбатан “отюрак” сўзи қўлланади. Бу сўзнинг пайдо бўлишига халқимиз қадимдан отни мард ва вафодор ҳайвон сифатида қадрлагани сабаб бўлган бўлиши керак. Тилимизда довюрак маъносидаги “юрагида ёли бор” деган иборанинг пайдо бўлишига ҳам кўрқмас кишиларни отга менгзаш сабаб бўлган.

Шунингдек, халқимиз орасида пасткаш кимсаларни, баднафс одамларни итфеъл, итюрак деб аташ ҳам бор. “Отюрак” сўзи “итюрак” сўзига қарама-қарши маънода қўлланади.

Кунгай ва терскай

Кейинги пайтларда “кунгай” ва “терскай” сўзлари тилимизда жуда кам ишлатиладиган бўлиб қолди. Улар йўқ бўлиб кетаётган сўзлар сирасига кирди. Ҳолбуки, бу сўзларга сўзлашув жараёнида эҳтиёж бор. Тилимизда қуёшга қараган, қуёш тик тушадиган жой “кунгай” сўзи билан ифодаланади. Қуёшга тескари, қуёш тушмайдиган жой эса “терскай” деб аталади.

Кунгай ва терскай, айниқса, адирларда, тоғларда икқол ажралиб туради. Чунки бундай жойларда кунбет ва соябетни кескин ажратадиган унгурлар ва қоялар бор.



“Чўпон” ва “чўлиқ”

Менга болалигимда “Ким бўласан?” дейишса, “Чўпон бўламан” дер эдим. Отам раҳматли ҳам кўп йиллар чўпонлик қилган. Болалигимизда катталар билан баҳорда қирдаги чўпонларникига меҳмонга борардик. Чўпонлар бизни қўйқатиқ ва боғана (барра гўшти) билан сийлашарди. Табиат сабабми, қўй-кўзилар сабабми, бу касбни орзу қилганман. Шунинг учун “чўпон” сўзи менга қадрдон туюлади.

“Чўпон” сўзи дастлаб “чубан” шаклида бўлиб, “қишлоқ оқсоқоли ёрдамчиси” деган маънони билдирган. Бу сўзнинг маъноси Маҳмуд Кошғарий “Девон”ида шундай деб изоҳланган. Албатта, чорвадорлик билан шуғулланган қишлоқларда чўпоннинг ўрни оқсоқолдан кейинги ўринда турган бўлиши керак ёки бу сўз кейинроқ қўй боқувчини ифодалай бошлагандир.

“Чўлиқ” сўзи кичик чўпон, чўпон ёрдамчиси маъносини англатади. Изоҳли луғатда бу сўз шевада деб кўрсатилган. Бироқ адабий тилда ҳам, айниқса, дostonлар ва эртақларда бу сўз кўп қўлланилади.

Боботоғда бир чўпондан эшитгандим: “Кўй айтар экан: мени туёғимдан қаттиқ одам боқа олади”.

Мушук ва шумшук

“Мушук” сўзига “шук” сўзи асос бўлган. Мен бу ҳақда аниқ маълумотга “Навоий асарлари луғати”-нинг 1973 йилдаги нашрида дуч келганман. Ўша манада “шук” сўзи “писиб, пойлаб, тикилиб ётган” маъноларини англатади деб изоҳланган. Бунга “шумшук” сўзини ҳам қиёслаш мумкин. “Шумшайма!” дегани “писиб турма” деган маънони билдиради.

*Ғайри улким, ётибон йўлунгда шук,
Қормобон қонингни ичкан бир мушук.*

(Алишер Навоийнинг
“Лисон ут-тайр” асаридан)

Маҳмуд Кошғарийда “шук” сўзи “тинчлантирувчи”, “тўхтатиш” сўзи сифатида изоҳланган. Яъни, кўрсаткич бармоғини лаби устига қўйиб “Тсс!” деганларидай. Эътибор қилсангиз, Кошғарий изоҳида ҳам писиш, пойлаш маъносига яқинлик бор.

“Олқинди” ва “қолдиқ”

Кирсовунни биласиз. Ҳажми бир ғиштнинг ярим бўлагидай келади. Кирга ишлатилавергач, кирсовун ейилиб адо бўлиб боради. Кирсовуннинг ишлатилавериби, бошбармоқдай бўлиб қолган қолдиғини “олқинди” дер эдилар. Мен бу сўзни болалигимда онамдан кўп бор эшитганман. Кейин кўп йиллар мобайнида бу сўзга дуч келмадим.

Ниҳоят, Кошғарий “Девону луғотит-турк”ида йўқотиб қўйган бу сўзимни топиб олдим. Кошғарий изоҳига кўра, “алқинди” сўзи “*тамом бўлди*”, “*туғади*” деган маънони англатар экан. Суриштираман, бу сўз ҳозир ҳам жонли тилда мавжуд экан. Юртимизнинг жанубий ҳудудларида *совундан қолган кичик қолдиқ*-ни ҳозир ҳам *олқинди* дер эканлар.


Овқат ва ақвот

Қизиғи шундаки, “овқат” (“авқот”) сўзи “вақт” сўзининг кўплиги бўлиб, “вақтлар” деган маънони англатади. Таом маъносидаги “овқат” сўзи асли “ақвот” шаклида бўлиши керак. Чунки “ақвот” сўзи арабча “қувват” сўзининг кўплигидир. Табиийки, овқат қувватга дахлдор. Миртемир домла бу ҳақда айтиб ўтганлар. “Овқат – қувват” деган ибора ҳам шундан келиб чиққан. Демак, биз таом маъносида ишлатадиган “овқат” сўзи асли “ақвот” бўлиб, “қувватлар” маъносида келади.

Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида “авқот” сўзининг ишлатилишига эътибор қилинг:

*Базм ичра демайки барча авқот,
Махлуқ анга лутфи маҳздин зот.*

(Яъни, фақат базм **вақтларида** эмас, лутф унинг зотида бўлгани учун у билан доим биргадир).



“Оёқ”ми, “адоқ”ми?

“Оёқ” сўзининг ўзи катта тарихий йўлни оёқда босиб ўтган. Бу сўз асрлар мобайнида тошдай чархланавериб “оёқ” ҳолига келган. Ҳозир ҳам жонли тилда одамнинг оёқ томонини **“оёқсери”** дейиш билан бирга **“адоғи”** дейиш ҳам бор. Масалан: **“адоғимдан ўт”** ибораси оёқ томондан ўтишни билдиради ёки **“бошдан-оёқ”** бирикмаси гоҳи **“бошдан-адоқ”** тарзида ҳам ишлатилади. “Оёқ” сўзи одамнинг адоғи – одамнинг охири деган маънони англатади. Қадимги туркий тилда “адоқ” сўзининг “адақ”, кейинроқ эса “азақ” ҳолати ҳам бор. Тилимиз тарихида “з” товушининг “й”га айланиши ҳам кузатилади. Демак, “оёқ” сўзининг келиб чиқиши бундай:

адақ – азақ – айақ – ойоқ.

Марварид хизматкор

“Инжу” сўзи тилимизда “дур, марварид” маъносини англатади. Бу сўз асли хитойча “чинчу” сўзидан келиб чиққанлиги манбаларда айтилган. Шунингдек, бу сўз қадим замонларда “хукмдор мулки, ери”, “ўз хоҳиши билан бек хизматига кирган хизматкор”, “мол-мулк”, “мерос” маъноларини ҳам билдирган. Инжунинг мол-мулк маъносини англатиши унинг қимматлиги ва қадрлилиги билан боғлиқ.

*Кўруб Жавҳар бу қимматлиқ гуҳарни,
Кўзиндин салдў барча инжуларни.*

(Лутфийнинг “Тул ва Наврўз” достонидан)

Тилимизда “инжу” сўзига ниҳоятда яқин “инжа” деган сўз бор, бу сўзларнинг кўриниши, сину сумба-ти деярли бир хил. Баъзан бир қарашда баъзи эгизакларни ажратиб бўлмаганидай, бу сўзларни ҳам фарқлаш маҳол. Лекин “инжа” бошқа сўз. Инжа – нозик, ёқимли маъноларини англатади. “Инжиқ” сўзи ҳам “инжа” сўзидан бўлиши керак. Бу сўзни Миртемир домла яхши кўрганлар.

*Ҳар гул алоҳида айласин баён,
Инжа муҳаббатим, тошқин севгимни.*

“Инжитиш” сўзи ҳам қитиқ патига тегиш мазмунида “нозик” маъносига яқин. “Мен сени инжитмайман”, – дейди Миртемир.

Жиғовул ва шиғовул

“Жиғовул” сўзи ҳам, “шиғовул” сўзи ҳам бугунги кунда деярли истеъмолда йўқ. Лекин бу сўзлар яшашга ҳақли.

Қадимда ов қушининг бўйнига тақиладиган бўйинбоғи “жиғовул” деб аталган. Бу сўзга кўпроқ халқ достонлари ва эртакларида дуч келамиз. “Жиғовул” сўзига “жиға” сўзи асос бўлган бўлиши керак. Чунки бош кийимига тақиладиган, уқпар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнат буюми тилимизда “жиға” сўзи билан ифодаланган. “Тилла **жиға** ярашади бошига” дейилади “Эрали ва Шерали” достонида.

“Шиғовул” сўзи эса Бухоро ва Хива хонликларида элчиларни кутиб олиш, улар билан боғлиқ қабул маросимларини уюштириш ва назорат қилиш билан шуғулланадиган мансабдор шахсга нисбатан қўлланган.

“Хушкелди” достонида бу икки сўздан бир жойда қофия шаклида фойдаланилган:

*Қарчиғай бўйнига тақдим жиғовул,
Хизматимда саф ҳудайчи, шиғовул.*


Жиғибийроннинг жағи бийронми?

Биз одатда куйиб-пишиб, тутақиб, ўртаниб, асабий ҳолатда юрган одамга нисбатан “жиғибийрон бўлди” деган иборани қўллаймиз. Бундай одам, шубҳасиз, куйиниб гапиради, кўп арзи ҳол қилади. Кимни кўрса, қайта-қайта дардини айтгиси келаверади, хуллас, жағи тинмай қолади.

Менимча, “жиғибийрон” сўзи асли “жағи бийрон” бирикмасининг ўзгарган шакли бўлиши керак. Бизнинг тилимизда кўп гапиришни жағ билан боғлаш аввалдан бор. Масалан, “жағига суяниб қолган”, “жағи тинмайди”, “худо унинг жағига берган”, “жағ-жағ бўлиб қолган” каби иборалар шундан келиб чиққан.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да жаҳлланиб гапириш “жағи очилди” иборасида ифодаланиши айтиб ўтилган. Абдулла Қаҳҳор ҳам жаҳл билан гапиришни “жағи очилди” иборасида ифодалаган. *Шу ваздан кампирнинг жағи яна очилди, Сиддиқжоннинг ўтмишини, қизининг қилмишини яна таъна қила бошлади* (“Кўшчинор чироқлари” асаридан).

Тилимизда яна “жиғимга тегма” деган ибора бор. Бу иборадаги “жиғ” асаб ва жаҳл маъносида келади.



Мис чақа ва чақалоқ

Тилимиздаги “чақа” сўзида “жуда кичик” мазмунини ифодаловчи маъно бор. Мис, жез каби маъданлардан қилинган танга маъносидаги “чақа” сўзи ҳам энг кичик пул бирлигини англатади. Бир тийинни ҳам чақа дейишган. Чақа жуда майда пул бўлгани учун қиймати жуда паст бўлган. Шунинг учун арзимас, майда нарсаларни “бир чақа”, “бир чақага арзимайди” дейиш урф бўлган.

“Бола-чақа” бирикмасидаги “чақа” сўзи ҳам “кичик бола” мазмунида келади. Лекин бу ерда “чақа” сўзи арзимас, майда мазмунини эмас, қимматли маъносини билдиради. Шунинг учун одамларимиз ҳол-аҳвол сўрашганда, аввало, бола-чақани сўрашади. “Бола-чақа” бирикмасига “чақа” сўзининг “жуда кичик” маъноси асос бўлган. “Чақалоқ” сўзи шундан ҳосил бўлган. “Чақалоқ” сўзидаги “-лоқ” қўшимчаси “қизалоқ”, “тойлоқ” сўзларидаги каби янада кичрайтириш ва эркалатиш учун қўшилган.

Лекин “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да танга маъносидаги “чақа” сўзи “мис парчаси” маъносини англатади дейилган. Барибир, бу изоҳда ҳам кичкина мазмуни бор. Чунки парча ва бўлак кичик бўлади.

Ундамоқ ва уннамоқ

“Ундамоқ” – бу сўзни биз кўп ишлатамиз. Атрофимиздагиларни ёхуд ўз-ўзимизни нималаргадир ундаймиз, даъват қиламиз. Хўш, асли бу сўз қандай келиб чиққан? “Ундамоқ” феъли “ун” сўзидан пайдо бўлган. “Ун” – “товуш” дегани. “Уни чиқмай кетди”, “уни ўчди” деган ибораларимиз бор. Демак, “ундамоқ” – “товуш чиқариб чақирмоқ” дегани.

Алишер Навоийда “ун” сўзи “садо”, “оҳанг” ва “йиғламоқ” мазмунида, “ун тортмоқ” – садо, оҳанг чиқармоқ маъносида келади. “Лисон ут-тайр” достонида “Шайх дини мотамиға тортиб ун” деган мисра бор.

“Ундамоқ” феълига жуда уйқаш “уннамоқ” феъли ҳам аслида бирон нарсанинг ҳаракатини қилиш, бирор ишга киришиш маъносида келади. Тилимизда “минг уннасанг ҳам” деган ибора бор. Бу “минг уннасанг ҳам” деган гапга яқин туради. Бироқ “уннамоқ” сўзининг моҳияти ундаш маъносини эмас, уриниш мазмунини билдиради.

Йогурт

“Йогурт” сўзини бугунги кунда эндигина тили чиқаётган болалар ҳам биладилар. Инглиз тилидаги “yoghurt” сўзи мева мураббоси аралаштириб тайёрланган сут-қатиқ маҳсулоти номини билдиради.

Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра, қадимги тилимизда бу сўз *йоғурт* шаклида бўлиб, ивиган сут, қатиқ маъносини англатган. Ҳолбуки, бугунги кунда бу сўзни аксарият инглиз тилига оид деб ўйлайди.

Аслида “йогурт” ҳам “айва” ва “кирпич” каби ўз сўзимиздир. Фақат у дунёни етти марта айланиб, кийим-бошини ўзгартириб қайтиб келган.

“Наждак” қайроқтошми?


“Русча-ўзбекча луғат”нинг 1983 йилги нашрида “наждак” сўзига шундай изоҳ берилган:

“НАЖДАК *м.р. -а* наждак, жилвир, қумқайроқ”.

“Қумқайроқ” сўзи бизга тушунарли. “Жилвир” сўзига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича изоҳ берилган:

“ЖИЛВИР, жилвир қоғоз қайроққум қопланган қоғоз ёки мата (буюмларнинг сиртини силлиқлаш, сайқаллаш, жилолаш учун ишлатилади)”.

Кошғарий “Девон”ида берилган изоҳга кўра, бу сўз “ниждағ” шаклида қўлланилиб, қайроқтош деган маънони англатган. Демак, кўпчиликка русча бўлиб туюлган “наждак” сўзининг ҳам туб илдизи туркий тилга бориб тақалади.



“Бошоқ” ва “машоқ”

“Бошоқ” сўзида қандайдир ёқимли оҳанг бор. Ундан ризқ ҳидини сезасиз. Буғдой бошоғини пишиққа кирганда кузатганмисиз? Мен кузатганман. Боғни сайр қилгандай буғдойзорни сайр қилганман. Кейин “Буғдойзорни оралаб” деган туркум ёзганман. “Олтин боши эгик бошоқлар” каби мисралар келган ўшанда.

“Бошоқ” сўзи ҳақида “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да бу сўзнинг илдизи “бош” бўлиб, унга кичрайтириш маъносини ифодаловчи “-ақ” қўшимчаси қўшилиб, ясалганлиги айтилган. Дастлаб ўқ ва найза учидаги темир “бошақ” сўзи билан ифодаланган экан.

Шунингдек, тилимизда “бошоқ” сўзининг укаси “машоқ” деган сўз ҳам бор. Буғдойни ўриб-йиғиб олиш пайтида, ўримдан кейин ерга тўкилиб қолган дон ва бошоқларни элимиз “машоқ” дейди. Уруш йилларида одамлар машоқ териб кун кўришган. Бу сўз халқ тилида ва адабий асарларимизда тез-тез учраб туради. “Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир” деган машхур мақолимиз ҳам бор.

Қаҳатчилик йилларида одамларнинг уйларида бир ҳовуч буғдой қаҳат бўлганида одамлар буғдойзор атрофидаги чумоли инларини ковлашиб дон топган эканлар. Чумоли худди шу машоқдан кўп захирани жамғарар экан-да. Онам айтар эди:

Чумоли айтар экан:

Отангнинг олти ботмон ғалласини

олти тоғдан ошираман,

Жезангнинг жети ботмон ғалласини

жети тоғдан ошираман.

“Ҳисор” тоғми, қўрғон?

Мен тўрт-беш яшарлигимдан “Ҳисор” сўзини эшита бошлаганман. Кейинроқ катталар унинг тоғ эканлигини айтишган. Бу тоғ бўлгандаям, етиб бўлмас афсонавий бир тоғ бўлиб туюлган менга.

Онам бизга мусичанинг қариқизга қарата “Муса тўй келтирар, ўтгиз қўй келтирар” деб сайраганини, токнинг “Агар йўлимда дарё бўлмаганида Маккагача етиб борардим” деган гапларига ўхшаш гапларни “Ер айтар экан”, “Сув айтар экан”, “Тоғ айтар экан”, “Йўл айтар экан” деб айтиб, шу кабилар қаторида “Ёмғир айтар экан” дер эди-да:


*Ғузорда томчилайман,
Ҳисорда қамчилайман, –*

деган шеърни айтарди. Биз Ер, Сув, Тоғ, Йўл, Ёмғир ва атрофимиздаги бошқа нарсаларнинг гапирришларига ишонар ва бунга шубҳа қилмасдик.

Тожикистонда Ҳисор деган катта худуд бор. Ҳисор тоғлари шу заминдан бошланади.

Тилимизда “Ҳисор тоғлари”, “Ҳисори қўй” каби бирикмалар ишлатилиб туради. “Навоий асарлари луғати”да арабча “ҳисор” сўзи “қўрғон, қалъа, истеҳком” деб изоҳланган. *“Олти жиҳатдин анга бўлғай ҳисор”*. (“Ҳамса”дан)

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Ҳисор” сўзи “ўраб олиш”, “қуршов”, “қамал” маъноларини англатиши ҳақида айтилган.




Тол ва канизак

Отам томорқамизнинг четларига тўлдириб тол экарди. Тол жуда чиройли дарахт. Айниқса, баҳорда барглаган пайтларида у янада кўркамлашади. Барглари ингичка ва узун, ўзгача ярқираб яшилланади. Новдаси жуда чиройли. Қомати тик. Сояси роҳатбахш. Бу дарахтнинг қоратол, самбиттол, мажнунтол деган турлари бор. Сувни яхши кўргани учун сув бўйига экилади.

Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра, “тол” сўзи аслида “хўл новда” деган маънони англатар экан. Унинг новдаси доим серсув, хўл, шунинг учунми, ерга қадасангиз бўлди, томир олиб, барг чиқариб кетаверади. “Тол” деганда биз фақат тол дарахтини тушунамиз. Кошғарийнинг айтишича, қадимда нозик ва хушқомат канизакларни ҳам тол деб атаганлар. Бундай дейишларига уларнинг қоматларини нозик ва чиройли толга ўхшатиш сабаб бўлган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да тол сўзининг узун ва ингичка деган маънолари борлиги ҳам айтиб ўтилган. “Сочларим толим-толим” деган иборадаги “толим” сўзи ингичка ва узун мазмунидаги “тол” сўзига бориб тақалади.



Ёш, йаш

Тилимизда энг кўп қўлланадиган сўзлардан бири “ёш” сўзидир. Бу сўздан ҳамиша навқиронлик нафаси уфуриб туради. Ёш – у ҳамиша ғайрат-шижоатга тўлиқ сўз.

“Ёш” қадимда “кўкат”, “янги”, “соф” деган маъноларни билдирган.

“Ёш ўт куймас, ялафар (элчи) ўлмас” деган мақолни келтиради Кошғарий.

Қадимда “кўкат едим” деган жумлани “йаш едим” деб айтишган.

“Йаш-йўш” сўзи сабзавот маъносида қўлланган. Шунингдек, бу сўзнинг одамнинг ёши, кўз ёши маънолари ҳам бор.

Боди ва бодринг

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳла-нишича, “бодринг” сўзининг туб илдизи асли форсча “бодиранг” бўлиб, ундаги “боди” (бадеъ) сўзи арабча-да “янги”, “ажойиб” деган маъноларни англатган. Де-мак, “бодринг” сўзи “янги, аjoyиб рангли” деган маъ-нодан келиб чиққан.

Тилимизда “боди” деган сўз ҳам бор. Одатда, олифта, янги русумда кийинишга ўч, димоғдор, кек-кайган, моданинг кетидан қувадиган аллатавир йи-гит-қизларга нисбатан бу сўзни қўллашади. Эҳтимол, уларга “боди” деб сифат берилиши “бодринг” сўзи-даги “боди” сўзи билан боғлангандир. Чунки янги ва аjoyибни салбий маънода ҳам ишлатиш мумкин-да. Аниқроғи, уларнинг шамолдай беқарорлигию бета-йинлиги учун шундай дейишар. Чунки “боди” сўзи шамолга оид деб ҳам изоҳланган. Яна ким билади дейсиз? Бу сўзлар туб илдизи ўрганиладиган сўзлар.



Жиззаки ва жизза

Сал нарсага аччиқланиб, жаҳли чиқаверадиган, бурнидан баланд гапни кўтара олмайдиган, бўлган-бўлмаганга ловуллаб кетадиган одамга нисбатан “жиззаки” дейилади.

“Жиззаки” сўзи асли “жизза” сўзидан келиб чиққан. Бунда муайян боғлиқлик бор. Чунки жизза ҳам ўз ёғида ўзи қоврилади, жиззаки одам ҳам. Шундан келиб чиқиб, ҳуда-беҳудага тутаб кетавериб, ўзини ўзи қийнайдиган одамга нисбатан “жиззаки” дейилган.

“Жизза” сўзининг “жиззиқ” шакли ҳам тилимизда бор. “Жиззиқдай бўп изиллаб қолаверди” деган гапларни кўп эшитганман.

“Жиззаки” сўзининг “жизза” сўзидан пайдо бўлганининг ўзи бир сўзнинг дунёга келиши учун қанча мантиқ ва кузатишлар керак бўлишини кўрсатади. Бу ерда аввал қўй думбаси олинган, майдалаб тўғралган, қизиган қозонга солинган, қовурилган... ва қайсидир фаросатли одам қўйруқнинг ўз ёғига ўзи қоврилишини жаҳли тез одамга нисбатан қиёс қилган.

Панд-насиҳат

“Панд-насиҳат” тилимизда ўғит маъносини англатишини ҳаммамиз яхши биламиз. Бироқ ундаги “панд” сўзи бошқача маънога эга. Яъни “панд” сўзининг туб илдизи “ёлғон”, “алдов” маъносини англатади. Шунинг учун тилимиздаги “панд бериб кетибди” ибораси “ўғит берибди” мазмунида эмас, “алдаб кетибди” мазмунида тушунилади. Лекин “панд-насиҳат бериш” деганда, дастлаб “алдаб-сулдаб йўлга солиш” маъноси англашилган. Қолаверса, “панд” сўзининг тилимизда иккинчи маъноси пайдо бўлган. Яъни биринчи маъноси алдаб кетиш, иккинчиси дакки бериш. “Панд-насиҳат”даги панд сўзи дакки бериш маъносидаги “панд”га тўғри келади.

Куз

Тилимизда йилнинг охирги фасли маъносини англатган “куз” сўзининг туб илдизи ҳақида турли манбалар ҳар хил фаразларни илгари сурадилар.

Баъзи манбаларга кўра, қадимда **“куз”** сўзи **“қуёш тушмайдиган ер”** мазмунини англатган. Бу фараз мантиққа яқинроқ.

Шунингдек, ҳозир ҳам тилимизда “кузаш”, “кузамоқ” деган феъл бор. Отларнинг ёлини қирқиб, текислаш ёки дарахтлар ва буталарга манзарали тус бериш учун ортиқча шох-шаббаларини кесиб тартибга солиш, одамларда соқол ва мўйловни текислаш “кузаш” сўзи билан ифодаланади. Шундан келиб чиқиб, “куз” сўзи “қирқилиш”, “тўкилиш” маъносидан келиб чиқмаганмикин деган хаёлга борасиз.

Тўқол ёки шохсиз хотин

Қишлоғимизда аёллар “шўр тўқол” деган иборани айтиб қолишарди. Тўқол нима ўзи, нима учун шўр, буларни билмасдим. Лекин “шўр тўқол” иборасини қайсидир бир хотинга қарата айтишганини билардим. “Тўқол” сўзи менга ҳамиша ёқимсиз ва хунук эшитилган.

“Тўқол” сўзи ҳозир тилимизда кам ишлатилади. Лекин халқ оғзаки ижоди намуналарида, достонларда унга кўп дуч келасиз. Ўтмишда хотин устига олинган иккинчи хотинга нисбатан “тўқол” сўзи қўлланган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу сўзнинг яна бир “шохи йўқ, шохсиз” деган маъноси борлиги ҳақида ҳам айтилган. Балки бу сўзнинг икки хил маъносида ҳам қандайдир боғлиқлик бордир. Гарчанд, “иккинчи хотин” билан “шохи йўқ” сўзлари ўртасида мувофиқлик сезилмаса-да, бу ерда қандайдир рамз яширинган бўлиши мумкин. Чунки биринчи хотинга нисбатан иккинчи хотиннинг ҳуқуқлари анча чекланган бўлган. Биринчи хотин уйга эгалик борасида устунликка эга бўлган.

Сутхотин ва сузхотин

*Сусхотин, сузмахотин,
Кўланкаси майдон хотин,
Ёмғир ёғдир қўл бўлсин,
Ризқ-рўзимиз мўл бўлсин!*


Халқ қўшиғидан

Қадимда ёғин ёғмай, баҳор қуруқ келиб, узоқ вақт қурғоқчилик бўлган пайтларда қабиладагилар кампир тулумини ясашиб, устига жанда кийдириб, бошидан сув куйиб кўчада кўтариб юриб, ёмғир сўраш одати бўлган. Юқоридаги қўшиқ ўша маросимда айтилган. Бу одат сутхотин, айрим жойларда эса, сузхотин ёки сустхотин деб аталган. Хўш, сутхотинми, сузхотин ёки сустхотинми?

Сутхотин деганда ёмғирни сутга ўхшатиб, сут берувчи хотин тимсолида тушунган бўлишлариям мумкин. Ёки ёмғирни сузмада сузиб берувчи хотин маъносида тушунган бўлишлариям мумкин.

Демак, қадимда ёмғир илоҳига топиниш бўлган. Бу илоҳни сутхотин ёки сусхотин деб атаганлар.

“Сутхотин” сўзи ҳақида ўйлаб юрган кунларимда фолклоршунос олим Шомирза Турдимов билан телефонлашиб қолдим. Ундан шу сўз ҳақида сўрадим. У бу сўз хусусида олимлар турли фикрларни билдиришларини айтди. “Лекин, менинг фикримча, – деди у, – “Сусхотин, сузма хотин, Кўланкаси майдон хотин” дейилганда, гап булут ҳақида бораяпти. Чунки булутнинг кўланкаси (сояси) майдон бўлади”. Шомирза аканинг бу фикри менга жуда мантиқли туюлди.



Сурув ва уюр

Баъзан ёзувларда “қўй подаси” деган гапга дуч келаман. Бу нотўғри. Бизда “қўй подаси” дейилмайди. Тилимизда фақат қорамол подаси “пода” сўзи билан ифодаланади. Қўй-эчки тўдаси “сурув”, отлар галаси эса “уюр” дейилади. “Сурув” сўзининг туб илдизи “тўдала” деган маънони англатган. “Уюр” сўзининг илдизи “уймоқ” маъносидаги “уй” ҳам “тўдала”, “тўпла” деган маънони англатган. Отлар сони ўнтадан ошган гуруҳи “уюр” дейилган.

Ажриқ

Ажриқ кўп йиллик, серилдиз ўсимлик. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да “ажриқ” сўзининг туб илдизи “ажрат” сўзига бориб тақалиши ҳақида айтилган. Эҳтимол, бунга ажриқнинг ер бағирлаб тармоқланиб ўсиши сабаб бўлгандир. Бу ўсимлик бир илдиздан бино бўлиб, ҳар томонга ёйилиб, шохларга ажралиб, илдиз отиб кетаверади. Шунинг учун у – ажриқ.

Ажриқ ниҳоятда чидамли ўсимлик, яшовчанлик борасида бунақасини топиш қийин. Уста Жўра деган қадрдонимдан эшитганманки, ажриқ айтар экан: “Агар қирқ йил лайлакнинг уясида ётсам-да, бир кун ерга тушиб, бағрим сувга тегса, бас, кўкараман”. Биласиз, лайлак уясини ердан жуда баланд жойларга кўяди. Сирдарё далаларида юқори қувватли симлар тортилган энг баланд симёғочлар устидаги лайлак уяларига кўзингиз тушган бўлиши мумкин.

Ажриқ шунчалар чидамли ва тиришқоқки, ҳатто асфалтни ҳам, бетонни ҳам ўйиб чиқиб кетади. Унинг ўз айтганидай, ерга, сувга бағри тегса, бас, йўл топади. Бундан кўп йиллар бурун Ёзувчилар уюшмасидаги бир йиғинда таниқли адиб Одил Ёқубов ёш қаламкашларга қарата бир гапни айтгани ҳеч эсимдан чиқмайди. Одил ака шундай деганди: “Ижодкор ажриққа ўхшаши керак. Зарур бўлса, бетонни ҳам тешиб чиқиб кетиши керак”.

Маҳмуд Кошғарий ҳам, Алишер Навоий ҳам бу сўзни ишлатганлар. Кошғарий араблар бу ўсимлик-

ни (“азрік”ни) “сил” дейдилар деган ва “Девону луғотит-турк” ҳошиясида бунга шундай изоҳ берилган: “Ўт йиғувчи табиблар уни ўз вақтида териб оладилар. Бир турли шиш (совуқдан бўлган шиш), истисқо касалига фойдалидир, қовуғига тош келганлар уни ичадилар, у қовуқдаги тошларни эритиб юборади ва ювиб кетади”.

Кошғарийда яна шундай изоҳ бор: ајрік – ажриқ; у юмшоқ бир ўт. Турклар *азриқ* дейдилар. Ўғузлар “з” ҳарфини “й”га алмаштирадилар.

Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонида “ажриғ” шундай келади:

*Орада бўлған ўлса туфроқ руст,
Асраған бўлса ажриғ ани дуруст.*

“Чапани”нинг чаплиги

Кейинги вақтларда “чапани одам” деганда, дангал, шаддод, чарс феълли, ҳатто гапнинг тўғриси айтиб кўя қоладиган танти одамни тушунадиган бўлиб қолдик. Баъзан кимларнидир “У чапани одам” деб мақтаб кўямиз. Ҳолбуки, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да форсий бу сўзнинг асл маъноси бошқача изоҳланган, яъни “жулдур, увода кийинган, жулдурвоқи, безоринамо, олифта, енгил-елпи ҳаётга ўрганган одам” чапани дейилган. Демак, бу сўз асл маъносидан анча йироқлашиб бораяпти. Аслида яқин тарихимизда ҳам “чапани” сўзи асосан салбий маънода қўлланган. Лекин бугунги кунда “чапани” сўзида салбий жиҳат унчалик кўринмай қоляпти.

Бигиз

Тилимизда пойабзалдўзларнинг кўнни, терини тешиш учун ишлатадиган ёғоч сопли, нина учли металл асбоби “бигиз” сўзи билан ифодаланади. Манбаларда таъкидланишича, қадимда тилимизда “тиғ” маъносини англатган “би” деган сўз бўлган, бу сўзга мис, рух ва қалай қотишмаси маъносидаги “жез” сўзи қўшилиб, “бижез” сўзи ҳосил бўлган ва у “бигиз”га айланган.

Халқимизда “Хунари йўқ кишидан бигизи бор ямоқчи яхши” деган мақол ҳам бор. Мен бу сўзнинг “бугиз” шаклини ҳам эшитганман. “Навоий асарлари луғати”да бу сўз “бийиз” шаклида келган. “Бийизни дирафш дерлар” (“Муҳокаматул-луғатайн”дан)

Дўзах дарахти


Тилимизда “заҳар-заққум” бирикмаси тез-тез ишлатилиб туради. Ҳатто керак, керак эмас жойда ҳам ишлатаверамиз. Ошнинг тузи ошиб кетган бўлсаям, тап тортмай “заққум бўлиб кетибди” дейвера-миз. Бизга “заҳар” сўзининг маъноси аён. Хўш, унда “заққум” сўзи қандай маънога эга? Бу сўз арабча сўз. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да изоҳланишича, заққум асли заҳарли дарахт. Унинг сутсимон шира-сида ўткир заҳарли модда бўлар экан. Ривоятга кўра заққум дўзахда ўсадиган дарахт дейилади. Унинг ме-васи гуноҳкорлар учун овқат бўлар эмиш. Алишер На-воий ҳам бу сўзни “заққуми жаҳим” – “дўзах дарахти” маъносида қўллаган.

*Чун харита бошини очти лаим,
Ким йиғилмиш эрди заққуми жаҳим.*

(Алишер Навоийнинг
“Лисонут-тайр” асаридан)

*Ўғри, каззоб келиб эмиш қошига,
Заққум қуяй ичаётган ошига.*

(“Юсуф ва Аҳмад” достонидан)



Ёро, яроқли ва ярамоқ

Тилимизда “ишга ярайди”, “қунингга ярайди” каби бирикмалар қўлланади. “Яроқли” сўзи ҳам шу мазмунда келади. “Ярамоқ” ва “яроқли” сўзларининг илдизиди “яра” сўзи манаман деб кўриниб турибди. Нега “яра”? Аслида у “яра” эмас, “ёро” бўлган.

Қизиғи шундаки, Алишер Навоий асарларида “ёро” деган сўз қўлланган ва бу сўзнинг асл мазмуни “қувват”, “мадор”, “илож” деган маъноларни ифодалаган. Демак, “ярамоқ” сўзи ҳам “қувват бўлмоқ” деган маънодан келиб чиққан. У “йоромоқ” шаклида аслига тўғри бўлади.

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги қуйидаги мисраларга эътибор қилинг:

*Бу ўтдин сув бўлиб хороси онинг,
Вале йўқ сўрғоли ёроси онинг.*

Яъни, бу ўтдан унинг тошлари сув бўлди, лекин бу сувни ичишга ҳам мажоли йўқ эди.

Бу ерда ҳам “ёро” сўзи қувват ва мажол маъносида келяпти.

Чўмич ва чўмилиш

“Чўмич” сўзининг туб илдизи унинг шаклидан кўриниб турибди. Бир қарашда бу сўзнинг “чўмилиш” сўзига алоқаси йўқдай туюлади. Бироқ бу икки сўзнинг ҳам ўзаги битта “чўм” феълидир. “Чўм” сўзи “суюқликка ботир” маъносини англатган. “Ўйга чўмиш” деган ибора ҳам шундан келиб чиққан. Суюқ овқатни шопириш, сузиш учун ишлатиладиган узун дастали рўзғор буюмининг номи бўлган “чўмич” сўзи шу тарика пайдо бўлган.

Халқимизда чўмич билан боғлиқ ибора ва мақоллар мўл. Масалан: **“Қозонда бори чўмичга чиқади”, “Чўмич қўлида бўлса”**. Кошғарий ҳам **“Қозон айтар тубим олтин, чўмич айтар мен қайдаман”** деган мақолни келтириб ўтган. Чўмич деганда аввало кўз олдимга ёғоч чўмич келади. Чунки болалигимизда биз фақат ёғоч чўмичдан ош ичганмиз.



Қоя ва қия

Икки томчи сувдай бир-бирига ўхшаган бу икки сўз бекорга ўхшаш эмас.

Қаттиқ, туб жинслардан иборат тик кўтарилган чўққи тилимизда “қоя” сўзи билан ифодаланади. “Қия” сўзининг маъноси ҳам ҳаммамизга маълум.

“Қоя” сўзи ҳам, “қия” сўзи ҳам “қия кесилган” маъносидаги “қий” феълидан пайдо бўлган.

Қояда қиялик бор. Бир қарашда қоя қия кесиб қўйилгандай таассурот беради.

“Қийиқ” сўзи ҳам қия кесилган деган маънони билдиради. “Кўзи қиймади” деган иборадаги “қиймади” сўзи “кесмади” мазмунини англатади.

*Нафис чайқалади бир туп наъматак
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида.*

Ойбек

Ташриф

Мен бу сўз ҳақида тўхталмоқчи эмас эдим. Чунки кўпчиликка кўп жиҳатдан таниш сўз бу. У ҳақда қизиқроқ гап айтиш қийин. Бирор жойга, элга, хонадонга, бирор киши ҳузурига қисқа муддатга бориш тилимизда “ташриф” сўзи билан ифодаланади. Бироқ “ташриф” сўзини билиб-билмай кўп ишлатамиз. Ҳатто чиройли гап қиламан деб “Мен сизникига ташриф буюраман” деган дабдабагача борамиз. Телеэкрандаги ёшгина мухбир “Биз фалон хонадонга ташриф буюрдик!” деб тортинмай айтаверади. Бироз камтароқ бўлайлик. Эътибор қилсангиз, арабча “ташриф” сўзининг таркибида “шараф” сўзи борлигини илғайсиз. Демак, “ташриф” сўзининг луғавий маъноси “шарафлаш”, “шарафланмоқ”дир. “Мен фалон уйга ташриф буюрдим” дейишдан олдин шарафланишга қанчалик муносиблигимиз ҳақида ҳам ўйлаб кўрсак ёмон бўлмасди.

Айил ва айланай


Бир қарашда “айланай” сўзининг маъносини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқдай туюлади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да унинг “садағанг кетай, қурбонинг бўлай, ўргилай” маъноларини англатиши ҳақида айтилган. “Айлана” сўзи эса, теварак-атроф мазмунини билдириши таъкидлаб ўтилган. Барибир “айланай”даги образнинг пайдо бўлиши қизиқ. Парвона шамнинг атрофида айланади, ер қуёш атрофида айланади. Одам эса яхши кўрган одамнинг теграсида айланади. Нима учун айланар экан-а? Бутун коинот шундай бир мезонга бўйсундирилган.

Шу жараёнда “айлана” сўзи билан “айил” сўзи ҳам бир-бирига алоқадорлиги сезилиб қолади. “Айил” – эгарнинг усти билан отнинг қорнидан айлантириб боғланадиган қайиш” деб изоҳланган изоҳли луғатда. Эҳтимол, “айлана”, “айланиш”, “айланай” сўзлари “айил” сўзидан келиб чиққандир. Балки аксидир. Бу фикрлаб кўриш учун бизнинг фаразимиз, холос.

Йалпи, йалпай ва йалпоқ

Бир қарашда “йалпи”, “йалпай”, “йалпоқ” сўзларининг ўртасида маъно жиҳатидан ҳеч қандай яқинлик кўрмайсиз. Дарҳақиқат, “ялпи” қаёқда-ю, “ялпоқ” қаёқда? “Ялпи мажлисда Ямин ялпоқ ялпайиб ўтирибди” деб тезайтиш тўқисак ҳам бу уч сўз ўртасидаги қариндошликни, яхлитликни илғаш қийин. Лекин улар бир-бирига жуда яқин ва битта илдиздан ўсиб чиққан.

Эътибор билан қаранг: “йалпи” сўзи “энига ва ёнига ҳаммаси”, “умумий” деган маънони англатса, “йалпайиш” сўзи “энига ва ёнига кенгайиш” мазмунини, “ялпоқ” сўзи эса “энига ва ёнига кенг” деган маънони билдиради.



Чалтов ва дўнгса

Қир ва адирларда ўт ўсмайдиган, усти қум ё майда тошчалар билан қопланган ер тилимизда “чалтов” деб аталади. Мана шундай жойни ифодалаб берадиган қандай сўзимиз бор? Яланглик демоқчимисиз? Йўқ, яланглик дов-дарахт ўсмайдиган каттагина жой. Бу бошқа манзара.

“Чалтов” сўзи ҳозир жуда кам ишлатилса-да, ундан фойдаланишга кўп эҳтиёж бор. Чунки биттагина “чалтов” сўзида ифодаланадиган манзара мазмунини изоҳлашга ўнтача сўз керак бўлади.

Одатда қўйлар қорни тўйгандан кейин ер бағирлаб чалтовда ётишни яхши кўрадилар.

Тилимизда пастак тепалик “дўнгса” сўзи билан ифодаланади. Бу сўзнинг асл маъноси “тепаликка ўхшаш” деган мазмунни билдирган. Шунингдек, кичик дўнглик “дўнгсалик” дейилади. Бу сўз ҳозир тилимизда камроқ қўлланади, бироқ пастак тепалик маъноси ни ифодаладиган бошқа сўз йўқ. Бу сўзга ҳам худди “чалтов” каби эҳтиёж бор.


Ашқол-дашқол

Рўзғорда ёки касб-кор ишида керак бўладиган майда нарсалар, лаш-лушлар тилимизда “ашқол-дашқол” сўзи билан ифодаланади. “Дашқол” – “майда-чуйда нарсалар” деган маънони билдиради.

Алишер Навоий асарларида “ашқол” деган сўзни ишлатган, бу сўз “турлар”, “шакллар”, “хиллар” маъносини англатган. Масалан, “Ҳайратул-аброр” достонида шундай мисралар бор:

*Базлу карам шевасининг ҳоли бор,
Лек нечўкким керак ашқоли бор.*

“Ашқол” кейинроқ “ашқол”га айланган бўлиши мумкин. Демак, “ашқол-дашқол” сўзи “турли хил майда-чуйда нарсалар” мазмунини билдиради. Лекин “ашқол”нинг “ашқол”дан эканлиги аниқ маълумот эмас, тахмин. Мен бу тахминни мулоҳаза учун ўртага ташляпман. Эҳтимол, бу ерда “ашқол” шунчаки “дашқол”нинг қисқарган шаклидир, худди “бозор-позор”даги каби.



Бу отларнинг ёши нечада?

Азалдан бизда одам умри мавсумларга бўлинган ва уларнинг ўз номлари бўлган, бу мавсумлар одамнинг ёшига қараб белгиланган. Энди туғилган гўдакни чақалоқ деймиз, сўнг полапонни бола, бўзболани ўспирин ва ўсмир, ўғлонни йигит, бола-чақали одамни ўрта ёш, оқсоқолни кекса ёш ва ниҳоят, нуронийни қари деймиз. Худди шундай отлар ҳам ёшига қараб турли номлар билан аталади.

Отнинг янги туғилган боласи бир ёшгача “қулун” дейилган, бир яшар бўлгани тойчоқ ёки тойлоқ, икки яшари – “той”, уч яшари – “ғўнон” (ёки қунон), тўрт яшари – “дўнон”, беш яшари – “тўлон” дейилади. Лекин кейинги пайтларда гапимиз ифодасида шунчалар эринчоқ ва эътиборсиз бўлиб бораяпмизки, қулунни ҳам, дўнонни ҳам бирваракайига от деб қўя қоламиз. “Э, барака топгур, чақалоқ билан қариянинг фарқи бўлганидай қулун билан дўноннинг ҳам фарқи бор” дейдиган одамнинг ўзи йўқ. Ахир, “Дўноннинг тойлиги бўлмас” деган мақол бекорга айтилмаган.

*Йўл-йўлакай бепоен анғиз,
Гала-гала кезар тувалоқ,
Салт ғўнонда бораман ёлғиз.*

Бу ғаройиб сатрлар Миртемирнинг шеъридан. Миртемир ҳар бир сўзини моҳир заргардай ишлатган. Устознинг шеърларида ўзбек тилининг тирик луғати яшириниб ётибди. Бу алоҳида мавзу.

Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида отларнинг ёши ҳақида алоҳида тўхталган:

“Яна от анвоидаки, *тубучоқ* ва *арғумоқ* ва *яка* ва *ёбу* ва *тоту* йўсушлиқ – борини туркча-ўқ айтурлар. Ва отнинг ёшин дағи кўпракин туркча айтурлар. Бир қулунни “курра” дерлар. Ўзга: *той* ва *ғўнан* ва *дўнан* ва *тулан* ва *чирға* ва *ланға* дегунча фасихроқлари туркча дерлар ва кўпраги муни ҳам билмаслар”.

Отлар ранг-тусига қараб ҳам номланади. Масалан, “Алпомиш” достонида шундай қаторлар бор:

*Тарлон бия Бойчиборнинг энаси
Чибарнинг товушин тўқайда билди.*

Тарлон деб ола-тарғил, хол-хол, чавкар тусдаги отга айтилган.

Яқинда О.Бўриев ва Р.Холовнинг “Ўзбекларнинг от билан боғлиқ эътиқодлари” мақоласини ўқиб қолдим. Унда отларнинг туркум номланиши ҳақида яхши маълумотлар берилган экан. Масалан, “арғумоқ деб учқур, чопқир отга айтилган; асби този – чопқир от; бедов – тезюрар от; бия – урғочи от; жийрон – қизғиш, маллатоп от; йўрға – тез ва равон юрадиган от; тўриқ – қорамтир, қизғиш тусли от; уғор – йилқи тўдаси; човкар – ола-була, қора холли от”.

Қўшимча қилиб яна қуйидаги маълумотни айтиб ўтиш мумкин.

Тилимизда оддий ҳашаки от “чўбир” деб аталган. Бу сўзнинг шеваларимизда “чубур” шакли ҳам бор.

*Бир тулпорни нодон олса,
Туёғидан эгар солса,
Чубур қилиб миниб олса,
Бедовнинг қадрин на билсин.*

(“Гўрўғлининг туғилиши” достонидан)

“Йўрға” сўзи ҳақида яна шуни айтиш мумкинки, йўрға от тез ва равон юриш билан бирга майда қадам ташлайди. Шунингдек, бешикнинг бир текисда, осон тебраниши учун унинг орқа ва олд оёқлари остига кўндаланг ўрнатилган ёйсимон ёғоч мослама ҳам “бешикнинг йўрғаси” деб аталади.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги изоҳга кўра, уч ёшни тўлдирган туянинг ҳам “дўнон” деб аталиши бор.

Шунингдек, “дўнон” сўзи уч ёшга қадам қўйган қўй ёки эчки маъносини ҳам ифодалайди.

Бу сўз одамга нисбатан ҳам кўчирилган. Бунга сабаб от ёки туя айна шу ёшда кучга тўлади. Шунинг учун “дўнон” сўзи “бўйга етган”, “вояга етган” деган маънода одамга кўчирилган.

*Қиқирлашиб кулишади
Сатта бирдай дўнон қизлар.*

(“Гулнорпари” достонидан)



Бу кўйларнинг ёши нечада?

Кўйлар ҳам ёшига қараб турли хил номлар билан аталади. Кўйнинг эндигина туғилган кўзисини «барра» деб аташади. Сут эмиб юрган кўзини «ширбоз» дейишади. «Ширбоз» сўзидаги «шир» «сут» дегани. ***“Чикдим тоғлар бошига, тўйдим ширбоз гўшига”*** деб кўшиқ айтади-ку Маҳмуд Намозов. Ширбоздан сўнг кўзи тўқлига айланади. Бир ярим ёшга етмаган, қочирилмаган урғочи кўзини «тўқли» дейдилар. Бир-икки ёшли кўйни «шишак» дейишади. «Тусоқ кўй» деб ҳали кўчқорга яқинлашмаган кўйга айтилган. Тўрт яшар кўйни чориқўй, беш яшарини панжикўй деб атайдилар. Ундан катталарини «монғи» дейишса керак.

Энди бу сўзлар умрининг шомини яшаяпти деса бўлади. Чунки камдан-кам ҳолларда уларни ишга чақирамиз. «Ширбоз нима-ю, тўқли нима, ҳаммасиям бир кўй-да» деб осонини кўзлаймиз. Ҳолбуки, тилдаги ҳар бир сўз шу тилнинг фуқаросидир. У яшаши учун тилда ишлаши керак.

“Бу кўйларнинг ёши нечада?” деб савол кўйиб, Эргаш Жуманбулбулнинг момоси Султон кампир ҳақидаги бир ривоят эсимга тушиб кетди. Бу ривоятни адабиётшунос олим Узоқ Жўрақулов “Кавабата – эл одами” мақоласида маромига етказиб ёзиб ўтган. Шу ривоятни сизга ҳам илингим келди. Эшитинг, қойил қоласиз:

“Ривоят қилишларича, Мойлихўжа деган бир қозоқ оқини Жуманбулбул бахши билан куч синашиш

учун унинг юртига келади. Тақдир тақозоси билан унга бахшининг ўзи эмас, момоси учраб қолади. Бу Кўрғон дostonчилик мактабининг йирик вакили халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбулнинг момоси Султон кампир эди. Оқин кампирга салом беради. Қудуқ олдидаги новдан отини суғораётиб, “Бу элнинг одами қандай экан, билай-чи” деб ўйлайди. Кампирни шеърий савол билан синамоқ бўлади:

*Сендан савол сўрайман турган зайил,
Ўси турғон товларинг неча яшар?*

Султон кампир унга қуйидагича жавоб беради:

*Худойимнинг ишин кўр,
Фалакнинг гардишин кўр,
Мен билмайман ёшини,
Оғзин очиб тишин кўр.*

Бундай жавобни кутмаган оқин: “Бу элнинг номи чиқмаган аёли шундай чечан бўлса, Жуманбулбули қандай экан...” – деб изига қайтиб кетган экан.

Гап келганда “совлиқ” сўзи ҳақида ҳам тўхталиб ўтсам. Тилимизда урғочи қўй маъносини ифодалаб келадиган “совлиқ” сўзининг туб илдизи сутни соғиш маъносидаги “соғ” феълига бориб тақалади. Шунингдек, “соғ” феълининг шеваларимизда “сов” шакли ҳам бор. Умуман, “совлиқ” сўзи “соғиладиган” деган маънони билдиради.

Суқ ва суқбармоқ

“Суқ”, “суқланиб қараш” ибораси ҳозирги пайтда кўпроқ яхши кўриш, қараётган нарчасига эга бўлиш маъносини англатади. Дейлик, “йигит қизга суқланиб қаради” каби. Асл илдизга эътибор қилсак, “суқ” сўзи “очкўзлик билан қараш” деган маънони билдирган. Очкўз одамни “суқ эр” дейишган. Қадимда шаҳодат бармоғини “суқ бармоқ” дейишган. “Чунки у овқатга ҳаммадан олдин узалувчи очкўз бармоқдир”, – деб изоҳ берилган “Девону луғотит-турк”да.

Кўрсаткич бармоқни “суқбармоқ” деб аташ ҳозир ҳам айрим шеваларимизда сақланиб қолган. Фаросатсизлик билан дуч келган жойга тумшуғини тиқиб юрадиган кимсаларга нисбатан “Суқбармоқдай суқлиб юради” деган иборани ишлатадилар.

Кўрсаткич бармоқнинг айбдор бўлиб қолишига яна бир сабаб бор. Одатда, одамлар ёмон кўрган одамини кўпинча шу бармоғи билан нуқиб кўрсатадилар. Гўё бутун нафратини кўрсаткич бармоқнинг учига тўплагандай.

Тилимизда “Суқбармоқ – ўқ бармоқ” деган мақол ҳам бор.

Бармоқ ва тирноқ

Қўл ва оёқ панжаларини бармоқ деймиз. Шунингдек, “бармоқ” сўзининг ўсимлик новдаси ва пояси, ўлчов маънолари ҳам бўлган.

Ҳерман Вамбери “бармоқ” сўзини “бормоқ” феълидан дейди. Густав Рамстед бу сўзни мўғул тилидаги “ушламоқ” маъносидаги “бары” феълига олиб бориб тақайди.

Маҳмуд Кошғарий “бармоқ” сўзини “эрнак” шаклида қўллаган.

Тилимизда “бармоқ” сўзи иштирокида кўплаб ибора ва мақоллар борлиги бу сўзнинг жуда фаол эканлигини кўрсатади. Бу ўринда “Бармоқ орасидан қарайди”, “Бармоғини тишлаб қолди”, “Беш бармоғини оғзига тикади”, “Икки бармоғини бурнига тикиб қайтибди”, “Бармоғини бигиз қилди” каби иборалар ёки “Бешта бало недан келар, икки бармоқ, тилдан келар”, “Кимга бармоқдай, кимга тирноқдай” каби мақолларни эслаб ўтиш жоиз.

Яна бир нарсага эътибор қилиш керак, “бармоқ” сўзи иштирокидаги ибора ва мақолларнинг аксарияти баднафслик ва очкўзликка қарши қаратилган. Бу бекоргамас, чунки одам неники олса бармоқ иштирок этади, ҳар нарсага бармоқ билан узалади.

“Бармоқ” сўзининг “барнақ” шакли ҳам қадимда бўлган. Демак, тирнаш маъносидаги “тир” феълидан келиб чиққан “тирноқ” ва “барнақ” сўзларининг ясалиш қолипи бир хил. “Бармоқ” ва “тирноқ” сўзлари хамиша бир-бирига ҳар жиҳатдан яқин бўлган.

Болалигимда момоларимиз билан зиёратларга кўп борардим. Ўшанда улар бепарзанд аёлга фарзанд тилаб илтижо қилишса, “Шугинагаям бир тирноқ берингизлар” деб сўрашларини кўп эшитганман. Бу гап менга ёд бўлиб кетган. Қўшнимиз Рўзихол опанинг фарзанди йўқ эди. Кейин мен қайси зиёратга борсам, “Хўшбоқ тоға билан Рўзихол опамга тирноқ берингизлар” деб қайта-қайта сўрашни одат қилганман.

Фарзандни тирноққа ўхшатишда катта маъно бор. Бу рамз “эт билан тирноқ” иборасидан келиб чиққан. Тирноқ эт орасидан ўсиб чиқади, фарзанд ҳам одам вужудида пайдо бўлади. Бу ҳол бармоқдан ўсиб чиққан тирноққа ўхшатилади.

“Сарт” сўзига қайтиб

Беҳбудийнинг “Сарт сўзи маълум бўлмади” деган мақоласи бор. “Бу исм шимол халқи, яъни тотор ва қозоқ қардошларимиз тарафидан Туркистоннинг шаҳар халқига берилган исмдур”, – деб ёзади Беҳбудий. “Девону луғотит-турк”да кўрсатилишича, бу сўз “савдогар” маъносини англатади. XX асрнинг бошларида “сарт” сўзининг маъноси устида зиёлилар кўп баҳслашганлар. Беҳбудийнинг бу ҳақдаги мақолаларида бу сўзнинг қабила ё элат номини англатиш-англатмаслиги борасида анча мулоҳазалар билдирилган. У бу сўзнинг этимологик маъноси ҳақида ҳам турли олимларнинг турли мулоҳазаларини келтириб ўтган. Масалан, айрим мутахассисларнинг “сарт” сўзи “шарт” сўзидан келиб чиққан деган мулоҳазаларини келтиради, айримлар эса бу сўз “маданий” ёки “тожир” маъносида деб айтганларини ҳам таъкидлаб ўтган. Маҳмуд Кошғарий ҳам “сарт” сўзининг қабила ё элат маъносини англатиши ҳақида маълумот бермаган.

Қайин ва қайнона

“Қайнона”, “қайнота”, “қайинука”, “қайноға”, “қайинсингил”, “қайин опа”... Бу сўзларнинг илдизи битта – “қайин”.

Худди шу “қайин” сўзига “она”, “ота”, “ука”, “оға”, “сингил”, “опа” сўзларининг қўшилишидан юқоридаги бутун бошли бир оилага айланган сўзлар пайдо бўлган.

Бу сўзлар аслида хотиннинг туғишганлари ёки эрнинг туғишганлари маъносини англатади.

Машҳур тилшунос Василий Радлов “қайин” сўзини “хотин” сўзидан пайдо бўлган деган фикрни илгари суради, бу сўзнинг илдизини “хотин” сўзининг “қадын” шаклига олиб бориб тақайди. Яъни “хотин” маъносидаги “қадын” сўзи таркибидаги “д” дастлаб “з”га, кейин “й”га айланиб, “қайын” сўзи пайдо бўлган. Шу фикрга асослансак, “қайнона” сўзи “қадын она”, “хотин она”, “хотиннинг онаси” маъносини англатади. Лекин баъзи тилшунос олимлар бу фаразни рад этадилар ва бу сўзнинг этимологияси аниқланмаган дейдилар. Нима бўлгандаям, Василий Радлов илгари сурган фараз мулоҳаза қилишга ундайдиган фикр.

Гибралтар бўғозидagi бўғоз сизир

Тилимизда икки сув ҳавзасини туташтирувчи тор сув йўлига “бўғоз” дейилади. Масалан, Гибралтар бўғози, Беринг бўғози деймиз. Бу бўғозлар икки сув ҳавзасини туташтирувчи кичик сув йўлидир.

Қизиғи шундаки, қорнида боласи бор ҳайвонга нисбатан ҳам шу сўз қўлланади. “Бўғоз сизир”, “бўғоз қўй” деймиз. Қўполроқ туюлса-да, баъзи ҳудудларимизда ҳомиладор аёлга нисбатан ҳам бу сўзни қўллаш кузатилади. Мен ўзим буни эшитганман. Қолаверса, Абдулла Қодирий “Обид кетмон” асарида бўғоз сўзини хотинларга нисбатан ишлатган экан. “Ҳасанхон” достонида:

*Бир неча бўғоз хотинлар
Кулишиб ўзидан кетди,
– деган гаплар бор экан.*

Хўш, бу икки сўз ўртасида, аниқроғи, Гибралтар бўғози билан бўғоз сизир ўртасида қандай боғлиқлик бор?

Гап шундаки, “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “бўғоз” сўзининг туб илдизи “боғлаш” маъносидаги “боғ” сўзидир.

Дарҳақиқат, бўғоз орқали икки сув ҳавзаси боғланаяпти. Шунингдек, бир танада икки жоннинг боғланиши ҳам “бўғоз” сўзи билан ифодаланаяпти. Демак, икки нарсани боғловчи бирор воситага нисбатан шу сўз қўлланган бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, икки маънода ҳам бир-бирига боғлиқлик бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

“Сайл” ва “сайр”

Биз жуда кўп ишлатадиган “сайл” сўзи борасида мени ўйлангириб юрган бир мулоҳаза борки, шуни айтиб ўтиш учунгина бу сўз устида тўхталаяпман.

Аслида “сайл” эмас, “сайр” бўлиши керак. “Гул сайли” эмас, “гул сайри”, “сайлгоҳ” эмас, “сайргоҳ” тарзида қўлланиши тўғри. “Сайр” сўзи арабчада *“юриш, ҳаракат, кезиб, айланиб томоша қилиш”* маъносини англатади. “Сайр”нинг туб илдизи “юрди” деган мазмунни билдирган.

“Алишер Навоий асарлари луғати”да “сайл” сўзи *“сел, қаттиқ ёққан ёмғир, кучли оқим”*, ҳатто *“офат”*, *“кўп йиғлаш”* маъноларини англатиши айтиб ўтилган.

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да ҳам “сел” сўзининг асл шакли *“sayl (un)”* тарзида берилган.

Гап шундаки, “сайр” сўзи товуш ўзгариши натижасида “сайл”га айланган ва шу шаклда қабул қилинган.



• *“Лўнда” эзмалигини қачон ташлаган?*

Ҳаммамиз ҳам гапнинг лўндасини яхши кўрамыз. Эзма гапдан қочамиз. “Лўнда” сўзи асосан “қисқа, ихчам ва аниқ” деган маъноларни англатади. Буниям яхши биламыз. Қизиғи шундаки, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да изоҳланишича, “лўнда” сўзининг туб маъноси ҳозирги мазмунига мутлақо тескари бўлган. Яъни форсийдаги бу сўзнинг асл илдизи “жавраш, вайсаш, минғирлаш” каби маъноларни билдирган.

Мени ажаблантирган нарса сўзнинг асл маъносидан бутунлай тескари маънога ўтиб кетиш ҳодисаси бўлди. Баъзан Эшматни кўп йиллардан кейин кўриб, умуман таний олмай қолганимиздай, “лўнда”ни ҳам сўзларнинг ўзи танимай қолган. Эндиги “лўнда” бошқа “лўнда”. У ё ўзини ўзи ўзгартирган, ё одамлар уни ўзгартирган.

у



Бўзлаётган бўзтўрғай

*Осмондаги бўзтўрғай,
Бўзламасанг на бўлғай?
Муштаккина жонингга
Куйламасанг на бўлғай?*

Бу ғамгин халқ қўшиғида бўзтўрғайнинг бўзлаётганини эшитгандай бўласиз. Бўзтўрғай сайраганда бўзлаб сайрайди.

Бу қуш чумчуқсимонлар туркумининг тўрғайлар оиласига мансуб бўз рангли, асосан қумлоқ ва шўр жойларда яшовчи қуш. Бу сўзда “бўз” сўзи кулранг маъносини англатиши билан бирга “бўзлаш”, “сайраш” маъносини ҳам ифода этаётган бўлиши мумкин.

“Тўрғай” сўзи “Девону луғотит-турк”да “ториға” шаклида келган.

Изуқуллу бўлсин!

Мен “изуқуллу бўлсин” деган иборани болалик чоғларимдан бошлаб онамдан эшитганман. Онам бу сўзни кўп қўлларди. Шундай деб дуо қиларди. Лекин кейин бошқа жойларда “изуқуллу” сўзини эшитмадим. Мен «изуқуллу» сўзини “изи қуллуқ бўлсин” деб тушунганман. Чунки кексалар биров олган яхши бир нарсани муборак қилишаётганда шу сўзни ишлатишарди.

Қарангки, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон”ида болалигимнинг олис манзилларида қолиб кетган, мен йўқотиб қўйган шу сўзга яна дуч келдим. Кошғарий “изуқ” сўзини “муборак, қутлуқ” маъносида изоҳлаган. Ҳар бир қутлуқ нарсани “изуқ” деган. Шунингдек, “ўз ҳолига қўйилган ҳайвонга “изуқ” дейдилар. Унга юк ортилмайди, сути соғилмайди, юнги олинмайди. Эгаси уни назр қилгани туфайли шундай қилади” дейилган.

Демак, “изуқуллу” сўзи “изуқ” ва “қутлуқ” сўзларидан пайдо бўлган. Лекин араб тилидаги “из” сўзи ҳам иззат, азизлик, қадр-қиймат маъноларини англатади.

Тилимизда деярли ўлиб бўлган, мамлакатимизнинг олис ва чекка ҳудудларида умри поёнига етиб бораётган уч-тўртта кампир тилидагина сақланиб қолган бу сўзни келтириб ўтишимдан мақсад одам хотираси бўлгани каби сўзнинг ҳам хотираси бўлади. Бир пайтлар университетга ўқишга кирган чоғларимда, уйланганимда, илк китобим чиққанида момоларим мени “Изуқуллу бўлсин!” деб қутлаганлар.

Хужрадаги хужайра

“Хужайра” сўзининг туб илдизи жуда қизиқ экан. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да арабча “хужайра” сўзи ҳақидаги изоҳни ўқий туриб, тилло топгандай қувониб кетдим. Қарасам, “хужайра” сўзи “хужра” сўзидан экан. Билмаган эканман. “Хужайра” кичкина хона, хужрача, катакча деган маъноларни англатар экан. Одатимни қанда қилмай, “хужайра”нинг изидан тушдим. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “хужайра” сўзи “алоҳида хона” маъносини, “хужра” сўзи эса, “янги яшаш жойи” мазмунини англатишини билиб олдим.

Сиз биласизми, йўқми, айтиб ўтай, шоир одам сўз билан яқиндан танишганда яйраб кетади, айниқса, сўзнинг илдизини кўрганда яна яйрайди.

Шунча гапдан сўнг, изоҳли луғатда хужайра сўзи ҳақидаги умумий изоҳни ҳам келтириб ўтай: “Ўсимлик ва ҳайвон организмнинг такомиллашиши, тузилиш ва яшаш жараёнларининг асоси бўлган элементар тирик система хужайра деб аталади”.

Қишлоқ ва қушлоқ

Тилимизда “-лоқ” қўшимчаси билан ясалган сўзларнинг аксариятида поэзия бор. Мабодо сўзларни ҳам лириклар ва физикларга ажратиш керак бўлиб қолса, бу сўзлар лирик сўзлар тоифасига кирарди.

Қишлоқ... Қадимда одамлар қишлайдиган жой “қишлоқ” деб аталган.

Маҳмуд Кошғарий “қушлоқ” (қушлағ) деган сўзни ҳам келтирган. “Қушлоқ” – қушлар кўп бўладиган жой мазмунида келган. Қушлар овладиган жой ҳам шу сўзда ифодаланган.

Сувлоқ... Тилимизда дарё ва умуман сув ҳавзаларининг ҳайвонлар, моллар сув ичадиган жойи “сувлоқ” сўзи билан ифодаланади.

“Сувлоқ” сўзидан Шукур Холмирзаевнинг қандай усталик билан фойдаланганига эътибор қилинг:

Турналар гоҳо сувлоққа бориб чўмилганидан кейин ҳам илиқ қумлоқда туриб, патларини шу хилда қуритишар эди.

Хуллас, «ўтлоқ», «тошлоқ», «овлоқ» каби сўзларнинг ҳаммасини, таъбир жоиз бўлса, лирик сўзлар деб атаган бўлардим. Ёш шоирларимиз бу сўзларни яхши кўришлари, теран ҳис этишлари керак.

Тўқсон

Гап 90 рақами ҳақида эмас, қиш ҳақида бораяпти.

Менга тўқсон деган сўз сирли ва маҳобатли туюлади. Болалигимдан бу сўзни афсонавий сўз сифатида қабул қилганман. Тирамоҳнинг сўнгги кунларида “тўқсон кираяпти” деган гапларни эшитардим. Ўтмишда одамлар ёзда ё баҳорда кўп кун санашмаган. Чунки бу фаслларда куннинг ўтиши қийин бўлмаган. Лекин қишда ҳар кунни санаганлар. *“Ялдо кечасидай рутубатли қиш, Солди руҳимизга оғир бир сурур”*, – дейди Абдулла Орипов. Бу ҳам қишнинг узоқ давом этишига ишора. Қишнинг кундузи бир тутам бўлса, кечаси жуда узун бўлади. Боболар ёзда асрдан кейин кун ботгунга қадар вақтни “ҳали шомгача қишнинг бир куни бор” дейишарди.

Тилимизда қиш фаслининг 1 декабрдан 1 мартгача бўлган давридаги 90 куни “тўқсон” деб аталади. Бу қиш фаслининг иккинчи номидай қабул қилинган. Бу сўз халқ оғзаки ижодиётида, эртақларимиз ва дostonларимизда, халқ тилида шу маънода кенг қўлланган. Тилимизда тўқсон ҳақида *“Мевани тўқсонда суғорсанг, тўқсон ботмон ҳосил қилади”* деган мақол ҳам бор.

Қишнинг охирги ҳафтаси сўнгида Ажуз момо деган кун келади. “Ажуз” сўзи арабчада “қари хотин”, “кампир” мазмунини билдиради.

Ривоят қилишларича, Ажуз момо баҳорни келтирмаслик учун олишар экан. Ажуз момо куни кирган

вақт жуда совуқ ва кучли шамол, бўрон бўлади. Ажуз момо тўқсонга қараб айтар экан: “**Тўқсон, бир куним-ча йўқсан**”. Баъзи манбаларда Ажуз мавсуми олти кун давом этади дейилади. Бу билан боғлиқ мақол ҳам бор: “Айёми Ажуз олти кун, қаҳр айласа – қаттиқ кун”.

Болалигимизда биз билан бирга ўйнаб юрадиган ақли заифроқ Худойқул деган бола бўларди. У қарсиллаб турган тўқсонда қизамиққа йўлиқди. Биз томонларда кимга қизамиқ чиқса “гул чиқибди” дейишарди. Овулни қор босган бир тунда Худойқул гулдан вафот этди.

*Қор босган бир тунда онам айтганди:
“Худойқулга гул чиқибди... Иссиғи ўткан”.
Шундан сўнг биз уни сира кўрмадик,
Билдик, Худойқулни гул олиб кетган.*

*Тўқсон ўртасида... Овоқ овулда
Худойқул ҳаммадан олдин гуллади.*

Анғиз ва андиз

Баъзан бу икки сўзни алмаштириб юбориш ҳоллари кузатилади. Анғиз бошқа, андиз бошқа. Ҳатто баъзи хонандаларнинг “Анғиз ўсган ерларда” деб қўшиқ айтишганини эшитганман. Гап шундаки, анғиз ўсмайди, андиз ўсади. Андиз кўкатнинг бир тури. Унинг “қора андиз” деган тури ҳам бор.

Маҳмуд Кошғарий андизни “ангдуз” шаклида келтиради.

“Ангдуз – ердан қазиб олинандиган ўсимлик илдири. Отларнинг қорин оғриғига даво қилинади”, – деб изоҳлайди.

Қадимги даврларда “Андиз бўлса, от ўлмас” деган мақол бўлган. Азим Суюннинг “Андиз ўсган ерларда отлар бевақт ўлмағай” деб бошланандиган шеъри бор.

Экини ўриб-йиғиб олинган ер, майдон “анғиз” дейилади. Ўрилган экинларнинг далада тиккайиб қолган поясини ҳам анғиз дейишган.

Сувлуқ ва сўлиқ

Тилимизда “сувлуқ” сўзининг “сувлиқ” ва “сўлиқ” шакллари бор. Муҳаммад Юсуф *“Тишларимда ғичир-ғичир сўлиғимсан, Ватаним”* деб ёзган.


“Сувлиқ” сўзини изоҳлаш учун аввал “юган” сўзига изоҳ бериш керак. “Юган” – отни бошқариш учун унинг бошига солинадиган тизгин. “Сувлиқ” эса юганнинг от оғзига солинадиган металл қисмидир. Отни бошқаришда юган тортилса, сувлуқ тишларга тегиб ғичирлайди. От жағини йириб юборгудек ҳолатга келтиради. Сувлуқли от ўжарлик қилолмайди. Юган тортилдими, бас, от қулларча тинчиб қолади. Сувлуқ отнинг оғзида тургани учун доим сувли бўлади. Бу от учун оғир ҳолат. Шунинг учун “сувлиғини чайнаб” деган ибора оғир ибора. От югуриб кетаётганда ёки йўрғалаб бораётганда сувлиғини чайнаб боради. *От сувлиғини чайнаб, бекни обқочиб келяпти.* (“Гўрўғлининг туғилиши” достонидан)

Эл орасидаги *“Оғзига сувлуқ солиб олган”* деган ибора кимнидир бўйсундириб, жиловлаб олиш маъносида келади. Оғзига сувлуқ солиб олинган киши эркидан айрилади.

Даҳанаки жанг

Кеча телевизор кўриб ўтирсам, типратикон билан илон ўртасида кетаётган ҳаёт-мамот жангини кўрса-тишди. Улар ўртасида даҳшатли, қонли жанг кетарди. Илон захрини сочарди, типратикон эса уни аямай қизил қонига беларди. Тасвир ортидан бошловчи бу ҳолатни “даҳанаки жанг” деб атади. Бу асло даҳанаки жанг эмас. “Даҳанаки жанг” дегани нима эканини бошловчимиз биладими ўзи? “Даҳанаки жанг” “даҳан” билан, яъни оғиз билан, тил билан бўладиган оғзаки жанг, хуллас, жағлар жанги. “Даҳанаки” сўзи форсийда “оғизда бажариладиган” деган маънони билдиради. Унда биров қўл ё оёқ билан жанг қилмайди, балки бақир-чақир, дўқ-пўписа ва қаттиқ сўзлар билан жанг қилинади, холос.

Бундай бошловчиларимиз икки душман армиянинг бир-бирини тўпга тутаётганини ҳам “даҳанаки жанг” деб айтишдан тап тортишмайди.



Ўсимлик ва ўсмир

Бир қарашда бу икки сўзнинг бир-бирига алоқаси йўқдай туюлади. Ҳолбуки, “ўсимлик” ва “ўсмир” сўзларининг илдизи битта бўлиб, бу ўзак ўсиш маъносидаги “ўс” феълидир. Ўсимликда ҳам, ўсмирда ҳам навқиронлик тимсоли бор.

“Балу-балу”

Кошғарий “Девону луғотит-турк”ида “балу-балу” деган сўзга дуч келдим. Алломанинг изоҳига кўра, қадимги туркий тилда бу сўз *“оналар боласини бешикда ухлатиш учун қўллайдиган алла ўрнидаги сўз”* экан. Бу сўз русларнинг алласи “баю-баю” билан нақадар яқинлиги мени ажаблантирди. Ким билади дейсиз, балки бу сўзларнинг илдизи бир-бирига яқиндир. Дунёдаги тилларнинг барчасида “она”, “ота”, “бола” сўзларида меҳр тафти сезилиб туради. Дунё аллаларининг оҳанглари эса бир кўнгилнинг турфа хил товушларидай таралади.

Гунг

«Гунг» деган сўзни эшитишим билан тасаввуримда аввало болаликдаги тенгдош дўстим Авазнинг қиёфаси чақмоқ тезлигида ялт этиб ўтиб кетади. Биз бирга униб-ўсган Аваз гунг эди. Шунинг учун Аваз менга «гунг» сўзининг одам сифатидаги тирик тимсолига айланиб қолган. Йиллар ўтиб мен у ҳақда “Аваз сукунатнинг боласи эди” деб бошланадиган “Гунг ҳикояси” номли шеъримни ёзганман. Шу самимий ва меҳрибон Аваз сабаб бўлибми “гунг” сўзи менга унчалик қаттиқ сўз бўлиб туюлмасди.

Гунг... Бу сўз ҳозир эшитмайдиган ва гапиролмайдиган ногиронларга нисбатан ишлатилади. Бироқ қадимда “гунг” сўзи “жория” деган маънони англатганлиги ҳақида Маҳмуд Кошғарий айтиб ўтган. Чунки жориялар, яъни чўрилар тилсиз ва қулоқсиз бўлишлари керак эди. Улар эшитмасликка ва гапирмасликка, не буюрилса, итоаткорлик билан бажаришга маҳкум эдилар. Бундай қараш кейинги даврларга қадар маълум маънода сақланиб қолган. Масалан, баъзи оналар бўйга етган қизларини кўзи кўр, қулоғи қар, гунг деб мақташлари ҳам шундан қолган бўлса керак.

Маҳмуд Кошғарий туркий тилларда гунгларни, яъни қар ва тилсизларни “тунгу” деб аташгани ҳақида ҳам айтиб ўтган.

Жайдари жавдар

Биз “ўзимизники”, “маҳаллий”, “оддий”, “содда”, “дўлвор” маъноларида келадиган “жайдари” сўзини ишлатганимизда, бу сўзнинг асли бўлган “жавдар” сўзи ҳақида ўйламаймиз ҳам. Мундоқ синчиклаб қарасангиз, “жайдари” сўзининг ортида “жавдар” сўзи турганини кўрасиз.

Манбаларда **жавдар** сўзи **ёввойи қора бугдой** деб изоҳланган. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, бу сўз “жайдари” сўзи билан бир хил бўлиб, асли “маҳаллий” деган маънони англатади. Демак, “жайдари” сўзи асли “жавдар”, “жавдари” сўзларидан келиб чиққан.

Данак донаси

Қаттиқ пўчоқ ва мағиздан иборат уруғ маъноси-ни англатган “данак” сўзи ҳақида тўхталиб ўтишимдан мақсад, кўпчилигимиз бу сўзнинг шундоқ юзада кўзга ташланиб турган илдизини кўрмай ўтамиз.

Бу сўз тилимизда фаол қўлланади. Шунинг учун ўз маъносидан ташқари рамзий маъноларга ҳам эга. “Данагидан мағзи ширин” каби мақол ва ибораларимиз талайгина. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, тилимизга форсийдан кирган “данак” сўзининг туб илдизи бошоқли ўсимлик ҳосили мазмунини билдирадиган “дон” сўзига бориб тақалади. Бир қарашда “данак” сўзи “дона” сўзига яқиндай туюлади. Бу бежизмас, чунки “дона” сўзи ҳам “данак” сўзи билан битта илдизга эга бўлиб, “дон” сўзидан пайдо бўлган.




Супрадаги супрақулоқ

Тилимизда хамир ёйиш, нон яшаш учун ишлатиладиган дастурхонсифат рўзғор буюми “супра” деб аталади. Илгарилари супра ошланган мол терисидан тайёрланар эди. Мен кичикроқ гиламдай келадиган доира шаклидаги супраларни кўрганман. Супрани нондай, дастурхондай азиз тутишарди. Ҳозир ҳам янги тушган келинга аввало супрада хамир қордириш одати мавжуд. Тилимизда “Ҳар супранинг ўз нони бор”, “Номи улуғ, супраси куруқ” каби мақоллар бор.

Асли араб тилидан келган “суфра” сўзининг туб илдизи “очди” деган маънони англатади. Шунингдек, бу сўзнинг “сафар озукаси”, “тушлик дастурхон” деган маънолари борлиги ҳам манбаларда таъкидланган.

Халқ тилида “супрақулоқ” деган сўз ҳам кўп ишлатилади. “Супрақулоқ” сўзи асосан болаларни эркалаш маъносида қўлланади. Бу сўз ёшига ва гавдасига нисбатан қулоқлари катта болаларга қарата эркалаш оҳангида айтилади. Бундай болаларнинг қулоқлари супрага ўхшатилади. Хуллас, “супрақулоқ” сўзининг пайдо бўлишига “супра” сўзи асос бўлган. “Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари” китобида “супра” сўзи иштирокида ҳосил бўлган бир неча қўшма сўзлар келтирилган. Масалан, “супрақоқди” сўзи. “Супрақоқди” сўзи халқ тилида “кенжа фарзанд” маъносини англатган.



Булдуруқ

Тилимизда “булдуруқ” сўзи бир неча маънони англатиб келиши мени ажаблантирди. Чунки бу маъноларни бир-бирига яқин ҳам, узоқ ҳам деб бўлмайди. “Жавдар” билан “жайдари”нинг яқин-узоқлигини тушунса бўлади. Лекин, ўзингиз ўйланг, майда қаттиқ қировга чўл қуши – қорабовурнинг нима алоқаси бор? Ёки балиқ тухумининг-чи?

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “булдуруқ” сўзига шундай изоҳ берилади:

«**БУЛДУРУҚ 1.** Аёзли, совуқ кунлари ёки туман пайтларида нам ҳаво зарраларининг музлаши натижасида ҳосил бўладиган майда қаттиқ қор; қиров».

Қарангки, чўл қуши қорабовур ҳам “булдуруқ” деб аталади. Бундан ташқари, бу сўз оқарган соч, балиқ тухуми маъноларини ҳам ифодалаб келади.

Бу ўринда соч оқини қировга ўхшатиш мумкин. Бу асосли.

Балиқ тухуми майда гранула шаклида бўлгани учун майда қаттиқ қорга ўхшатилдимикин?

Болалигимда қорабовурни кўрганман. Унинг қора тўши устида қаттиқ қор доначаларидай ялтироқ холлар бўларди. Шу белгиси билан қорабовур “булдуруқ” деб аталдимикин? Ёки бунга қорабовурнинг сайрашига ишора бормикин?

Нима бўлганда ҳам “булдуруқ” ғаройиб сўз. Бирдан диққатни жалб қиладиган сўз.

Лаган ва лағун

“Лаган” сўзи ҳам ҳаммамизга қадрдон. Айниқса, тўйларимизда лаган-лаган ош тортамиз. Лаган-лаган ошни паққос туширамиз ҳам. Жилла қурса, ошдан кейин қоринни силаб, “Ўзи бу “лаган” деган сўз қандай сўз экан? Маъноси нима экан?” деб ўйлаб қўйсак ёмон бўлмасди.

Асосан қуюқ овқат солинадиган катта ясси идиш маъносини англатган “лаган” сўзининг туб илдизи “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “лағун” деган сўздан келиб чиққан. Қадимда “лағун” сўзи “ёғочни ўйиб ясалган идиш” деган маънони билдирган.

Сандал атрофидагилар

Ўрта Осиё, Яқин Шарқ мамлакатлари ва Японияда маълум бир жойни иситиш учун мўлжалланган манқал “сандал” деб аталганлиги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да айтиб ўтилган. Сандал ўтов ёки хонанинг ўртасига ўрнатилган, у хонтахта шаклида бўлиб, устига кўрпа ёпилиб, атрофига кўрпачалар тўшалган. Сандал остидаги ўчоққа қаттиқ ўтиннинг чўғи солинган. Совуқда одамлар сандалга қўл ва оёқларини тиқиб исинишган.

“Сандал” сўзи менга жуда қадрдон. Бу сўз билан боғлиқ хотираларим мўл. Болалигимда қишнинг узун кечаларида момоларим айтган эртақ ва афсоналарни, узундан-узоқ гурунглари мен сандал атрофида тинглаганман. Сандал устига ёпилган катта кўрпага оёғимизни тиқиб, ярим кечагача гурунглашардик.

“Сандал” сўзи арабча бўлиб, “курси”, “стол” маъноларини англатган. Манбалар бу сўзнинг ҳиндий ва форсийга ҳам тааллуқлилигини айтиб ўтадилар.

Бундан ташқари, юнончада ҳам “sandalon” сўзи бўлган. Бу сўз “доимий яшил, кўп йиллик хуш исли дарахт” маъносини билдирган. Балки бу арабий сандал билан биттадир. Чунки сандал ёғочидан курси, миз, ҳасса, бошқа шу каби нарсалар ясашган. “Изоҳли луғат”да: “САНДАЛ. II (юн) “sandalon” <а. + ф< санскрит” деб изоҳ берилган.

Шунингдек, ковушнинг бир турига ҳам “сандал” дейилган.

“Сандал” сўзи тилимизда ранг маъносини ҳам англаган. Маълумки, сандал дарахти ёғочининг ранги жигаррангга мойил бўлган, шунинг учун жигарранг “сандалий” сўзи билан ифодаланган.

Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонида шундай байт бор:

Бирининг тўни сандали ойин,

Сандали уй аро топиб тамкин.

(Яъни яна бирининг тўни жигаррангга мойил бўлиб, у шу рангдаги кошонада турарди).

Гупсардай одам

Болалигимдан “гупсардай бўлиб қолибди” деган иборани эшитганман. Бу ибора ёшига нисбатан тез семириб кетган одамларга нисбатан ишлатиларди. Ҳар қандай ибора халқнинг кузатувлари асосида пайдо бўлади. Кейин билсам, “гупсар” сўзи “кечудан ўтишда хизмат қиладиган, махсус усулда кўй ва мол терисидан тайёрланиб, ичига ҳаво тўлдирилган мешга ўхшаш мослама”ни англатар экан. “Изоҳли луғат”да “гупсар” эскирган сўз сифатида кўрсатилган. “Гупсар” сўзининг этимологияси ҳақида аниқ маълумотларга дуч келмадим. Тилимизда “гуппи” деган сўз бор. “Гуппи” қалин пахтали калта чопон маъносини билдиради. Гуппини кийган одам ҳам гупсардай бўлиб қолади.

Шунингдек, “гупсар” қадимий ўзбек ҳарбий аталаридан бири. “Тарих атамалари луғати”да изоҳланишича, кўй ёки қорамол терисини ёрмасдан, саноч қилиб шилиб, жунини тозалаб, ичини ҳаво билан тўлдириб, устига миниб, сувдан, дарёдан кечиб ўтадиган мешга ўхшаш мосламага “гупсар” дейилган. Дарёдан жуда кўп киши ёки отлар, кўплаб чорва молларини ўтказиш чоғида бир қанча гупсарларни бир-бирига боғлаб, устига қамиш ташлаб сўнгра сузиб ўтилган.

Термизда тарих муаллимларидан бири менга Бибихоним набираси Мирзо Улуғбекни Амударёдаги Пайғамбар оролига олиб борганида улар гупсарлар устида оролга ўтишгани ҳақида гапириб берган эди.

Жаноби жануб


Тилимизга араб тилидан кирган “жаноб” ва “жануб” сўзлари битта сўздан пайдо бўлган экан. Бу жуда ажойиб! “Жаноб” сўзи мартабали одамга нисбатан ишлатилади, “жануб” эса “шимолнинг акс томони”, “Ер шарининг пастга йўналган тарафи” маъноларини билдиради. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “жаноб” ва “жануб” сўзларига араб тилидаги “четга суриб қўйди” мазмунини англатган “жанаба” феъли асос бўлган.

Кўраяписизми, сўзнинг туб маъносини кўриш одамни ўйлашга, тафаккур қилишга ундайди. Хўш, нега шимолнинг қарама-қарши томонини “жануб” деб аташган? Нега мартабали одамни “жаноб” дейишган? Нечун бу икки сўзга “четга суриб қўйиш” деган маъно асос бўлаяпти? У ҳолда “жануб”нинг акси “шимол” қандай маънога эга? “Шимол” ва “шамол” сўзлари бир-бирига алоқадорми? Бундай саволлар изма-из келаверади. Саволлар эса жавобдан ҳам олдин фикрни чақиради.

Гап келганда, “шимол” ва “шамол” сўзларига ҳам тўхталиб ўтсам. Қарангки, худди “жануб” ва “жаноб” сўзларига ўхшаб, “шимол” ва “шамол” ҳам битта илдиздан ўсиб чиққан сўзлар экан.

“Шимол” ва “шамол” сўзлари араб тилида “ўради”, “ўралди” маъносини билдирган “шамала” феълидан пайдо бўлган.

«Шимол» ва «шамол» сўзларининг туб илдизи бир хиллигини билмасимдан олдин ҳам менга нега-деяр шимол шамоллар ватани бўлиб туюлган.



Жавлон урмоқ

Кейинги йилларда “жавлон уриб пахта термоқда”, “жавлон уриб меҳнат қилмоқда” деган гапларни мухбирларимиз тилидан, айниқса, телемухбирлар тилидан кўп эшитдик. Билмадим, меҳнат қилаётган одамга нисбатан “жавлон қиляпти” деган ибора қачон ва қай тарзда пайдо бўлиб қолди, тушуниксиз. Гап шундаки, пахта тераётган одам жавлон уриши мумкин эмас, меҳнат қилаётган одам ҳам жавлон қиллолмайди. Бунинг иложи йўқ. Чунки “жавлон қилмоқ” бирикмаси аслида “сайр қилмоқ” деган мазмунни ифодалайди. “Жавлон” сўзининг туб маъноси “юриш, сайр қилиш, адашиш” деган мазмунни ифодалайди. Энди ўйлаб кўринг, пахта тераётган одам пахта терадими ё сайр қиладими? Устозларимиз ҳамиша сўзнинг моҳиятини билиб ишлатганлар. Масалан, Ойбек домла:

“Мана бу от-арава сизники, сизга бердим, қани, ўтириб бир жавлон қилиб келинг”, – деб ёзганлар.

Бозордаги бози

Болалигимизда катталар ҳам, болалар ҳам айтиб юрадиган бир қўшиқ бўларди.

*Бозорга бордим, бозини кўрдим,
Қулоғи узун тозини кўрдим.
Уйга келдим, маяк жедим,
Хотинимдан таёқ жедим.*

Хўш, “Бозорга бордим, бозини кўрдим” қаторидаги “бози” сўзининг маъноси нима? Бозорга борган одамнинг кўрган бу нарсасининг нимаси қизиқки, уни қўшиқ қилиб айтиб юрибди. Усмон Азим ва Абдумажид Азим билан Оҳангаронга бораётганимизда, йўлда улардан шу қўшиқдаги “бози” сўзининг маъноси ҳақида сўрадим. Икковлари ҳам бараварига “бози” бу “ўйинчи” дегани дейишди. Демак, бозорга борган ўша одам ўйинчини кўрган.

Қозоннинг юқи ва юқори

“Юқори” сўзининг маъносини ҳаммамиз биламиз. Изоҳга ҳожат йўқ. Лекин гапнинг қизиғи бошқа ёқда. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк”ида “йук йер” (јук јэр) сўзи “юқори ер”, “баландлик ер” деб изоҳланган. “Юқ” сўзи қозон ё идиш тагида қолган овқат қолдиғини англатади ва ҳозиргача “қозоннинг юқи”, “идишнинг юқи” бирикмалари қўлланади. “Қозоннинг юқи” деганда қозон тагининг сатҳидан юқорироқ турган жуда кам миқдордаги овқат қолдиғи тушунилади. Юқори сўзи текис ер сатҳидан баланд турган жойни англатади. Демак, қозон юқи билан “юқори” сўзи бир-бирига алоқадор.

Мен мактабга боргунча шимол, жануб, ғарб ва шарқ сўзларини эшитмаганман. Бу сўзлар менга бегона эди, чунки қишлоғимизда дунёнинг тўрт томонини билдирадиган бошқа сўзлар бор эди. Одамларимиз Шарқни – Кунчиқар, Ғарбни – Кунботар, Шимолни – Юқори, Жанубни – Одоқ деб аташар эди. Боболаримнинг “Юқорининг шамоли” деган ибораси ҳалиям эсимда. Юқорининг шамоли куруқ бўларди. Улар “Юқорининг шамоли Одоқдан уч кунда қайтади. Булутларни ҳайдаб, ёғингарчилик олиб келади” дейишарди. Биздан ўтган шамол уч кунда Одоқдан семиз булутларни олиб қайтар эди. Қаёқларга бориб келар эди бу шамол?

“Қадимги туркий тил” китобидаги изоҳга кўра, юқори маъносидаги “йок” сўзига қадимги тилимизда жўналиш келишиги қўшимчаларидан бўлган “-қару” қўшимчаси қўшилган ва “юқори” сўзи йўналишни ифодалаб, “баланд томонга”, “юқори томонга” маъносини билдирган.

Маҳмуд Кошғарийнинг эски зонтиги

“Зонтик” голландча сўз бўлиб, “қуёшдан ҳимояланиш воситаси” деган маънони англатади. Хўш, “зонтик” сўзининг соф туркийчаси борми? “Соябон” дейсизми? Йўқ, “соябон” форсча сўз.

Токи дунёда қуёш иссиғи ва ёғингарчилик бор экан, демак, ҳамма жойда улардан ҳимояланиш воситаси бўлган. Ҳамма жойда шундай восита ишлатилган экан, унда ҳамма тилларда бу нарсани ифодалайдиган сўз ҳам бўлган. Фақат бу сўзлар унутилган бўлиши мумкин.

Маҳмуд Кошғарий “Девони луғотит-турк”да “јаңалдуруқ” сўзини ёмғирдан, қуёш иссиғидан бошни сақлаш учун восита эканлигини изоҳлаб кетган. Ёангалдуруқ наमतдан тикилган экан. Бу нарса ёмғирпўш ё оддий ёпинчиқ эмас. Чунки ёпинчиқ қадимги туркий тилда “јуғурқан” сўзи билан ифодаланган. Кошғарий “Ол аңар йуғурқан эшўди” – “У унга ёпинчиқ ёпди” деган мисолни келтириб ўтган.

Қозоқларда зонтикни “қўлчодир” дейишар экан.

“Ўғиди” сўзи ҳақида

Ҳозир ҳам Сурхондарёда қусиш, қайд қилишни “ўғиди” сўзи билан айтадилар. Мен бу сўзни шу худуддаги шевага хос сўз деб билардим. Лекин Маҳмуд Кошғарий “ўғиди” сўзини “уқиди” (“уқіді”, “эр уқіді” – одам қусди) шаклида келтириб ўтган. Менимча, “уқиди” сўзи товушга тақлидан пайдо бўлган. Чунки қаттиқ қайд қилаётган одам “уқ-уқ” деб овоз чиқаради. Болалик пайтларимда мазаси қочиб қусаётган одам ҳақида “Ҳоли йўқ, тинмай ўғиб ётибди” деган гапларни кўп эшитганман. Адабий тилимиздаги “ўқчиди” сўзи ҳам Кошғарий келтирган “уқиди” сўзидан келиб чиққан.

Қовуз ва памперс

Мен ҳақиқий қовузни болалигимдан кўриб ўсганман. Қовуз – бешик тўшаги. Бу тўшакнинг ичига тозаланган тариқ солинади. Тариқ ошга солинаётган гуручдай яхшилаб тозаланиши керак. Қовузга тариқ пўстини солади деган гапни ҳам ўқидим. Лекин мен тариқ пўсти солишганини кўрмаганман. Тариқ топилмаса, супурги уруғини солишларини биламан. Супурги уруғи солинган қовуз яхши бўлмайди. Чунки тариқ юмшоқ келади, супурги уруғи қаттиқроқ бўлади. Боланинг баданига ёқмайди. Қовузга пахта ё унга ўхшаш нарсаларни солишмайди, чунки бола сийдигидан пахта тезда дўққи бўлиб қолади. Бу тўшакнинг ўртасида тувакка мўлжалланган кафтдек ўйиқ бор. Бешик тўшагига тариқ солишларига сабаб тариқ бола сийдигини тез шимиб олади, намни яхши тортади, кўп ҳид чиқармайди, офтобда тез қурийдди. Бу гўё замонавий памперсга ўхшайди. Лекин бир марталик эмас, доимий памперсга ўхшайди. Тариқ пўстини “қовуз” дейиш ҳам бор. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “қовуз” сўзининг туб илдизи “ўраб турувчи нарса”, “идиш” деган маъноларни билдирган. Бу сўзнинг тилимизда “қовузлоқ”, “қовузғоқ” шакллари ҳам бор.

Шунингдек, тилимизда “қовуз”га уйқаш “қовзоқ” деган сўз ҳам бор. Дуккакли ўсимликларнинг дони турадиган пўсти “қовзоқ” деб аталади.

Лаваш ва ош

Гўштни кабоб қилиб, юпқага солиб тайёрланган егулик “лаваш” деб аталади. Манбалар “лаваш” сўзини туркий сўз деб кўрсатадилар. “Туркий тиллар этимологик луғати”да “Л” ҳарфи “лаваш” сўзи билан бошланади. Луғатда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида дастурхон тузаш “ливаш терги” деб ифодалангани таъкидлаб ўтилади. Яна шуни таъкидлаш керакки, “лаваш” сўзи “лав” ҳамда “ош” сўзларидан таркиб топган. “Ош” ҳаммамизга маълум. “Лав” ёки “лив” сўзлари ҳақида эса, турли хил фаразлар айтиб ўтилган. Жумладан, хитой тилидаги “ли” дон маъносини, араб тилидаги “лив” овқат маъносини, шунингдек, қурбонлик таоми ва бошоқли экинлардан тайёрланган егулик маъносини билдириши мумкинлиги тахмин қилинган.

“Лаваш” сўзининг қадимги тилимизда “қозон” маъносида келганлигини ҳам манбалар таъкидлаб ўтадилар.

Тантиқ ва танти

Ортиқ даражада эркалатиб, талтайтириб юборилган, бўлмағур қилиқлар қилиб ҳамманинг жонига тегадиган одамга нисбатан тилимизда “тантиқ” сўзи қўлланади. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”-га кўра, “тантиқ” сўзининг туб илдизи “танты” сўзи қадимги тилимизда “беҳуда гапларни гапирадиган” деган маънони англатган экан. Бироқ тилимиздаги “танти” сўзи жуда ижобий маънода қўлланади. Бу сўз тилимизда “сахий”, “ҳалол”, “мард”, “кўнгли ва қўли очик”, “ажойиб инсон” маъноларини англатади. Миртемир домла айтганларидай: “Йигитлик кўрки эса, мардлик, тантилиқ”. Барибир, бу икки сўзнинг бунчалар яқинлиги ўйлантириб қўяди. Уларнинг иккиси ҳам туркий сўз. Қолаверса, туркий тилда “-қ” қўшимчаси қўшилиб сўз ясалиши бор. Масалан: “тортиқ”, “сўроқ”, “қайроқ” кабилар. Лекин бундай ҳолда маъно яқинлиги сақланиб қолган. “Танти” ва “тантиқ”да эса, биттагина “-қ” қўшилиши билан икки сўз бир-бирига қарама-қарши бўлиб қолаяпти. Эҳтимол, “танти” сўзининг илдизи бошқа бўлиши мумкин. Маҳмуд Кошғарий “таң” сўзининг “ажойиб”, “ғалати”, “қизик” деган маънолари борлиги ҳақида айтиб ўтган. Барибир бу ҳақда аниқ бир гап айтиш қийин.

Овчи қуш ва долбой

Қадимдан овчи қушлар билан боғлиқ турли ата-малар ва сўзлар тилимизда фаол қўлланган. Бундай сўзларнинг ҳар бирининг ўз тарихи бўлган. Шундай сўзлардан бири “долбой” сўзидир. Ҳозирги пайтда “долбой” сўзи кўпроқ бадий адабиётларимизда учрайди. Бу сўз халқимизнинг қадимий қўшиқларида, дostonларида сақланиб қолган. Масалан, “Гўрўғлининг туғилиши” достонида “долбой” сўзи овчи қушни қўлга келтириш учун унга кўрсатиладиган гўшт маъносини англатиши ҳақида айтилган.

“Гўрўғлининг туғилиши” достонида “Долбой келса талпинади қарчиғай” деган сатр бир неча бор ишлатилган:

*Долбой келса толпинади қарчиғай,
Мусофирлар тортар экан оху вой.
– Вой тўрам! – деб бўзлаб турди жойидан, –
Тағдиргинам қурсин, – деди Ҳилолоӣ.*

Экин ва кашта

Бир қарашда «экин» ва «кашта» сўзларининг орасида қандай боғлиқлик бор, деб ўйлашингиз мумкин. Тилимизда игна билан матога тикиб туширилган гул, расм, чизиқ ва шу кабилар “кашта” деб аталади. “Экин” сўзи эса, далага экиладиган ўсимликлар маъносида келади. Гап шундаки, форсийдаги “кашта” сўзининг туб илдизи ҳозирги мазмунидан фарқ қилиб, у “экилган”, “уруғ қадалган”, “ишлов берилган” деган маъноларни англатар экан. Мантиқан, каштада ҳам тикилган гулларнинг барқ уриб очилган тасвирини кўрамиз.

Ўсмирлик йилларим дала бошида дам олишиб, меҳр билан кашта тикаётган қизларни кўрганман. Бу қизлар кашталарга гулларни тикмас, экар эдилар, илк игнани уришидан то тўлиқ очилгунича тинмай ишлов бериб, парвариш қилар эдилар. Каштада ўсиб-унаётган гуллар қизларнинг кўнглидаги гуллар эканлигини сезгандай бўлардим. Боғбонларга хос бу меҳр уларнинг қўшиқларига кўчар эди:

*Эрта билан тураман наҳори нашта,
Ўнг қўлимда игнаю, тиззамда кашта.*

Басир ва басират

Тилимиз тарихида араб тилидан кирган “басир” сўзи “кўрувчи”, “кўра олувчи”, “кузатувчи”, “сезгир”, “ўта сезгир” маъноларида ишлатилган. Бироқ негандир кейинги даврларда “басир” сўзи кўзи кўр маъносида ҳам қўлланадиган бўлган. “Басират” сўзи ҳам “кўрувчанлик”, “зийраклик”, “сезгирлик”, “ўткир зеҳнлилик” мазмунини ифодалаб келган. Навоий даврида олимлар донишмандлар аҳлини “басират аҳли” дейишган. Шоир “Ҳайрат ул-аброр” достонида шундай ёзган:

*Сирри ҳақиқатдин ўлуб баҳравар,
Айла басират кўзи бирла назар.*

Орадан беш аср ўтиб, “басир” сўзи бошқача маънога келади.

Бу сўз кўзи кўр мазмунини ҳам ифодалайди.

“Навоий асарлари луғати”нинг 1973 йилдаги нашрида ҳам, мукаммаллаштирилган 1983 йилдаги нашрида ҳам “басир” сўзига бирор нуқтада “кўзи кўр” маъносида изоҳ берилмаган. 1983 йилдаги нашрда луғатга “басар” сўзи қўшилади, бу сўз “кўз”, “кўриш”, “кўра олиш қуввати”, “кўз қуввати” маъноларида изоҳланади. Навоийнинг: “Ким басар ҳисси қоронғу кечада қилди ғалат” деган мисрасида ҳам “басар ҳисси” кўриш сезгиси мазмунида келади.



Қумғоғ ва саксовул

Саксовул қумли жойларда, чўлларда ўсади. Бу да-рахтнинг илдизи янтоқ томиридан ҳам узоққа кета-ди, қақраган чўлда ҳам сувга етади. “Саксовул”... Бу чиройли сўзнинг этимологияси ҳақида аниқ маълумотлар учратмадим. “Саксовул” сўзи таркибидаги “саксон”даги “сакс” ва “овул” сўзлари ҳақида ўйладим, “саксовул”ни “ясавул”, “жиғовул”, “шиғовул” сўзла-ри билан солиштириб кўрдим, лекин бирор жўяли-роқ тахминга келолмадим. Аммо “саксовул” сўзининг маънодошини учратиб қолдим.

Манзар Абулхайровнинг “Навойй асарларида сўз ва иборалар” китобида тарихимизда саксовулни “қумғоғ” деб ифодалаш ҳам бўлган деб кўрсатилган. Бундай номланишга саксовулнинг чўлда, қумда ўси-ши сабаб бўлган бўлиши керак. Хусусан, бундай ифо-да Алишер Навойй асарларида учрайди.

*Гарчи қуёшдин парвариш олам юзига омдур,
Саҳрода қумғоғу тикан, бўстонда сарву гул бутар*

(Алишер Навоййнинг
“Бадоеъ ул-васат” девонидан)

Улапа ва улуфа

Болалигимизда бирор бола айб иш қилиб қўйса, унга катталар: “Бу боланинг улапасини бериб қўйиш керак” деган гапни ишлатишарди. Умуман, “улапа” сўзи жазо маъносида қўлланарди. Биров кимдандир хафа бўлса, “Шошмай турсин, ҳали улапасини қўлига бераман” деяр эди. Хуллас, “улапасини бериш” халқ ибораси даражасига кўтарилган гап эди. Лекин “улапа” сўзининг аниқ маъносини яқин-яқингача билмасдим. Ҳатто, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳам бу сўз ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Болалигимдан менга таниш бўлган бу сўзнинг асл маъносини бошқа жойдан топдим.

“Тарихий ҳарбий терминлар луғати”да изоҳла нишича, ўрта асрларда ҳарбийларга бериладиган иш ҳаққи, маош “важҳ” сўзи билан ифодаланган. “Улуфа” сўзи амалдорлар ва лашкарбошиларга бериладиган ойлик маош мазмунини билдирган. Бобур “Бобурнома”да бу сўзни ишлатган экан:

“Беҳрада бўлгон турк ва ерлик сипоҳиларнинг дағи важҳ ва улуфаларини орттуруб, Ҳиндубекка кўмак қўйдук”.

“Навоий асарлари луғати”да “улуфа” сўзи маош маъносидан ҳам олдин “ҳайвон емиши, озиғи” мазмунини билдириши айтиб ўтилган.

Халқ орасидаги “Улапасини бериб қўяман” ибораси эса киноя маъносида қўлланар экан.

Кезанак

“Кезанак” деган сўз кўпроқ чорвадорларимиз тилида ишлатилади. Бу сўз тилимизда жуда кам қўлланса-да, унга эҳтиёж бор. От, қўй, қорамолларнинг тўпикдан юқори, почасининг ингичка қисмини халқимиз “кезанак” деган. Ҳозиргача к е з а н а к сўзи чорвадорлар, қассоблар, ошпазлар тилида бор. Лекин бу бечора сўз ҳатто “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га ҳам кирмай қолган. Бугунги кунда т у ё қ, т ў п и қ, п о й ч а, к е з а н а к каби мол оёғининг қисмлари биргина “мол оёғи” деган сўз билан ифодаланади. Бундай сўзлар тилимиз боғида турса, ҳеч кимдан нон-ош тиламайди, аксинча, бу боғни бойитади.

Чўпонлар сўйилиб, калла-почаси пиширилган қўйнинг кезанагига қараб ҳам бу қўйнинг қандай қўй эканлигини айтиб бера олганлар.

Овул

Ўтмишда кўчманчи чорвадорлар ўрнашган жойлар ёхуд одамлар муқим яшайдиган кичик қишлоқлар “овул” деб аталган. Хуллас, ўн-ўн беш уй бирикса, овул бўлган. Манбаларда таъкидланишича, “овул” сўзининг туб илдизи “ҳар тарафдан йиғилиб келиш” маъносини англатган. Шунингдек, қадимий тилимизда “айил” деган сўз бўлиб, бу сўз ҳам “яшаш жойи”, “оила”, “иҳота қилинган” каби маъноларни англатган.

Галагов

Ўтмишда буғдой янчиш пайтида бир тўда хўкиз ёки отларни бир-бирига маташтириб, хирмондаги буғдой устидан қайта-қайта айлантриб ҳайдаганлар. Шу йўл билан донни похолдан ажратиб олганлар. Ана шу жараён “галагов” сўзи билан ифодаланган. Тилимизга форсийдан кирган “галагов” сўзи асли “сигир галаси” деган маънони англатган.

Мен галаговни кўрганман. Кичикроқ маросимга айланиб кетадиган бу ишда қайта-қайта қатнашганман. Қишлоғимиз чеккасида Хирмонжой деган бир жой бўларди. Буғдойпишиғида Хирмонжойда галагов бўларди. Оталаримиз отларни маташтириб, буғдойни янча бошлашлари билан қишлоқ болалари ўша ерда тўпланардик. Ҳар куни кечгача текин томоша. Фақат болалармас, катталар ҳам имкон топди дегунча хирмонжойда ҳозир бўлишарди. Кимдир галаговнинг қўшиқларини айтар, кимдир отларга қамчи босар, кимдир похолдан ажралган буғдойни қопларди. Кун бўйи ғаройиб гурунглар бўларди.

Энди галагов йўқ. Лекин “галагов” деган сўз бор. Ҳатто бу сўз халқ тилида иборага айланган. Кимдир саранжомгина жойни тўзителиб кетса ё бировнинг экинини пайҳон қилса, ё бузғунчилик қилса, “галагов қилиб кетди” деган иборани қўллайдилар.

Майна қушми ё мия?

Биз кўпинча “майна” сўзини қуш маъносида тушунамиз. Чунки шу ном билан аталадиган қуш бор. Халқимиз бу қушни ёқтирмайди, у жуда жанжалкаш, безбет қуш. Қувиб ҳайдасангиз ҳам сизни майна қилгандек безрайиб тураверади ёки бетгачопарлик қилиб қичқиради, сайрамайди, қичқиради. Балки халқ орасидаги масхара қилиш маъносидаги “майна қилди” ибораси шундан келиб чиққандир. “Бу сизга майнавозчиликми?” деган гап ҳам бор.

“Майна” сўзи тилимизда мия маъносида ҳам ишлатилган. Бу ўриндаги “майна” “мия” сўзининг ўзгарган шакли бўлиши керак. “Майнаси ишламайди”, “майнасини еб қўйибди” деган иборалар ҳам бўлган. Масалан, “Алпомиш” достонида “майна” сўзи “мия” мазмунида бундай қўлланган:


*Фойдаси йўқ, ғириллашиб юради,
Бекорга ўзини аҳмоқ қилади.
Бари гап майнага йиғилиб келади,
Асил тулпор бунда пайдо бўлади.*

Нўхта ва нуқта

Тилимизда от-уловни боғлаш, етаклаш, ҳайдаш учун бошига солинадиган абзал “нўхта” сўзи билан ифодаланади. “Халқ орасидаги ўз эркини бировга бериб қўйган одамга нисбатан “Бошига нўхта солиб олибди” деган кинояомуз ибора ҳам шу маънодан келиб чиққан.

“Туркий тиллар этимологик луғати”да “нўхта” сўзи “ноғта” шаклида келтирилиб, бу сўзнинг туб илдизи мўғул тилига бориб тақалиши ҳақида айтилган. Мўғулчада “нойто”, “ногт”, “ногто” сўзлари от бошига солинадиган абзал маъносини англатган.

Тиниш белгисини билдирган арабча “нуқта” сўзи гарчи мутлақо бошқа тилга, тамоман бошқа илдизга оид бўлса-да, баъзи ўринларда қофиядоши “нўхта”га яқин келиб қолиши қизиқ. Халқимиздаги “Гапининг нўхтаси (нуқтаси) йўқ”, “Бу гапга нуқта қўйинг” каби ибораларда арабча нуқта сўзи гапни бошқариш, йўлга солиш мазмунида келади. Бу нўхтанинг отни бошқаришига ўхшайди. Гап шундаки, тил табиати баъзан бир-биридан моҳиятан жуда йироқ бўлган сўзларни ҳам табиатан аста-секин яқинлаштириши мумкин.



Ўрдакнинг хўрози

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”даги изоҳга кўра, “ўрдак” сўзининг туб илдизи “шўнғи” деган маънони англатган “Ўр” феълидир. Қадимги тилимизда “ўрдак” сўзи “кўп марта шўнғувчи” деган маънони билдирган. “Туркий тиллар этимологик луғати”да ҳам “ўрдак” сўзининг “шўнғиш”, “сув қуши”, “сузиш” маъноларидан келиб чиққанлиги таъкидланган.

Биз жонли тилимизда ва ёзма ишларимизда ўрдакнинг хўрозини ҳам, макиёнини ҳам битта сўз билан – “ўрдак” сўзи билан ифодалаймиз. Ҳолбуки, товуқларни хўроз ва товуқ деб, қўйларни совлиқ ва қўчқор деб, қорамолларни сугир ва хўкиз деб жинсларга ажратамиз. Агар бошқа паррандалар ва ҳайвонлар жинсларга ажратилиб номланган экан, у ҳолда ўрдаклар ҳам қатордан қолмаган бўлишлари керак.

Тарихимизда ўрдакнинг хўрози “сўна”, макиёни “бўрчин” деб аталгани ҳақида аниқ маълумотлар бор. Бу ҳақда Навоий бобомиз “Муҳокаматул-луғатайн” асарида ёзиб кетганлар: “Тағи турк ўрдакнинг эркагин “сўна” ва тишисин “бўрчин” дер”.

Ўркакч

Туянинг ўркакчини ҳаммамиз кўрганмиз, биламиз. Туянинг туялиги ҳам унинг ўркакчида-да. “Ўркакч” сўзининг ўзаги “ўр”. Қадимги тилимизда “ўр” сўзи жуда кўп сўзларга оналик қилган. Қарангки, “ўр”нинг чуқур ҳандақ (ўра) маъноси ҳам ва бунга бутунлай тескари “дўнг”, “тепалик” маъноси ҳам бор “Ўр келса, ўрмалади” деган ибора ҳам шундан келиб чиққан. “Ўркакч” сўзи худди шу “дўнглик” маъносидаги “ўр” сўзидан пайдо бўлган. Яъни, “ўр” сўзига “-ка” ва кичрайтирувчи “-ч” қўшимчалари қўшилган. Эрванд Севортян ҳам “ўркакч”даги “ўр” илдизини “кўтарилиш” маъносида деб йзоҳлаган.

Шунингдек, тилимизда тепалик, тоғ чўққиси, қир елкасини ҳам “ўркакч” деб аташ удум бўлган. *“Қирнинг ўркакчи нари четда юксалган тоғнинг белига етиб турар эди”,* – дея чиройли тасвирни чизади Шукур Холмирзаев.

Эрванд Севортян маълумотиға қараганда, қадимда шаманлар чилдирмасининг қорни устидаги овоз кучайтиришга ёрдам берадиган бўртиқни ҳам “ўркакч” дейишган ва тағон, яъни учоёқли темир ўчоқни ҳам шу сўз билан ифодалашган.

Тетик чол ва тетапоя гўдак

“Тетик” ва “тетапоя” сўзларини кўп ишлатамиз. “Тетик” ва “тетапоя” сўзлари ҳам тузилиши, ҳам маъноси жиҳатдан бир-бирига жуда яқин. Бу уларнинг шакли-шамойилидан манаман деб кўриниб турибди. Бу сўзларнинг иккисида ҳам кучга эниш мазмуни яширинган. Асосан “тетик” сўзи кексаларга, “тетапоя” сўзи эса энди юра бошлаган кичик болаларга нисбатан ишлатилади. “Чол ҳали тетик” деймиз. “Боласи тетапоя бўлиб қолибди” деймиз.

Бу сўзларнинг илдизида “”тети“ сўзи ётади. «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да изоҳланишича, қадимда тилимизда “тети” деган сўз бўлган ва у “англаш, фикрлаш қобилиятини намоён қил” деган мазмунни англатган. Умуман, “тетик” сўзи соғлиқ, дадиллик, куч-қуввати бор маъносида келади.

Оғам ва тоғам

“Оға” сўзининг тилимизда “ака” маъносини англа-тишини ҳаммамиз яхши биламиз. “Оға” сўзининг туб илдизи “катта” деган маънони англатган. Қадимда тоғани ва отани ҳам “оға” деб аташган даврлар бўлган. Шунингдек, ўтмишда маликалар ва сарой аёлларининг исмлари охирига “оға” сўзи қўшиб айтилган ҳолатлар ҳам кузатилади. Манбаларда таъкидлани-шича, қадимги туркий тилларда “она” сўзининг “тай” деган шакли ҳам бўлган. Худди шу она мазмунидаги “тай” сўзи билан “оға” сўзининг қўшилишидан “тоға” сўзи ҳосил бўлган ва бу сўз “онанинг акаси” маъноси-ни англатган.

Бир-бирига мазмунан яқин бўлган “оға” ва “тоға” сўзлари шакл жиҳатдан ҳам бежиз уйқаш эмас. Баъзан менга “тоға” сўзи “тоғ” сўзи билан “оға” сўзининг қўшилишидан ҳосил бўлгандай туюлади. Бу шунчаки хаёлим, холос. Эҳтимол, болалигимдан тоғаларим менга тоғдай бўлиб кўрингани учун шундай туюлар. Мен ҳозир ҳам тоғаларимни болалик тасаввурим билан эслайман. Улар кўз олдимда Одамтоғлардай гавдаланадилар.

Қадам ва қадим

“Қадам” ва “қадим” сўзларининг маъноси ҳаммамизга маълум. Бири қадам ташлаш маъносини англатса, бири узоқ ўтмиш, мозий мазмунини ифодалайди. Икки сўзда ҳам поэзия бор. Икки сўз ҳам фалсафий руҳга эга. Қизиғи шундаки, маъно жиҳатдан бир-биридан жуда узоқ туюладиган бу икки сўз битта илдиздан ўсиб чиққан. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”даги изоҳларга кўра, асли арабча бўлган “қадам” ва “қадим” сўзларининг туб илдизи “олдинга борди”, “олдида борди” маъноларини англатади.

Бу икки сўз араб тилидаги жуда қадимий “қадама” феълининг болаларидир.

Бу икки сўз қадим-қадимдан то бугунга қадар не-не замонларни бўйлаб сокин қадамлаб келмоқда.

Бу икки оға-ини не-не асарларнинг тилбоғларида сўзларнинг олдида боради, олдинга боради.

Бу икки сўз қадимиятнинг вазмин қадамларига ўхшайди.



Сумалакдан сўз топдим

Наврўз таоми маъносини билдирган “сумалак” сўзини форсийда “ўттиз малак” маъносидаги “си малак” сўзидан келиб чиққан деган тахминлар ҳам бор. Биз шу пайтгача шу тахминга асосланардик. Аслида бу талқин ҳам эътиборга лойиқ. Бироқ “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да қадимги тилимизда “сума” деган сўз бўлиб, бу сўз “ивитилган буғдой” деган маънони англатиши ва “сумалак” сўзи шундан пайдо бўлган деган фикр таъкидлаб ўтилган. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит-турк”да шундай изоҳ беради: “Сума – ивитилган буғдой номи. Уни қуритиб туйилади. Сўнгундан угра ош ва нон қилинади. Шарбат учун қилинган, ундирилган арпа учун ҳам бу сўз қўлланади”. Дарҳақиқат, буғдой ивителиб, ундирилгач, ундан сумалак тайёрланади. Яна ким билади дейсиз. Сўзда сир кўп.

Шунингдек, қорнинг эриб оқиб, қайта музлаши натижасида ҳосил бўлган найсимон, чўзинчоқ муз ҳам тилимизда “сумалак” сўзи билан ифодаланади. Албатта, тарновдаги найсимон музнинг сумалак таомига алоқаси йўқ. Муз сумалак этимологияси ҳақида бирор манбада аниқ маълумот учратмадим. Лекин “сума” сўзининг яна бир маънони англатишини “Туркий тиллар этимологик луғати”дан билиб олдим. Эски милтиқларга ўқ ва дорилар оғзидан солинган ва ингичка, силлиқ шомпол билан жойланган. Шомпол тилимизда “сумба” дейилган. “Сумба” сўзининг илди-

зи “сума” сўзидир. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “сумба” сўзига шомполдан ташқари яна шундай изоҳ берилган: “Тешик тешиш ёки белги солиш учун хизмат қиладиган учи найза пўлат асбоб”. Муз сумалаги ҳам найза учли, силлиқ ва сумбага ўхшаш бўлади. Эҳтимол, найсимон музнинг “сумалак” деб аталишига сабаб шудир. Бу ҳам бир тахмин.

Яқинда ижодкор укаларимдан Фаррух Жабборов билан шу мавзуда гаплашиб қолдим. Фаррухнинг тахминича, “сумалак” сўзи таркибида “сув” сўзи бор.

“Ақча”ми, “оқча”?

Кўча-кўйда кўп кўлланадиган “ақча” сўзининг асл маъносини ҳамма ҳам билавермагани учун бу сўз ҳақида ўқиганларимни айтиб ўтишни маъқул топдим. Бу маълумот ҳам кимгадир асқотиб қолса, ажаб эмас.

Ўтмишда Туркистонда савдо-сотиқ, тўлов муомалаларида нарх, баҳо, қиймат ўлчови бўлган пул бирлиги “ақча” деб аталган. Аксарият ҳолларда ақча кумушдан зарб қилинган. Манбаларда таъкидланишича, кумушнинг ранги оқ бўлганлиги учун ҳам мазкур пул бирлиги номи “оқ” сўзига “-ча” қўшимчасининг қўшилишидан ҳосил бўлган.

Хаспўши ва хаспўшлаш

Тилимизда кимдир ўзининг хато ва камчиликларини яширишини, айбини сездирмасликка ҳаракат қилишини ёки шунга ўхшаш уринишларни “хаспўшлаш” деган сўз билан ифодалаймиз. Қизиғи шундаки, жанубий вилоятларимизда қадимда усти қуриган хашак билан ёпилган вақтинчалик тураржой, қапа “хаспўши” деб аталган. Хаспўшини ҳозиргача баъзи жойларда учратиб қолиш мумкин. Умуман, бу сўзнинг туб илдизи “хас-хашак билан ёпиш” деган маънони англатган. Айбини хаспўшлаётган одам ҳам айби устига рамзий маънода хас-хашак ёпишга уринади.

Типратиканнинг киприги

Типратиканни баъзи худудларимизда “кирпи” дейишади. Маҳмуд Кошғарийда ҳам типратикан “кирпи” шаклида берилган ва жайрани “оқлуғ кірпі” – типратиканнинг жуда катта хили деб изоҳлаган. Туркий тиллар этимологик луғатида “кирпи” сўзининг пайдо бўлишига туркий диалектлардаги “хурпаймоқ”, “тиккаймоқ” маъносидаги “kırpış” феъли асос бўлган деб кўрсатилади. Бир қарашда “хурпайиш” ва “kırpış” (“хурпиш”) яқин туюлади.

“Кирпи” сўзи қадимги тилимизда “кўп тикан” маъносини англатганлиги ҳақидаги маълумот ҳам манбаларда қайд этилган. Эҳтимол, типратикан к и р п и + т и к а н сўнг т и р п и + т и к а н, кейинчалик “т и п р и т и к а н” бўлган бўлиши мумкин. Тил табиатида бирикмаларда иккинчи сўзнинг биринчи сўз товушларини мослаштириб олиш ҳодисаси бор. Масалан, туп-тузук сўзидаги каби. А.М. Шербак “типратикан” сўзини “т и п п а т и к а н” сўздан келиб чиққан деган фаразни илгари суради. Бу фараз ҳам диққатни тортади. Чунки типратиканнинг тикани типпа-тик бўлади.

“Кирпи” ва “киприк” сўzlари шакл жиҳатдан ҳам, маъно жиҳатдан ҳам уйғун сўзлардир. “Киприк” сўзи “кирпи” сўздан келиб чиққан ва бу сўз дастлаб “кирпик” бўлиб, Кошғарий ҳам, Навоий ҳам бу сўзни “кирпик” шаклида қўллаган. “Кўзи кофиргина, ул кирпиги наштаргина” (Навоий). Навоий давридан сўнг “кир-

пик” “киприк”ка айланган. Маҳмуд Кошғарий яна “кірпіләнді” сўзини келтириб, “кіші кірпіләнді” деган иборани “кирпи каби бўлди, ғазабланди, қаттиқ юзли бўлди” деган маънода изоҳлаган. Бу ўриндаги “кирпи” сўзи хурпайиш маъносидаги “кірпіш” сўзига тўғри келаяпти.

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да “кирпи” сўзи “кўп тикан” маъносини англатган бўлиши керак деган фараз илгари сурилган.

Типратиканнинг шевада “кирпитикан” деган шакли ҳам бор. Кирпитикан – хурпайган тикан дегани. Демак, бу ҳашаротхўр сутэмизувчи жонивор тилимизда типратикан, кирпи, кирпитикан сўзлари билан ифодалаланди. Халқимизда “Типратикан ҳам боласини юмшоғим дейди” каби мақоллар ва “Ер тагида қубба игна” каби топишмоқлар бор.

Бир тошбақа ва қирқ эшак

Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит-турк”нинг 3-томида тошбақани “мўнўзбақа” ва мўнўзбақа” деб аталганлигини айтиб ўтган. Хўш, “мўнгўз” сўзи қандай маънони билдирганки, у бизнинг тошбақага тўғри келса. Менимча, бунга қадимги тилимизда қўл қавариғи маъносини билдирган “мўнўзгāk” сўзи асос бўлган бўлиши мумкин. Чунки тошбақанинг устидаги тошсифат коса чизиб чиқилгандай қавариқ-қавариқ ҳолатда бўлади. Косанинг ост қисми ҳам қавариқ бўлади. Тошбақанинг мўнгўзбақа деб аталишига шу сабаб бўлган бўлиши керак. Кошғарий бу жониворнинг номини “тошбақа” деб келтирмаган. Демак, бу жонзот кейинги замонларда “тошбақа” номини олган бўлиши мумкин.

Болалигимизда қир-адирларга чиққанимизда қирда ўрмалаб юрган тошбақаларга кўп дуч келардик. Ҳамма болалар тошбақаларни ўйнатишни яхши кўрарди. Бу беозор жонивор яқинлашишимиз билан кичик бошини косасининг ичига тиқиб олиб, жимиб қоларди. Баъзилар уларнинг косасини чаппа қилиб қўйишни яхши кўришарди. Тошбақани шундай ҳолатда ташлаб кетганлар ҳам бор. Мен ҳалигача кимсасиз адирларда ўша тошбақаларнинг ҳоли нима кечган экан, улар ўзларини ўнглаб олганмикинлар деб ўйлаб қоламан. Тошбақага зулм қилганларга қараб оталаримиз “Тошбақанинг жиғига тегманглар, тишлаб олади” дейишарди. Болалар “Тошбақа тишламайди-ку” деса,

катталар “Тошбақа тишлайди. Тишлагандаям шунақа тишлайдики, тишлаган жойини қирқ эшак ҳанграгунча қўйиб юбормайди” дейишарди. Ҳали бировни тошбақа тишлаб олибди деган гапни эшитмадим. Лекин тошбақа тишласа қирқ эшак ҳанграгунча тишлаб туриши ҳақидаги гап сира эсимдан чиқмайди.

Халқимиз орасида тошбақа ҳақида шундай топшимоқлар ҳам бор:

*Эмгаклаган тошни кўрдим,
Тошдан чиққан бошни кўрдим.*

*Ости тош, усти тош,
Ўртасида чандир бош.*



Болдиз – қайнсингил

Мен “Болдиз” сўзига дастлаб Миртемир домла шеърларида дуч келганман. Кейинроқ

*“Езнам мени таниса, болдизиман, ёр-ёр,
Балдоғига қистирган қундузиман, ёр-ёр”*

– деган ажойиб халқ қўшиғини эшитиб қолдим. “Болдиз” сўзи жуда чиройли ва ёқимли сўз. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу сўз шева сўзи деб кўрсатилган. Йўқ, бу сўз шева сўзимас. Бугун туркий дунё сўзи. Маҳмуд Кошғарий бу сўзга: “балдиз” хотиннинг сингиси. Эрнинг сингисига “балдиз” дейилмайди, “сингил” дейилади” деб тушунтириш берган. Бугун эрталаб шу сўз ҳақида ўйлаб ишга кетаётган эдим, тасодифни қарангки, йўлда қорақалпоғистонлик ёзувчи Байрам Айтмурад дуч келиб қолди. Ундан “болдиз” сўзи ҳақида сўрадим. Ҳозир ҳам Қорақалпоғистонда эркаклар қайнсингилларини “болдизим”, аёллар қайнсингилларини “бекишем” дер эканлар.

“Туркий тиллар этимологик луғати”да “болдиз” сўзининг ўзаги бал асли “қиз” дегани, унга сўз ясовчи “-диз” қўшимчаси қўшилган деб изоҳ берилган. Туркий тилларда “балдиз” сўзининг “балтыр” шакли ҳам бор.

Болдир

Биз оёқнинг тизза билан тўпиқ орасидаги қисмини “болдир” деймиз. “Болдир” тилимизда “бўрбой” ҳам дейилади. Талабалик йилларимизда поездда Тошкентга ўқишга қатнаганимизда Сурхондарё чегарасидан чиқиб, Туркменистонга киргач, Болдир деган стансадан ўтар эдик. Биз Болдирдан кўпинча тунда ўтганмиз. Маҳмуд Кошғарий бу сўзга шундай таъриф берган: “балдир” – тоғ бурнига ўхшаш кўтарилиб чиққан нарса. “Тоғ “балдирі” – тоғ бурни”. Мен Туркменистон Болдирида тоғ бурни бор-йўқлигини билмайман.

“Туркий тиллар этимологик луғати”да “болдир” сўзи яна “поя”, “тизза бўғими”, “билагузук”, “туртиб чиққан жой”, “бўртиқ” каби маъноларни англатиши ҳақида ёзилган. Кошғарий яна болдир – “балдир” сўзининг ўғай, эртачи маънолари борлигини ҳам айтиб ўтган ва “балдир қиз” – ўғай қиз, “балдир қозі” – эртачи қўзи мисолларини келтирган.



Табулға ва таволга

*Бир табулға юз бўлди,
Юз табулға минг бўлди,
Минг табулға туман бўлди,
Билиб кўйинг: фойдаси бор, бу яхши.*

Юқоридаги шеър эрамизнинг IX асри бошларида яратилган “Ирқ” битигидан келтирилди. “Қадимий ҳикматлар” китобида берилган изоҳга кўра, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёзишича, табулға қизил пўстлоқли дарахт бўлиб, Фарғона тоғларидан бошқа ерда учрамайди. Маҳаллий аҳоли ундан ўқ ва таёқ ясашади. Маҳмуд Кошғарийда “табулға” сўзига дуч келмадим, бироқ “тавилқу” деган сўз бор. Бобомиз т а в и л қ у сўзига қизил тол дарахти деб изоҳ берганлар. Бобур ҳам қизил пўстлоқли деган. Рус тилида бу сўз “таволга” дейилади. “Русча-ўзбекча луғат”да “таволга” сўзининг таржимаси “тобулғи, тубулға” деб кўрсатилган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса, **ТОБУЛҒИ**, тўбилғи раъногулдошларга мансуб, тоғли ерларда, жарликларда учрайдиган бута ўсимлик, деб изоҳланган.

Самарқандликлар, қашқадарёликлар ва бошқалардан табулға дарахти ҳақида сўраганимда аниқ бир гап айтишолмади.

Қирғоқ

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, қадимги тилимизда бу сўз “тўн жияги, чалмаси” деган маънони англатган. Кейинчалик маъно кенгайиши натижасида “нарсанинг чети, ҳошияси” мазмунини билдира бошлаган. Ҳозирги тилимизда бу сўз “катта оқин сув ёқаси” маъносини англатади. Хуллас, “қирғоқ” сўзи “чет” деган маънони англатувчи “қир” сўзидан келиб чиққан. “Кўз қирини ташлади” деган ибора ҳам “кўзининг чети билан қаради” деган мазмунда келади.

Ўчоқ ва очаг

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да “ўчоқ” сўзи олов маъносидаги “ўт” сўзига кичрайтириш маъносидаги “-чуқ” қўшимчаси қўшилишидан ҳосил бўлган деб кўрсатилади. Яъни ў т + ч у қ. Болалигимда “Ўчоққа ўт жоқ (ёқ)” деган гапни кўп эшитганман. Болалик тасавури билан “ўчоқ”ни “ўт жоқ”дан бўлса керак деб ўйлаганман.

Рус тилидаги “очаг” сўзи “ўчоқ”, “оила”, “уй”, “марказ” маъноларини англатади. Тилимиздаги “ўчоқ” сўзининг асл шаклини Маҳмуд Кошғарий “о ч а қ” деб кўрсатган. Девон мутолааси вақтида “о ч а қ” ва “о ч а г” сўзлари ёқададур ўхшашлиги мени ҳайратга солди.

“Ўксиган” ва “Ўксик”

Хафа бўлган, эзилган, қайғули кишиларга нисбатан “ўксик” сўзини қўллаймиз. Хўш, “ўксик” сўзининг туб илдизи қандай маънони билдирган?

Маҳмуд Кошғарий “ўксик” сўзини “эксук” шаклида берган. Қадимги тилимизда “эксуди” деган феъл “камайди” деган маънони англаган. Демак, “эксуди” феълнинг илдизи “кам” мазмунини билдирган. Дарҳақиқат, ким ўксиган бўлади? Бир ками бор одам ўксийди.

Қўшимча қилиб айтиш мумкин бўлган яна бир гап бор. Тилимизда ота-онасиз, етим болани ўксиз ҳам дейишади. Бир қарашда “ўксиз” сўзи “ўксик”ка жуда яқин туюлади. Лекин Кошғарий изоҳига кўра, ўксиз аслида Өгсүз бўлган ва бу сўз ўгит, ақлидрок маъносидаги “Өг” сўзидан ясалган. Демак, етим маъносида келадиган “ўксиз” сўзи йўл-йўриқ кўрсатувчиси йўқ, ақл ўргатувчиси йўқ деган маънони ифодалайди.




“Ирганч” ва “жирканч”

Бу икки сўз тилимиздаги этни жунжиктириб юборадиган сўзлардан саналади. Одам ҳазар қиладиган даражадаги нарсалар шу “ирганч” ва “жирканч” сўзлари билан ифодаланади. Тил уларни сўзлашдан қочади. Лекин дунёда шундай нарсалар бор экан, уларни ифодалайдиган сўзлар ҳам тилда бўлади.

Аслида “ирганч” ва “жирканч” битта сўз. Уларнинг илдизи “ир” сўзидир. Маҳмуд Кошғарий “и р” сўзини уялиш, изза бўлиш, хижолат тортиш маъноларида қўллайди. Одамнинг изза бўлиб, уятга қолганини “Эр ир болдї” деган жумлада ифодалайди.

Кўряпсизми, уятга қолиш қандай мудҳиш сўзларда ифодаланган. Дунёдан уят пардалари кўтарилаётган бир пайтда, «уят» сўзи қувғиндидай четга сурилиб қолаётган бир вазиятда уятга қолиш ирганч ва жирканч ҳолат эканини эслаб қўймоқ фойдали бўлади.



Ичкуяр

Бу сўз тилимизда асли қадимдан бўлган, лекин кейинги пайтларда камроқ ишлатилади. Албатта, ҳар кимнинг ғамхўри, сирдоши, тушунадигани ва жонкуяри бўлади. Ана шундай кишига нисбатан тилимизда “ичкуяр” сўзи қўлланган. Момоларимиз бошида қораси йўқ, кимсасиз, қариндош-уруғсиз кишига қарата “ичкуяри йўқ” деган иборани қўллашар эди.

*Ёшлигимда етимлик билан ўсдим,
Менда ҳеч йўқ эди ичкуяр дўстим.*

(“Элат ботир” достонидан)

Кошғарий бобомиз “ич сўз” деб кўнгилдаги яширин сирни айтган.

Тонг қолиш ва тўнглаш

Болалигимдан “тўнглади” деган сўзни кўп эшитганман. Совуқ пайтлари шўрва тез совиб, музлаб қолса, “шўрва тўнглаб қобди” дейишарди. Қаттиқ хафа бўлиб тунд қолга тушган одамга “тўнглаб ўтирибди” дейишган. Бирор нарсадан ажабланиб, ҳайратдан қотиб қолган кишига “тонг қолди” иборасини ҳозир ҳам қўллаймиз.

Маҳмуд Кошғарийда “т о ң д і” сўзи “музлади” маъносини билдирган.



Елда қолган желак

“Желак” сўзини болалигимдан биламан. Ҳозирги адабий тилимизда “желак” форсийдаги “яктак” сўзи билан ифодаланади. Қишлоғимизда ёши улуғлар желак кийишарди. Оқ, кулранг желаклар уларга ярашарди. Желак эркаклар кийими бўлиб, чети мағизланган, астарсиз, узун кийим. Аниқроқ айтганда, чопоннинг астарсиз ва пахтасиз шакли. Кейин бу сўзга адабий тилимизда дуч келмадим ва “желак” ҳам торгина шевадаги сўзлардан бири экан деб қўя қолдим. Ҳолбуки, бу сўз тарихи билан Г.Рамстед, М. Ресенен каби улкан шарқшунослар ҳам шуғулланган эканлар. Бу сўз бир қанча туркий тилларда бор экан. “Туркий тиллар этимологик луғати”да “желак” сўзи “йелек” шаклида келтирилган ва унинг “желак” шакли борлиги ҳам таъкидлаб ўтилган. Лекин “йелек” аёллар киядиган кийим ҳам дейилган. Татарлар ва бошқирларда эркаклар желаги безаксиз бўлади, аёллар желаги тангалар ва кашталар билан безатилади. Аёллар бошига ташлаб юрадиган куртта, ёпинчиқни ҳам баъзи ҳудудларимизда желак дейишган. “Бошида желаги бор, қўлида малаги бор”. (Миртемир)

Желак (йелек) жуда энгил кийим. Баъзи тилшунослар унинг илдизини “ел” сўзига тақайдилар. Елдай энгил деган гап ҳам бор-ку. Эҳтимол, елдан сақланиш маъносидадир. Шунингдек, И. Г. Добродомов фикрига кўра рус тилига араб, испан, француз тиллари орқали кириб борган “жилет” сўзи ҳам асли “же-

лак”ка яқин бўлиши мумкин. Қарангки, шунча тариху таърифга эга “желак” сўзи адабий тилимизга кирмай қолган.

Адабиётшунос Тўра Нафасов Яккабоғда икки енг учи тикилиб ва ўртасидан ип тасма билан туташтирилиб, аёллар бошига ташлаб юрадиган, астарсиз, бош ва елка қисмига кашта тикилган уст кийимни “желак” дейишади деб, Деҳқонободда эса, эркаклар яктагини “желак” дейишади деб ёзган.

*Бобомдан қолган желагим,
Эгнимдан энган дирагим.
Кийганда титрар журагим...
Бобомдан қолган желагим.*



Қўймич

Қадимги “Ирқ” битигида, “Қадимий ҳикматлар” китобидаги таъкидга кўра, “қадимги турк даврига оид қоғозга ёзилган яккаю ягона ёдгорлик”да шундай бир шеър келади:

*Тўриқ от боқиладиган ерини
Эслаб югуриб борди.
Рўпарасида бир ўғри дуч келиб
Уни тутиб минди,
Яғринигача яғирлашган,
Қўймичигача қўтирлашган,
Юришга ҳолсизланиб туради, дейишади,
Билиб қўйинг: бу – ёмон.*

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “қўймич” (“қўймуч”) сўзига “думғаза”, «гавданинг бел билан думғаза ўртасидаги орқа қисми» деб изоҳ берилган. Бу сўз ҳайвонга ҳам, одамга ҳам барабар қўлланади. “Туркий тиллар этимологик луғати”да “қўйруқ” сўзига берилган изоҳда “қу” сўзи “орқа томон” деган маънони англатиши ҳақида айтиб ўтилган. Мен шу маълумотни учратганимча “қўймич” сўзи “қуйи мича” маъносида бўлса керак деб ўйлаб юрардим. “Мича” бўлак дегани. Балки “қўймич” сўзи орқа томондаги мича маъносини англатар.

Куюшқондаги куйруқ

“Куйруқ” сўзининг маъносини яхши биламиз. “Куюшқон” сўзи эгарнинг олдиға силжимаслиги учун от думи остидан айлантирилиб эгарға бириктириладиган қайиш маъносини билдиради. Манбалар бу икки сўзнинг илдизи бир-бириға яқинлигини таъкидлайдилар. Дж.Клосон “куйруқ” сўзини “kudur” ва “kudurgak” сўзларига тақайди. “Kudurgak” сўзи қадимда кенг халатнинг узайтирилган орқа этаги маъносини билдирган экан. Менимча, бу фараздан кўра, “Туркий тиллар этимологик луғати”да “куйруқ” сўзига берилган изоҳда “қу” сўзи “орқа томон” деган маънони англатиши ҳақидаги фараз ўнғайроқ. Куюшқон ҳам шу илдизға мос келади. Мен бу ҳақда ёш ижодкорларға гапириб берганимда ёш ёзувчи Азим Рўзиев “қувлаш” сўзи ҳам шу маънодан келиб чиққан бўлиши мумкин деб қолди. Модомики, “куйруқ” ва “куюшқон”даги туб илдиз “қу” “орқа томон” маъносини билдирар экан, унда “қувлаш” феълиға ҳам шу сўз асос бўлиши мумкин-да. Чунки одамни қувлаганда уни олдидан қувлаб бўлмайдикү, орқасидан қувлашадикү. “Кулаш” сўзи ҳақида ҳам шу фаразни айтиш мумкин. Маҳмуд Кошғарийда куйруқ “кудруқ” ва “қузруқ” шаклида, куюшқон “кудузғун” шаклида келади.

Тан олиш ва тан бериш

Бир нарсага қойил қолсак, “тан бердим” деймиз. Бировнинг кучини эътироф этиш ҳам “тан бериш” ёки “тан олиш” сўзлари билан ифодаланади. Мен шу пайтгача “тан бериш”ни “тандини бериш” маъносида бўлса керак деб тушунганман. Чунки қадимда жангларда енгилиб, таслим бўлганлар ғолибларга хизмат қилишган, бир сўз билан айтганда, тандини топшириб асир тушганлар. Қадимгиларнинг ўғлини устага шогирдликка топшираётганда “Эти сизники, суяги бизники” деган гапи ҳам шу маънога яқинроқ. Мен шоир Шодмонкул Саломдан “тан бериш”нинг илдизини қандай тушуниши ҳақида сўраганимда у ҳам “тандини бериш” маъносида бўлса керак деди. Бироқ мен Ғани Абдураҳмонов ва Алибек Рустамовнинг “Қадимги туркий тил” китобида қадимги тилимизда “тан” сўзи ҳайрат деган маънони англатган деган маълумотга дуч келдим ва “тан бериш” бирикмасининг туб илдизини илғагандай бўлдим. “Тан” сўзининг “ҳайрат” маъноси ҳозирги тилимизда ҳам сақланиб қолган сўзлар бор. Масалан, тилимизда фаол қўлланадиган “тансиқ” сўзи ажойиб, камёб маъносини билдиради. Ажойиб ва камёб нарса эса ҳайратланарли бўлади. “Тансиқ” сўзининг илдизи ҳайрат маъносидаги “тан” сўзидир, унга “-суқ” қўшимчаси қўшилган. “Тан бериш” бирикмаси ҳам ҳайратланиш, қойил қолиш маъносидаги “тан” сўздан пайдо бўлган.

“Чағот” сўзи бизга керакми?

Қир-адирларда баъзан қумликлар ўртасида, кўпроқ тоққа яқин жойларда майда-майда оқ, қизил пайраҳа тошлар тўпланган жойни “чағот” дейишган. Бу сўзнинг “чоғот” шакли ҳам бор. “Чағот” сўзи ҳозирги луғатларимизда умуман учрамайди. Бу сўз ҳам ўлаётган сўзларимиздан бири саналади. Лекин тоққа яқин жойларда майда-майда оқ ё қизғиш тошлар тўпланган жойни ифодалаб бера оладиган яхлит бир сўзнинг ўзи ҳам ҳозирги тилимизда йўқ. Мен яқинда Сурхондарёда бўлганимда халқ бахшиси Абдиназар бахшидан “чағот” сўзи билан боғлиқ бир тўртликни эшитдим. У киши шундай термани айтди:

*Миниб олди кўк отди
Оралаб кетди чағотди.
Таваккал қилиб ўқ отди
Ов барини жўғотди.*

Чағотда какликлар кўп бўлади. Чунки какликлар бошқа қушларга ўхшаб дарахтлар ё камарларга эмас, ерга, тошлоқ жойларга, буталар орасига тухум қўяди. Бу тўртликда каклик овига чиққан одам тасвирланяпти.

Эҳтимол “чағот” сўзи билан “чақир тош”, “чағир тош”, “чақир тикан” сўзлари бир-бирига алоқадор бўлиши ҳам мумкин. Чунки чағотда чақилгандай суйри тошлар кўп бўлади. Шунингдек, “чағир” сўзи “ола-була, кулранг” маъносини ҳам англатади. Чағотдаги тошлар ҳам шу рангда кўринади.

Туянинг кўшани ва кўйнинг кўшоғи

Халқимизда “Ўзи бозорга сиғмаган туя кўшани билан кирибди” деган мақол бор. Бу мақол “чақирилмаган кўноқ, йўнилмаган таёқ” деган мазмунда келади. Бунинг устига чақирилмаган бу фаҳмсиз кўноқ кўшани билан келади. Хўш, “кўшан” сўзи қандай маънога эга? Тилимизда бу сўзга яқин “кўшоқ” сўзи ҳам бор. Одатда чўпонлар кўйларини бозорга олиб чиққанида уларни кўшоқлаб боғлайди ва ўн-ўн беш кўйни бир жойга шу ҳолда тўплайди. Яъни кўйларни бўйнидан боғлаб, бир-бирига бириктириб қўяди. Бундай ҳолатда кўйлар бошига солинадиган махсус арқон ҳам бўладики, у “кўган” деб аталади. “Кўганлади” феъли ҳам “кўшоқлади” феълига яқин маънода келади. Кўганнинг ҳар бир кўй бошига солинадиган Ҳалқаси “бурчоқ” дейилади. Битта кўганнинг ўн беш-йигирмата бурчоғи бўлади. Кўганланган кўйлар бошидаги арқоннинг икки учи қозиққа бойланади. Шунда кўйлар қочиб кетолмайди, йўқолиб қолмайди. Шунингдек халқимиз орасида “Кўшоқ” деган исмлар ҳам бор. Одатда оёқ ё кўл бармоқларининг бир жуфти бирикиб туғилган болаларга шу исм қўйилган. Демак, “Ўзи бозорга сиғмаган туя кўшани билан кирибди” мақолидаги “кўшан” сўзи йўлдоши, жуфти, шериги маъноларида келади.


Иссиқ-совуқ ва севги

Одамлар орасида “иссиқ-совуқ қилиш” деган ирим бор. Унга кўра, йигит ва қизни ёки аёл ва эркакни бир-бирига яхши кўрсатиш учун сеҳру жодудан фойдаланишиб, “иссиқ” қиладилар, уларни бир-бирига ёмон кўрсатиб ташлаш учун “совуқ” қиладилар. Бундай ҳийлаларга неча чаламуллою неча оми хотинлар аралашадилар. Бирлари чангал-чангал пул тутадилар, бирлари куруқ нафас-ла “куф-суф” этадилар.

Хўш, нима учун аёл ва эркакни бир-бирига яхши кўрсатишни “иссиқ” деб атаганлар? Бирининг юлдузини бирига иссиқ кўрсатиш учунми?

Гап шундаки, қадимги тилимизда і с і к л і к сўзи иссиқлик ва ҳарорат маъносини билдириш билан бирга “севги” маъносини ҳам билдирган. Маҳмуд Кошғарий ісіклік сўзини севги мазмунида изоҳлаб, қуйидаги мисолни келтиради: кўңўл ісіклігі кэрāk – кўнгил муҳаббати керак. Биз исиниш деганда оловга исинишни назарда тутамиз. Ҳолбуки, севиш ҳам исиниш экан. Кошғарий бобомиз келтирган “мэн аңар ісіндīm” деган гап ҳам “мен уни севдим” деган гапнинг қадимги тилимиздаги шаклидир.

Дарҳақиқат, “севги” сўзи туркий тилдаги энг қадимий сўзлардан саналади. “Олар іккі севішді” – Улар иккови севишди (Маҳмуд Кошғарий). Этимологик луғатларда “сев” сўзининг туб илдизи ҳақида турли фаразлар айтилган. Менга улардан биттаси – тунгусчадаги “шодланиш” маъносидаги севзе сўзи мақсадга мосроқ туюлди. Чунки севгида шодланиш бор. “Севинч”, “суюниш” сўзлари шу маънога яқин келади.



Сўзлар гувоҳлигида

“Девону луғотит-турк”да ва қадимги битиктошларда қадимги туркий халқларнинг урф-одатлари, удумлари ва анъаналари, яшаш тарзи ва кечмишлари билан боғлиқ жуда қизиқарли маълумотларга дуч келасиз. Ва уларнинг то ҳозирга қадар қайсидир шаклларда сақланиб келаётгани ёхуд тарихнинг қайсидир манзилларида кўмилиб қолиб кетгани ҳақида ўйга толасиз. Қадимги ҳаёт ҳақида сўзлар гувоҳликка ўтадилар. Улар олис момоларимиз ва боболаримизнинг сирли ҳаёти сари бизни етаклаб кетадилар. Зеро, сўзнинг пайдо бўлиши миллатнинг майдонга келиши билан боғлиқ жараёнدير.

“Яда” тоши

“Яда” номли ғаройиб бир тош бўлган. Бу тош билан қадимгилар фол кўрганлар, башорат қилганлар. Бу ҳолат тарихдаги шомонизм билан боғланган бўлиши ҳам мумкин. Қадимги туркийлар Яда тоши билан шамолни чақирганлар. Тангридан шу тош воситасида ёмғир ёғишини сўраб илтижо қилганлар. Ёмғир сўраш маросимининг ўзи қабилалар ҳаётидаги муҳим тадбирлардан бири бўлган. Чунки бу кўчманчи қаби-

лаларнинг чорваси ҳам, экини ҳам фақат ёмғирдан “паноҳ” топган.

“Қизлашув”

Кошғарийдан аввал ҳам, ундан кейин ҳам туркий қабилаларда ўртага қиз қўйиб гаров ўйнаш удуми бўлган. Қабилалараро ўтказилган камондан ўқотиш мусобақаларида, катта пойгаларда, кўпқарида ва бошқа ўйинларда бокира қизларни худди бир буюмдай совринга қўйганлар. Афсуски, бу жаҳолат Марказий Осиёнинг баъзи жойларида ҳатто XX аср охирларига қадар хуфиёна тарзда сақланиб қолган. Қашқадарёлик “Якка бўри” лақабли машхур чавандоз – Дўстмамат чобағон ўтган асрнинг 80-йилларида қўшни мамлакатлардан бирида бўлиб ўтган бир кўпқарида совринга қиз тикилганини менга айтиб берган эди. Дўстмамат чавандоз кўпқарида қизни ютиб олади. Сўнг қизнинг яқинлари чавандозга қиз ҳаққи-га тилла беришиб, қизни қайтариб олишган экан.

“Уйлашув”

Иллат ҳамма замонларда ҳам бўлган. Қадимда совринга қиз тикилиши “қизлашув” бўлса, қиморга ўз уйини тикишни уйлашти (эвләшти) деганлар. Маҳмуд Кошғарий бир мисолни келтирган: Ол бэг бірлә эвләшти ојнаб – У амир билан уйини ўртага қўйиб қимор ўйнашди. Бундан минг йил олдин қиморда уйини ютқизган одамнинг ҳолини тасаввур қилиб кўринг. Бугун ҳам қайсидир кавакда қиморга борини ютқазаётган одамлар бор. Одамзоднинг ўзидаги бир иллатни йўқотишига икки минг йил камлик қилади-ю, бир фазилатнинг йўқолишига эса, икки йил етарли бўлади.

Бундан 1200 йил олдин яратилган “Ирқ битиги”да шундай сатрлар бор:

*Қизиққон йигит ўғли ва хотинини
Отга миндириб
Тажрибали қиморбозни олиб
Қимор ўйнашга жўнади.*

Мен шу сатрларни ўқиганимда титраб кетаман. Қизиққон йигит ҳам, у билан бирга ўйинга бораётган тажрибали қиморбоз ҳам мени қизиқтирмайди, лекин от устида мунғайиб бораётган хотин ва унинг қиморга тикиладиган гўдак ўғлини ўйлаб титраб кетаман. Бундан 1200 йил олдинги бу ғамгин манзара ҳозир содир бўлаётгандай дилимни оғритади.

“Кийик мушки”

Қадимги туркий қабилалар орасида кийик мушки ғоят қадрланган. Хусусан, тубут қабиласидагилар бу нарсани тайёрлашга уста бўлишган. Улар кийикнинг киндигини кесиб олишиб, қуритиб, талқон қилиб, унга бошқа хушбўй гиёҳларни кўшиб, кийик мушкини тайёрлаганлар. Кийикнинг киндигидаги хушбўй ҳид туркийларга қадим-қадимдан маълум бўлган. Бу мушқдан келин-куёвлар, аслзодалар фойдаланишган.

“Қатланди”

“Девону луғотит-турк”да **“йиғач қатланди”** деган ибора бор. Бу бирикма **“дарахт мева тугди”** деган маънони беради. Менга **“қатланди”** сўзи билан ҳомиладор аёлларга нисбатан ишлатиладиган **“иккиқат”** сўзи ўртасида қандайдир боғлиқлик бордай туюлади. Чунки “қатланиш” – “мева тугиш” маъноси ни англатса, унда ҳомиладор, яъни иккиқат аёл ҳам мева тугаётган дарахтга қиёсланиши мумкин. Дейлик, **“Аёл мева тугди”**. Ҳозир ҳам жанубий вилоятларимизда ҳомиладор бўлган аёлга нисбатан **“туйнак тугибди”** деган ибора қўлланади. У ҳолда нега **“аёл қатланди”** эмас, нега **“иккиқат”**? Бу ерда орадаги **“икки”** сўзи қандай қўшилиб қолган? Бу ўрин-

да яна бир фараз мени ўйлантириб қўйди. Эҳтимол, “иккиқат” сўзи “икки қават” маъносидадир. Чунки ҳомиладор хотин вужудида иккита одам бор. У икки қаватли. Бир танада икки вужудли.

“Эгиз”

Аслида қадимги тилда “эгиз” “иккиз” – “икки+з” бўлган. Яъни икки бола, эгиз бола маъносини англатган.

“Отни кузатиш”

Маҳмуд Кошғарийда “У отни кузатиш мақсадида эди, унга эришди” деган жумла келади. Отни сақлаш, боқиш, унга эгалик қилиш “кузатиш” сўзи билан ифодаланган. Эҳтимол, бу ҳол отга нисбатан туркийларнинг ҳурмат-иззатининг белгисидир. Ўша пайтларнинг энг машҳур мақолларидан бири “Қуш қаноти билан, эр оти билан” бўлган. Яна бошқа бир мисол: “Одамларини, отларини бизга топширди” дейилади таслим бўлган одам ҳақида. Кўряписизми, бу ерда таслим бўлган одамнинг асосий бойлиги сифатида хазиналари эмас, унинг одамлари ва отлари эътироф этилмоқда.

“Им билган эр”

Қадимги туркийларда “Им билса, эр ўлмас” деган мақол бўлган. “Им” сўзи “имо, аломат, белгилар” каби маъноларни англатади. Мақолнинг маъноси – яширин белгиларни, ишорат ва аломатларни билган киши ноҳақ ўлмайди, яъни жувонмарг кетмайди. Қарангки, бутун ҳаётимиз, бизни ўраб турган атроф-олам аломатларга тўла. Ҳар нарсадан аломат ва ишоратни англашга интилиш бизга азалий мерос. Бу донишмандлик белгисидир. Бундай фазилат халқимизда бор. Бизнинг кўриб-кечирган одамларимиз ҳамisha ҳар нарсадан аломат излайдилар.

“Патли ўқ”

Ёй ўқига елим билан пат ёпиштириш кўп ҳам эътибор бериб ўтирадиган нарса эмасдир. Чунки ўққа пат ёпиштирилса, унинг учиши қулайлашади. Бироқ айна шу нарсани, яъни камон ўқига пат ёпиштиришни Америка ҳиндулари ҳам одат қилишган. Ҳолбуки, бизнинг тарихимизда патли ўқ бўлган пайтда Америка қитъаси ҳақидаги тасаввурнинг ўзи ҳам йўқ эди. Бир вақтнинг ўзида бир-бирига номаълум бўлган икки дунё одамларининг бундай бир хил одати уларнинг илдизи бир эканлигига далолат қилса, ажаб эмас.

“Учиб кетган одам”

Қадимги туркийлар ўлган одамга нисбатан “учди” сўзини қўллашган. Масалан, “Култигин битигтоши” да “Кул тигин кўй йилида, ўн еттинчида учди” дейилган. Демак, ўлган одамнинг қайгадир учиб кетиши ҳақидаги тасаввур ўша даврларда шаклланиб бўлган. Одамнинг ўлими унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши дегани эмас, балки бошқа оламларга учиб кетиши деган қарашлар азалдан то бугунга қадар мавжуд.

Бўридай улиган одам

Бўри тунда, асосан ой чиққанда ойга қараб улийди. Тўқайда улиган бўрининг товуши овулга қанча ваҳима солишини кўрганман. Бўрининг улишида ваҳима билан бирга йиғига ўхшаш нимадир борлигини ҳам сезганман. Одам ҳам бўридай улийди. Энг яқинидан айрилганда улийди. Алп Эртунга ўлганда шундай бўлган:

*Эрлар бўрилардек улдилар,
Улишиб ёқаларини тилдилар,
Қайғули чолғудай фарёд қилдилар,
Кўзлар кўзёшларга тўлиб қолдилар.*

Бўри атрофидаги ғийбатлар

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаарида шундай гап бор: “Орқасидан минглаб итнинг овозини эшитгани билан бўри итга қайрилиб қарамайди”. Бугунги кун учун жуда асқотадиган ҳикмат бу. Баъзан кўп яхши одамлар ҳақида интернетда турли хил ғийбатлар айланиб қолганда Юсуф Хос Ҳожибнинг шу гапининг соясида ҳимояланиш мумкин. Лекин бу ҳимояланиш шоқол ё тулки учун эмас, чунки шоқол ё тулки, минглаб эмас, бор-йўғи биттагина ит ҳурса ҳам ортига қайрилиб қарайди, ўпкасини қўлтиқлаб қочади ҳам.

Хэмингуэй тошни чайнард

Маҳмуд Кошғарий бир мақолни келтирган: “Тошни чайнашга қодир бўлмаган одам уни ўпиши керак...” Мақол ишни осон битириш учун айтилган. Бироқ нима бўлгандаям, тошни чайнашга одам истаса ўзида куч топади. Хэмингуэй айтган-ку: “Одамни ўлдириш мумкин, лекин уни енгиб бўлмайди” деб. Хэмингуэй ҳеч қачон тошни ўпиб ўтирмас эди, уни чайнаб ташларди.

Одамни билиш илми

“Девону луғотит-турк”да бир мақол бор: “Ҳайвонлар бир-бирларини ҳидлашиб билса, одамлар бир-бирларини сўзлашиб билади”. Бир нарса аниқ, одамни фақат бафуржа гаплашгандан сўнггина билиш мумкин. Мен қоши ё юзи, бурни ё қулоғига қа-

раб одамни билиш мумкин деган гапларга унчалик ишонмайман. Одам фақат сўзида билинади. Ким биландир икки оғиз гаплашдингизми унинг савияси, дунёқарашини, маънавий ҳоли бирдан сезилади. Шунинг учун қош ё кўз, бурун ё қулоққа кўп ҳам қараб ўтирманг, одамнинг сўзига қаранг. Шунда мақсадга эришасиз. Навоий бобо айтганлар-ку: “Сўзчи ҳолига эмас, сўз ҳолига боқ”, деб. Одамнинг сўзи қандай бўлса, ўзи ҳам шундай бўлади.

Йўл ва мақсад

Қадимда “Қанча эгри, қинғир-қийшиқ бўлса ҳам йўл яхши” деган мақол бўлган. Гапни қаранг-а! Қандай машаққатли ва оғир бўлмасин, одам мақсадга йўл орқали боради. Йўл бўлмаса, у ҳар қадамда чалғийди, адашади, бутунлай гангиб қолади. Мақсадга яхшими, ёмонми фақат йўл олиб боради. Бир неча минг йиллар аввал ҳам шундай бўлган, бир неча минг йиллар кейин ҳам шундай бўлади. Навоий бобо айтганлар-ку:

*Йўл ёмон-у, яхшисидин ема ғам,
Бисмиллоҳ дегилу қўйғил қадам.*

Кийик кўзи

“Тўғри кетган кийикнинг кўзидан бошқа яраси йўқ”. Кошғарий ҳазратлари бу мақолни шундай шарҳлайди: “Яъни ҳақиқатда кўзи яра эмас демакдир. Оғир ишга тушиб қолиб, ҳар кимнинг маломатига йўлиққан киши ҳақида айтилади”.

Кийикнинг кўзи қанчалар чиройли бўлади. Бечоранинг айби кўзининг чиройлилигида! Шунинг учун ҳам унинг кўзидан бошқа яраси йўқ. Кийикнинг оғриқ нуқтаси – унинг кўзи!

Замон тадбиркорларига эски насиҳат

Маҳмуд Кошғарийда бир мақол келади, бу мақол жуда эски, шу билан бирга ҳамиша янги. “Тадбир билан арслонни тутиш мумкин, куч билан сичқонни ҳам тутиб бўлмайди”.

Аламли мерос

Жуда қадимдан бор экан бу мақол: “От курагидаги яғир болаларига мерос бўлиб қолади”. Яғир нимадан бўлади? Тинимсиз, машаққатли қулларча меҳнатдан бўлади. Ота-она тинмай меҳнат қилди, елкаси яғир бўлди, энди фарзанд ҳам шундай бўлиши керакми?

Куракдаги яғир тез тузалмайди. Бунга дуо кетган. Бу яғирдан қутулиш учун авлод янгиланиши керак.

Илик узилди

Одамлар рутубатли қиш чилласидан чиқишиб, баҳорга етадилар. Баҳор бошларида одамларда қувват камайган, вужуд ўз ичига яширган захираларини қиш бўйи сарфлаб бўлган бўлади. Бу пайтларда одам анча дармонсизланади, илигида ёғи камаяди. Хуллас, бу даврни “илик узилди” дейишади.

Болалигимизда касалдан турган одам кўпроқ ҳаракат қилиб қўйса ё бирор ишга қўл урса, унга: “Сиз уринманг, узликиб қоласиз” дейишарди. “Илик узилди”даги “узилди” ва “узликиш” сўзлари бир-бирига боғлиқ сўзлар. Мен “узликиш” сўзини шу пайтга қадар фақат шевага хос сўз деб ўйлаб юрардим. Маҳмуд Кошғарий “Девон”ида “ўзълди” деган сўзни келтиради ва бу сўз “чарчади” маъносини англатишини айтиб ўтади. Шунингдек, бобомиз бу сўзнинг касал ва касаллик билан боғлиқ эканига ишора беради. Хуллас, “узликиш” сўзи кичкинагина бир овулнинг сўзи эмаслигини англашим учун туркий дунёнинг ярмини айланиб келишимга тўғри келди.

“Умай энадан ўғил сўраш”

“Умайға топинса, ўғил бўлур” деган кўҳна мақол бўлган. Туркийлар тарихида Умай образи алоҳида ўрин тутати. Умай она билан боғлиқ маросимлар, анъаналар, удумлар ва иримлар мавжуд бўлган. Ғани Абдурахмонов ва Алибек Рустамов изоҳига кўра: “Умай – қадимги туркларнинг оналик сифатларига эга бўлган маъбудаси. Маҳмуд Кошғарий Умай сўзига шундай изоҳ беради: “(бола) хотин кишининг ичидан тушиб бўлганда чиқадиған қопчиққа ўхшаш нарса. У боланинг қориндаги эгаси дейилади”. Демак, туғилган боланинг йўлдоши Умайга тааллуқли деган тасаввур бўлган. Ҳозир ҳам халқ орасида боланинг йўлдошига қараб кейинги туғиладиған фарзанднинг қиз ё ўғил бўлишини олдиндан башорат қиладиған доялар бор.

“Қондаги бола”

Кошғарий “қоп” – “қап” сўзини “ғилоф, жилд, ҳар бир устки ўров” дея изоҳлаш билан бирга яна бир қизиқ нарсани айтиб ўтган. Яъни “қап – она қорнида бола ўралиб турган парда, халта”. “Агар бола парда билан туғилса, қутлуғ деб фол қилинади. Уни қаплиғ ўғул деб аталади”, – деб тушунтирилган. Ҳозир ҳам парда билан туғилган болаларга бундай қараш қисман сақланиб қолган. Аввало бундай болалар ўз исми билан туғилган дейишиб, уларга “Пардабой” ёки “Пардахол” деб исм қўядилар ва бола ўралиб тушган пардани муллага дам солдириб, сақлаб қўйишади.

“Ўз қулоғини кесган одам”

“Билга хоқон битиги”да хоқон вафот этгандан сўнг “...шунча халқ сочини, қулоғини, яноғини кесди” деган гап айтилган. Ҳозир ҳам Марказий Осиёнинг айрим жойларида жаноза пайтида аёллар сочи-


ни юлиб, юзини тирнаб-тимдалаб, қонатиб йиғлайдилар, шундай ҳолатда йўқлов айтадилар. Бу удум айрим жойлардагина сақланиб қолган. Битикдошдаги бу жумлага қараганда, қадимда аза пайтида қулоқни кесиш урфи ҳам бўлган экан.

“От думидан тўқилган кўзойнак”

Кошғарийда бу сўзга дуч келганимда ҳайрон қолдим, чунки минг йил аввал ҳам бизнинг ўтмишимизда кўзойнакка ўхшаш нарсадан фойдаланилганмикан, деган фикрга бордим. Бўлиши мумкин. “Кўзулдурук” (көзүлдүрүк) сўзига бобомиз “от думидан тўқилган, кўз оғриганда ёки қамашганда кўзга тутиладиган нарса. Кўзлук (көзлүк) шакли ҳам бор” деб изоҳ берганлар.

“Хўкизни еган қумурсқа”

Туркийлар азалдан катта нарсаларнинг ҳалоқатини майда-чуйдалардан деб билганлар. “Ирқ битиги”да ***“Бир қари хўкизнинг белини кичик қумурсқалар ейишибди”*** деган жумла бор. Мен бу жумлани ўқиганимда, Габриэл Маркеснинг “Ёлғизликнинг юз йили” романида бутун бир сулола тақдири ҳақида айтилган гап, яъни ***“Авлоднинг сўнги вакили қумурсқаларга ем бўлади”*** деган гап эсимга тушди. IX аср бошларида яратилган туркий ёдномадаги қумурсқалар ҳақидаги гап XX аср адибининг гаплари билан нақадар ҳамоҳанг.



Эндафтардаги турли қайғулардан

Бўйдоқ ва яйдоқ

“Бўйдоқ” ва “яйдоқ” сўзлари гарчанд мазмунан бир-биридан йироқ бўлса-да, уларнинг ясалишида яқинлик бор ва бу яқинлик икки сўзнинг ҳам туб илдизини англашга ёрдам беради. “Яйдоқ” сўзи эгар-жабдуқсиз, яланғоч отга нисбатан ва ўт-ўлан ўсмайдиган жойга нисбатан ишлатилади. Ўзаги “бўй” бўлган “бўйдоқ” сўзи эса, уйланмаган, сўққабош маъносини ифодалайди. “Бўйдоқнинг ақли икки кўзида” деган мақол бор.

Кафтдаги капгир

Капгирнинг куюқ овқатларни ковлаш ва сузишда ишлатиладиган рўзғор буюми эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. “Капгир” сўзининг илдизи “кафт” сўзига бориб тақалади ва бу сўз “кафтда тутувчи” деган маънони англатади. Кўряписизми, ҳеч бир сўз шунчакига пайдо бўлиб қолмайди.

Оразнинг арази

Алишер Навоийнинг:

*Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш*

– деган байтини ҳаммамиз ёддан биламиз ва бу байтдаги “ораз” сўзи “юз”, “чехра” маъносини англлатишини ҳам биламиз. Айни шу “ораз” сўзи билан аразлаш маъносидаги “араз” сўзи битта илдиздан ўсиб чиққан. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, бу сўзларнинг илдизи битта бўлиб, “ораз” сўзи “кўрсатди”, “араз” сўзи эса, “терсга ўгирилди” деган маъноларни англлатган.

Учмох

Қадимда тилимизда жаннат, беҳишт “учмох” деган сўз билан ифодаланган. Манбалар бу сўзнинг илдизини жуда қадим замонларга олиб бориб тақайдилар. Бу сўзнинг “осмон” деган маъноси ҳам бўлган. Баъзи манбалар “учмох” сўзининг асосини “учиб кетмоқ”, “ўлмоқ” сўзларида деб кўрсатади. Яна баъзи манбаларда эса, “учмох” сўзи “чўққи”, “олий макон”, “охирги манзил” маъноларини ҳам англлатади.

Қадимги даврларда ёмон кучлар таъсирида кўрқиш, чўчиш сабабли пайдо бўладиган бетобликни “учуниш”, “учунмоқ” деб аташган. Бу сўз ҳозир ҳам тилимизда ишлатилади. “Учуқ” сўзи ҳам шундан келиб чиққан. Бу сўзларнинг ҳам туб илдизи “учиш” маъносидаги “уч” феълига бориб тақалади.

Қайрағоч

Ёғочи қаттиқ, сувсизликка чидамли дарахт тилимизда “қайрағоч” сўзи билан ифодаланади. “Қайрағоч” икки сўздан ҳосил бўлган. Ундаги “қайир”

сўзи “қаттиқ”, “пухта” мазмунини, “оғоч” сўзи эса, “драхт” маъносини англатган.

Тутёғочдай мевали онам,

Қайрағочдай сояли онам...

Халқ қўшиғидаги бу сатрлар ҳикматга, дардга ва муҳаббатга тўла сатрлардир.

Ўмган

Тилимизда энг қадимий сўзлардан бири бўлган “ўмган” сўзи “кўкрак”, “тўш” деган маъноларни англатади. Бу сўзнинг туб илдизи қадимги тилимизда “бўртиб тур” деган маънони билдирган “ўм” феълidir. Тилимиздаги “ўмров” сўзининг илдизи ҳам “ўмган” сўзининг илдизи билан туташади. Шунинг учун ҳам “ўмров” сўзи “кўкрак”, “отнинг кўкраги” маъносини англатади.

Жўяли гап

“Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да “жўя” сўзи “жўяк”, “ариқ” маъносини англатиши таъкидланган. Деҳқонлар полиз ариғини «жўя» дейишади. Тилимизда маъноли гапнинг “жўяли гап”, мантиқсиз фикрнинг “ножўя фикр” дейилиши ҳам шундан келиб чиққан. Жўясиз экин унмайди, тез куриб қолади. Жўясиз гапнинг ҳоли ҳам шу.

Токи бир жўя аро кесмакта ток,

Айлади они йилон санчиб ҳалок.

(Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асаридан)

Камёб

“Камёб” сўзи тилимизда “кам топиладиган”, “нодир”, “танқис” маъноларини англатиб келади. “Камёб” сўзи асли “кам” ва “об” сўзларининг бирикишидан ҳосил бўлиб, унинг туб илдизи “суви кам” деган маънони англатган. Қизиғ-а?

Қирчин

“Қирчин” сўзи ҳозирги пайтда камроқ ишлатилса-да, мақол ва маталларда, халқ ибораларида кўп қўлланган. “Қирчин” сўзининг туб илдизи “ниҳол”, “новда”, “навқирон” деган маъноларни англатган. Демак, бировга “қирчинингда қийилгур” деган иборани ўйлаб айтган маъқул.

Беҳуда ва ҳуда

“Беҳуда” деган сўзни кўп ишлатамиз, хўш, ундаги “ҳуда”нинг ўзи нима? Бу сўзнинг илдизи “ҳуда” сўзи тилимизга форсийдан кириб келган бўлиб, асли “фойда” деган маънони билдирар экан. Лекин тилимизда “ҳуда” сўзининг ўзи алоҳида ишлатилмайди.

Кўкай

Жанубий вилоятларимизда кўп қўлланадиган “кўкай” сўзи “кўнгил, дил” маъносини билдиради. Тилимиздаги “кўкайини кесди” деган ибора “дилини оғритди”, “куйдириб ўлдирди”, “қаттиқ хафа қилди” деган маъноларни англатади. Шунингдек, “кўкайимни кесди” ибораси фарзанд ё яқин одам учун куйиш, яқин кишисининг дардида азоб чекиш мазмунини ифодалаб келади. Бу ибора эртак ва дostonларимизда кўп учрайди.

*Болам деб бағрингга босдинг,
Менинг кўкайимди кесдинг.*

(“Маликаи айёр” достонидан)

Баҳя

Биз одатда “бир баҳя қолди” деганимизда бирор ишнинг битишига озгина қолганини тушунамиз. Хўш, “баҳя” сўзи ўзи қандай маънога эга? “Баҳя” – чок,

кийим-кечакнинг чок билан бостирилган қирғоғи, четидир. Демак, “бир баҳя” – бир чоклик жой, бир игна уришлик чок маъносини англатади.

Ҳазм ва харажат

Тилимизга араб тилидан кирган “ҳазм” сўзи таомнинг организмга сингишини ифодалайди. Қарангки, “ҳазм” сўзи асли “тор-мор қилиниш”, “енгилиш” деган маъноларни билдирар экан. Бу жуда қизиқ-ку. “Харажат” сўзининг маъноси бундан ҳам қизиқ. Арабчада “харажат” сўзи “чиқиш”дан ташқари “дафн маросими” деган мазмунни ҳам билдирар экан. Дарҳақиқат, баъзи одамларга харажат қилдиргандан кўра обориб кўмиб келганингиз маъқул тушади.

Қорабовур

Навоий бобо “қорабовур” қушини “бағри қора” деб ишлатган эканлар. Чўл ва даштларда яшайдиган, кўкраги қора тусли, каптарсимон ов қуши тилимизда “қорабовур” деб аталади. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида шундай мисралар бор:

Чун барги тушарга майл қилди,

Бағри қора дашт уза ёйилди.

Яъни лола барглари тўкила бошлаганда, бағриқоралар галаси дашт узра ёйилдилар.

Жир ва мой

Алибек Рустамовнинг “Сўз хусусида сўз” китобида таъкидланишича, “жир” сўзи тилимизда “ёғ”, “мой” маъносини англатади. Озғин кишига нисбатан “Бунга ҳеч жир битмаяпти” ёки “Бунинг ҳеч жири йўқ” деган иборалар шу мазмундан келиб чиққан (Ўзбек тилидаги “жир”да “жар” сўзидаги каби “ж” талаффуз қилинади). Шуниси қизиқки, рус тилидаги “жир” сўзи

асли бизнинг тилимиздаги айни шу “жир” сўзининг ўзидир. Чунки “жир” сўзининг туркий сўз эканлиги Маҳмуд Кошғарийнинг луғатида қайд этилган.

Лўлаболиш

“Лўлаболиш”, “лўла кабоб” каби сўзларни тез-тез ишлатамиз. Хўш бу бирикмалардаги “лўла” сўзи қандай маънони англатади? “Лўла” сўзининг туб илди-зи “қувур”, “труба” мазмунини ифодалайди. Эътибор қилсангиз, лўлаболиш қувур шаклида, ғўласимон бўлади. Каттароқ қийма кабоб ҳам шу шаклда бўлади.

Полапон ва болапон

Тилимизда дастлаб қуш боласига нисбатан “полапон” сўзи қўлланилган, кейинчалик бу сўз рамзий маънода одам боласига нисбатан ҳам ишлатила бошлаган. Ундаги “пола” сўзи “бола” эканлиги сўзнинг шаклидан кўриниб турибди, яъни бу сўз “болапон” шаклида бўлган. “Полапон” сўзидаги “пон” қўшим-часи қандай маънони англатиши ҳақида луғатларда аниқ маълумотлар учратмадим.

Кўйлик

Жой маъносини ифодалаган “Кўйлик” сўзининг туб илди-зи, айрим манбаларда таъкидланишича, “қуйилик”, “пастлик” деган маънони англатган. Эҳтимол, бундай манзил дарёнинг қуйи қисмида жойлашган жой маъносида “қуйилик” деб аталгандир.

Дафина ва кўмма

Ерга кўмилган зебу зийнат буюмлари, қиммат-баҳо тошлардан иборат бойлик, хазина тилимизда арабча “дафина” сўзи билан ифодаланади. “Хазина” мазмунидаги “дафина” сўзи асли “дафн” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “кўмилган” деган маънони англат-

ган. Арабча “дафина” сўзи ўрнида қадимги тилимизда “кўмма” сўзи бўлган. Бу сўз жуда кам бўлса-да, ҳозир ҳам ишлатилади.

Сайгил

“Сайгил” сўзи нарсаларнинг саралангани, энг яхшиси деган маънони англатади. Бу сўзнинг “сайгул” шакли ҳам бор. Унинг “сайгул” шакли сайлаб олинган гул маъносига яқин келади.

Гўшанга

Миртемир домла “гўшанга” сўзи билан “ўшанга” сўзини маҳорат билан яқинлаштирган:

Гўшангада кўзлар илҳақ бўлмоқда,

Куёвбола талпинади ўшанга.

Бизда чимилдиқ “гўшанга” сўзи билан ҳам ифодалананади. Никоҳдан сўнг куёв билан келиннинг бошқалардан холи қолиши учун уй бурчагига тортилган оқ чодир “гўшанга” деб аталган. “Гўшанга” сўзи асли “гўша” сўзидан келиб чиққан. “Гўша” сўзи “бурчак”, “овлоқ” маъноларини англатган.

Тош мойи

Мумиёни биласиз. Қояларнинг ёриқларидан сизиб чиқадиган смоласимон шифобахш модда. Шарқ табобатида мумиёдан синган суякларнинг битишини тезлатиш, меъда яраси ва ташқи нерв фалажини даволашда фойдаланишгани ҳақида манбаларда кўп айтилган. “Мумиёни ярим тундан сўнг иту қушнинг саси ўчиб диму дирс бўлган палла ичса яхши фойда қилади” дер эди онам. Мумиё халқ тилида “тошмойи” сўзи билан ҳам ифодалананади. Бундай дейилишига мумиёнинг тош ичидан сизиб чиқиши сабаб бўлган бўлиши керак. Ер мойи, ўсимлик мойи, мол мойи бўлгани каби тош мойи ҳам бўлади-да.

Кайпанг

Сурхон томонларда фаҳми-фаросати кам, дидсиз, маданиятсиз, ақлсиз одамга нисбатан “кайпанг” сўзини қўллашади. Шунингдек, йўналишини тез-тез ўзгартириб турадиган шамол ҳам “кайпанг шамол” ибораси билан ифодаланади.

Пишанг бермоқ

Халқимизда “Пишанг бериб ўтиради” деган ибора бор. Бу ибора бировни бирор хатти-ҳаракатга ундаш, атайлаб гижгижламоқ мазмунини ифодалайди. Хўш, “пишанг” сўзи асли қандай маънога эга?

“Пишанг” сўзи “ричаг” сўзининг ўзбекчасидир. Маълумки, бирор қурилма ё мосламанинг ҳаракатлари ричаг воситасида бошқарилади. “Пишанг бермоқ” ибораси ҳам шундан келиб чиққан.

Каср топди

Халқ орасидаги “каср топди” деган ибора кимнингдир жиддий зарар кўриши, синиши маъносида қўлланади. Математика фанида “каср сон” деган тushунча бўлиб, у бутун соннинг қисми маъносини ифодалайди. Бунга “каср” сўзининг туб илдизи “парчаланиш”, “синиш”, “синиқ парча” маъноларини англатиши сабаб бўлган.

Юз мулки

Мени рўмол сўзининг туб илдизи ажаблантирди. Поэтик мазмун бор бу сўзнинг илдизида. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “рўмол” сўзи аслида “юз” мазмунидаги “рўй” сўзига “мол-мулк” мазмунидаги “мол” сўзининг қўшилишидан ҳосил бўлган бўлиб, у “юз мулки” деган мазмундан келиб чиққан. Жуда ажойиб!

Варақ ва япроқ

Тилимизда дафтар ё китоб саҳифаси, қоғоз маъносини англатган “варақ” сўзи “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да “япроқ”, “барг”, “юз”, “чеҳра” деган маъноларни англатиши ҳақида ҳам айтиб ўтилган.

Алмисоқ ва Даққиюнусдан қолган иборалар

“Алмисоқдан қолган”, “Даққиюнусдан қолган” деган ибораларни эскириб кетган, жуда эски маъноларида ишлатамиз. Бу ибораларнинг туб маъносини билмайдиганлар ҳам бор. Шунинг учун эслатиб ўтганимиз маъқул. “Алмисоқ” сўзи арабчада “алмийсоҳ”, “аҳд”, “қасам” сўздан келиб чиққан. “Даққиюнус” эса, қадимги Римда мелодий 284–305 йилларда императорлик қилган *Diocletianus*нинг Шарқ халқлари орасидаги номи бўлган.

Дўл ва дўлана


Дўлана еётганингизда унинг дўлга ўхшашлигини сезганмисиз. Сарик дўлнинг ўзгинаси. Бу мева бекорга “дўлана” деб аталмаган. Унинг туб илдизи “юмалоқ муз шаклидаги ёғин” маъносини англатган “дўл” сўзи экан. «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да изоҳланишича, “дўл” сўзига “ўхшаш” маъносини ифодалайдиган “она” қўшимчасини қўшиш билан “дўлона” сўзи ҳосил бўлган. Бу сўз аслида “дўлга ўхшаш” деган маънони англатади.

Савоб

Тилимизда “савоб” сўзи энг фаол қўлланадиган сўзлардан биридир. Араб тилидан кирган бу сўзнинг туб илдизи “ажр”, “эваз”, “хайрли иш”, “мукофотлади”, “тақдирлади” маъноларини англатади. Дарҳақиқат, савоб ишни қилаётган одам аввало ўзини мукофотлаган бўлади. Тақдирлашга лойиқ хайрли ва эзгу ишларга нисбатан тилимизда “савоб” сўзи қўлланилади.

Йўл

Бу сўзнинг ҳозирги маъноси ҳаммамизга маълум. Манбаларда изоҳланишича, “йўл” сўзи асли “бахт”, “омад”, “муваффақият”, “улуш”, “шараф”, “тақдир” каби маъноларни англатган. Менга бу талқин жуда ёқди.



Она Мил ҳақида шеърлар

ТЎҚҚИЗИНЧИ ФЕВРАЛ¹ ТУНИДА

Мен эртага ўламан, она,
Агар сен бу кеча бошимда
Ўзбек тилидаги қўшиқларни айтиб турмасанг.

Мен эртага ўламан, она,
Агар сенинг келинларинг бу кеча
Буюк шоирларни туғмаса агар.

Мен эртага ўламан, она,
Агар сенинг бахшиларинг бу кеча
Тонггача тугатолмаса “Алпомиш” достонини.

Мен эртага ўламан, она,
Дарахт шохларида қушлар бу кеча
“Лисон ут-тайр”ни такрор этмаса
Мен эртага ўламан, она.

Ухлаёлмадим мен...
Бошимда қадимий қўшиқлар айтдинг,
Келинларинг туғди улуғ шоирларингни.

¹ 9 феврал – Алишер Навоийнинг туғилган куни.

Бахшилар... Нафаси тиқилиб бўғизларига
 “Алпомиш” сўнгини айтдилар тонгда.
 Қушлар... Дарахт шохларида титраган қушлар,
 Навоий тилида гапириб чиқди.
 Мен ҳеч қачон ўлмайман, она!

1982 йил

КОШҒАРИЙ ЁДИ

Сиз нега нотинчсиз, Маҳмуд Кошғарий?
 Тошни ёриб чиқар улуғ йўлчилар...
 Тошлар тўлғоғига доя бўлмасми
 Ўзбекистондаги тилчилар?

Сиз нега нотинчсиз, Маҳмуд Кошғарий?
 Тилнинг гул чеҳрасин ёрган қамчилар
 Синмасми, озод бир Сўзга айланса
 Ўзбекистондаги ҳамма тилчилар?

Сиз нега нотинчсиз, Маҳмуд Кошғарий?
 Ҳоритиб қўйдими адашган йўллар.
 Тунлари “Девону луғотит-турк” да
 Қушлардай чуғурлаб чиқмасми диллар?

Сиз нега нотинчсиз, Маҳмуд Кошғарий?
 Тил – эга, даврлар аниқловчилар...
 Йиғларми, ўлган сўз узра “Болам!” деб
 Ўзбекистондаги тилчилар.

Сиз нега нотинчсиз, Маҳмуд Кошғарий?
 Юракдай ёрилиб бормоқда тошлар,
 Улардан шоирлар чиқиб келмоқда,
 Кўксини тўлдирган алвон қуёшлар.

Сиз нега нотинчсиз, Маҳмуд Кошғарий?

1984

МУТОЛААДАН СЎНГ

Айланар сўзларга суруниб дилгир
Шафақларга тўлиб қолган кенгликлар.
Сўзларга суруниб, тиниб-тинчимай
Осмон елинларин соғар ерликлар.

Қуроқ кўрпаларга айланиб тушлар,
Олов нафас билан аврар бизларни.
Тун ва тонг оралиғида қисилган қушлар
Олмадай чўқийди қадим сўзларни.

Битиктошлар дардин кўзимга битдим,
Кўнглимга чўктириб нолаларини.
Кул бўлган боғлардан тергани кетдим
Боболарнинг олтин олмаларини.

1984

АНЖУМАН

Сўзлар қийғос гуллар бу кеча...
Бир жом оби замга айланар сабр,
Яшилланиб кетар қарри дарича,
Пешонангни силар лайлатул-қадр.

Бу боғда анжуман замони еткан,
Бу муслим дарахтлар жаннатдан қиёс...
Тангри қачонлардир тилингга эккан
Сўзлар гуллаётир қийғос ва қийғос.

1994

ОНА ТИЛ

Тоғлар, дарёларни тинглаб кўрганман,
 Ер ва осмон билан сирлашганман кўп.
 Мангу Шамол билан суҳбат қурганман,
 Олтин боғлар билан шеърлашганман хўб.

Эртақлар тингладим капалақлардан,
 Гулларнинг тилидан тера олдим бол
 Ва Она Сўзларни таниб олганман
 Қалдирғочлар билан сўрашганда ҳол.

Осмонлар, оламлар, тошлар, гиёҳлар...
 Неки бор азал ва абад йўлида,
 Неки бор... Сўйлаган менга муқаррар
 Сирларини фақат ўзбек тилида.

Ҳикматлар диёри, о, Она Тилим,
 Жондай оқажаксан томирларимда.
 Сен кўнглим меҳвари, сен – руҳим йўли,
 Ҳар лаҳза гуллайсан сатрларимда.

Агар сен бўлмасанг, қайдадир иқбол,
 Аждодсан, авлодсан, Ватансан, элсан.
 Миллатни тарихлар ичидан алҳол,
 Етаклаб ўтган сен – Онажон Тилсан.

Агар сен бўлмасанг, юртни танитай,
 Саёқ бир ит каби ўтиб кетардим.
 Ҳаётни танитай, ўзни танитай,
 Жаҳолат ичинда йитиб кетардим.

Оламни ҳижжалаб ўргатган сенсан,
 Дилларга туйғулар олиб кирган Сен.

Бутун бир миллатнинг манглайин силаб,
Мангу Она каби кулиб турган Сен.

Осмонлар, оламлар, тошлар, гиёҳлар...
Неки бор азал ва абад йўлида,
Неки бор... Сўйлаган менга муқаррар
Сирларини фақат ўзбек тилида.

17.10.2013

ҚЎШМАСЎЗЛАРИМ

Момомехрим, момосўзлимсан,
Сингилдилим, сингилюзлимсан.
Ўтардунё, келардунёда
Кўнгилтилим, кўнгилкўзлимсан.
Оғабағрим, бағрибаҳримсан,
Аёзқаҳрим ва ёзмехримсан
Кўнгилтўйим, кўнгилуйимда
Онабешиқ, отақабримсан.
Момоерим, боботоғимсан,
Энадарём, болабоғимсан
Ўтардунё, келардунёда
Вақтичоғим, бахтичоғимсан.
Отауйим, бобойўлимсан,
Онадардим, Онатилимсан,
Кўзёшимда, кўзкулгумдаги
Оқардилим, ёқардилимсан.

2.01.2018

МИЛЛАТ ВИЖДОНИ

*(Ҳазрат Навоий таваллудининг 572 йиллиги
тантаналарида ўқилган шеър)*

Сафма-саф ўтаркан эллар карвони
Тарихлар, замонлар довонларида,
Порлаб кўринади миллат виждони
Ҳазрат Навоийнинг девонларида.


Мангу сафардошлар Сўз ва Ҳақиқат,
Нур бермиш азалнинг чироқларига.
Ястаниб ётади улуғ мамлакат
“Хамса”нинг муборак варақларида.

Бунда ҳар бир сатр – беш юз йиллик йўл,
Ҳар сўз фариштадай силкитар қанот.
Ҳар бир умидворга узатади қўл
Байтлар орасидан Ҳикмат ва Нажот.

Она Тил, Она Юрт, азиз Она Ер –
Аждодлар руҳи бу, авлодлар шони!
Бу жаҳон мулкида ҳазрат Алишер
Маъно оламининг Ўзбекистони.

Бобо Тарих ўзи ҳақ сўзга ровий,
Вақтни-да кесолгай рост қалам шаҳти.
Олти аср бўйлаб ҳазрат Навоий –
Тафаккур пойтахти, Туйғу пойтахти.

Сафма-саф ўтаркан эллар карвони
Тарихлар, замонлар довонларида,
Порлаб кўринади миллат виждони
Ҳазрат Навоийнинг девонларида.



Она тил тўйғуси

(ёхуд мақолдан эпосгача)

Миллатнинг минг йилликларини ҳис этиш учун унинг тилини ҳис этиш керак, қалбини англаш учун тилини англаш керак. Она Тилимиз ўз кўламида жуда буюк тарихларни мужассам қилган.

Бор-йўғи учта-тўртта сўздан иборат битта кичкинагина мақол халқнинг бутун бир авлоди кечмишидан хабар беради. Яъни шу ихчамгина битта жумлага катта бир авлоднинг муайян йўналишдаги юз йиллик тажрибаси тўпланган бўлса, ажаб эмас. Эътибор қилсангиз, тилимиз мақолларга жуда бой. Минг-минглаб мақолларимиз бор. Биргина “Ўзбек халқ мақоллари” китобининг ўзида ўн мингга яқин мақол жамланган. Ҳолбуки, бу китобга кирмай қолган яна қанчадан-қанча мақоллар тилимиз бағрида яшаб юрибди. Мақоли кўп тил қудратли бўлади. Шунинг учун болаларга мақолларни кўп ёдлатиш керак. Шунда улар ҳам ҳикматни илғайди, ҳам ўз тилининг рангларини сезади, тафаккур доираси кенгайди. Чунки бу ажойиб дурлар фикр чиганоғи ичида асрлар мобайнида пайдо бўлган. Мақол айтишга осон, англашга қелганда эса у қалб ва фикр меҳнатини талаб қилади ва бусиз ўз сирларини очмайди. Қайси миллатнинг мақоли кўп бўлса, унинг маънавияти шунча теран бўлади.

Дуч келган одамдан ҳикмат чиқмагани каби мақол ҳам ҳар жойдан кўзиқориндай потирлаб чиқавермайди. Бу мўъжазгина ажойиботларнинг пайдо бўлиши учун тафаккур ва туйғуга тўйинган тупроқ керак.

Халқнинг катта дostonларига ҳам мақол оналик қилган. Зеро, дарё бирдан пайдо бўлмайди, у жилғалардан, керак бўлса томчилардан йиғилади. “Алпомиш”дай дostonни яратолган Тил, шубҳасиз, ижод ва тафаккур тилидир. “Алпомиш”дай монументал дostonни бор халқлар жаҳон айвонида унчалик ҳам кўп эмас. Бу мангу тирик маънавий обидада тарихнинг бир неча минг йиллик манзаралари бутун моҳияти билан, ҳа, бутун моҳияти билан намоён бўлади. “Алпомиш”нинг ўзида айтилганидай ушбу дoston яратилган замонларда “бу дунёлар ёш эди”. Шундай оламшумул дostonни бизнинг Она Тилимиз жаҳонга берди. Ўзбек қалби, ўзбек руҳининг қиёфасини кўраман деган одам “Алпомиш”га қараши керак. Қолаверса, бу дoston бугунги кунда ҳам ҳақиқий маънода яшаяпти. Бахшиларимиз “Алпомиш”ни куйлаётганда, унинг саҳифаларида олис аждодларимиз кечинмалари билан бизнинг кечинмаларимиз учрашишини ҳис этса бўлади.

Она Тилимиз халқ оғзаки ижодиётидан тортиб, қадимги ёзма ёдгорликларимизга қадар, ёзма ёдгорликларимиздан тортиб, бугунги адабиётимизга қадар миллатнинг чинакам хазиналарини ўз бағрида сақлаб келмоқда. Қадимги битиктошлардаги ёзувлар, Эр Билга, Алп Эртунга каби қахрамонлар тарихи ўша вақтлардаёқ юксак санъат билан абадиятга шу тилда муҳрланган. “Девону луғотит-турк”ни варақлаётиб, ўзингиз кўп ишлатадиган, кўнглингизга яқин қадрдон сўзларга дуч келасиз. Бу қадрдон сўзлар сизга минг йил нарироқдан боболар нигоҳи билан қараб турганини ҳис этасиз. “Қутадғу билиг”да яшаб келаётган муҳташам адабиёт бундан кейин ҳам жаҳон адабиётини нодир манбалар билан таъминлашга қодир. Бу

тил минг йиллар мобайнида қандай гўзал мўъжизаларни яратиб келаётгани унинг маънавий обидаларидан аён кўриниб туради.

Ҳар қандай одам ўз Ватанини Она Тили орқали танийди, дунёни ҳам, ўзини ҳам шу улуғ куч воситасида англайди. Онасидан биринчи сўзни ўрганган гўдакни тасаввур қилинг. У шу сўз билан Она Тил сари илк қадамини ташлайди. Она Тил эса унинг қўлидан тутиб аста-секин олам сари етаклаб кетади. Тили чиқаётган гўдак билан бошқа тилни ўрганаётган катта одамни солиштириб кўрсангиз, ғаройиб ҳолга дуч келасиз. Тил ўрганаётган катта одам ўша тилнинг қонун-қоидаларини йиллар мобайнида ҳижжалаб ўқиб-ўрганади. Шу тилни тушуниш, унда гаплашиш учун қаттиқ меҳнат қилади. Ақлини, хотирасини аямай ишлатади. Тили чиқаётган бола эса ҳеч қандай қийинчиликсиз Она Тилини ақл бовар қилмас даражада тез ўзлаштиради. Унга биров на бу тилнинг грамматикасини, на стилистикасини, на бошқа қоидаларини ўргатади. У ҳаммасини ўзи англаб олади. Бунга сабаб Она тил унинг қонида бор, руҳида бор, унинг жонида шу тил яшамоқда. Она Тил шунинг учун ҳам азиз ва муқаддас. Бир пайтлар ўқигандим. Уйқусида гапирадиган бир аёлнинг эри ўзгача бир ҳолни сезиб, руҳшунос врачга мурожаат қилади. Шифокор унга хотинининг уйқусида гапирган тушунарсиз гапларини магнитофонга ёзиб келишини сўрайди. Эр шундай қилади. Шифокор магнит лентасига ёзилган овозни мутахассисларга эшиттириб кўради. Қарангки, аёл тушида соф испан тилида равон гаплашар экан. Ҳолбуки, аёл аслида испан тилидан бирор сўзни ҳам билмас экан. Унинг бу тилдан мутлақо хабари бўлмаса, қандай қилиб тушида шу тилда равон гаплаша олиши мутахассисларни ҳайрон қолдиради. Узоқ текширув ва суриштирувлардан сўнг шу нарса маълум бўладикки, бу аёлнинг момосининг момоси испан бўлган экан.

Демак, Она Тил туйғуси худди ватан туйғуси каби одамнинг руҳида яралган бўлади. Одамнинг дунёқараши, туйғулари, тафаккури, оламга ва одамга муносабати, шубҳасиз, ўз Она Тилининг ҳолати билан боғлиқ бўлади. Дейлик, Алишер Навоийнинг “Хамса” сини олинг. Бу асар миллат тафаккурини бир неча босқич даражага кўтариб юборди. Агар тарихимизда “Хамса” яратилмаганда, тилимизнинг даражаси бу қадар катта кўламга эга бўлолмасди. Миллий тафаккур тараққиёти шу кўлам билан боғлиқ эди. “Алпомиш”, “Хамса” каби гигант асарлар қанча бўшлиқларни тўлдирганини оддий гап билан изоҳлаб бўлмайди. Буни юракдан ҳис этиш керак. 52000 мисрадан иборат бу асар ўзбек тилида яратилиши маънавиятимиз тарихидаги катта ҳодиса эди. Зеро, “Хамса” яратишга бардош беролган тиллар бармоқ билан санарли. Ўн бешинчи асрга келиб Алишер Навоийнинг “Хамса” си билан бу тил яна қудрат ва абадият ёрлиғини олган эди.

Миллат тарихидаги энг буюк ҳодисалардан бири Она Тилимизга давлат тили мақомининг берилиши бўлди. Тили эътироф этиладиган халқнинг ўзи эътироф этилади. Миллатнинг биринчи маънавий шаҳодатномаси ҳам унинг тилидир.

Ҳар биримиз ўз тилимизга бу тил менинг онам деб қарай билишимиз керак. Болаларимизни ҳам шунга ўргатайлик. У бизнинг қалбимиз ва тафаккуримизни парвариш қилгани каби биз ҳам уни севишимиз шарт. Зеро, бу азиз Тил азиз Ватанимизнинг тилидир.

МУНДАРИЖА

Жаннатга мактуб	4
1. “Яйлов” билан “чайла” битта сўзми?	7
2. Ултонтознинг оти нега Ултонтоз?.....	10
3. (“Кимсан” аслида ким?)	13
4. “Йўқла” сўзини йўқлаб	15
5. Беқасам тўн кийган “чўт”	16
6. “Чўпчак” – хас-чўпми ё?..	17
7. “Чалғай” да чалғиманг	18
8. “Кичик” билан “Кучук”	19
9. “Қозон”нинг болалиги.....	20
10. “Йиғлади” нега “йиғлади”?	21
11. Етти ва ҳафта	23
12. “Уйа” ва “уй”	24
13. “Чаноқ”даги пахта ва мия	25
14. “Чавандоз” билан “чапандоз”	26
15. “Қорувли”нинг лойи қандай қорилган?	27
16. “Амма”м билан “амаки”м	28
17. “Тун”даги “кун”	29
18. Елиб келди.....	30
19. “Турлан” қандай турланади?.....	31
20. Ташқаридаги “тошқин”	32
21. “Керага”нинг керилгани	33
22. Қаймоқ – куймоқ – суймох.....	34
23. Қўлимдаги “эллик”	35
24. “Тулум” да қолган “тул”	36
25. Бедананинг туллаги.....	37
26. Кулоч оч	38
27. Орқамдаги одам.....	39
28. “Эл”нинг “эл”лиги нимада?.....	41
29. “Ўтинч” қарзми, тилак?	42
30. “Чигал”нинг чигили	43
31. Қозиқ устидаги сочиқ.....	44
32. “Син”нинг синчиси.....	45
33. “Чил берди”	46

34. “Ёзуқ”нинг ёзуғи не?	47
35. “Ёзёвон”даги “ёз”	48
36. Саҳродаги “ёввойи”	49
37. “Тирик” нимаси билан тирик?	50
38. Тутилган тутқун	51
39. Кесилган кесак	52
40. Машрабнинг “ўртар”и	53
41. Қил устида “қилтирик”	54
42. “Ўшакчи” ушоқчими?	55
43. “Юксак”даги пат	56
44. Ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи	57
45. “Сўқоқ”даги оқ кийик	58
46. Парвардигор	59
47. “Эринчак”нинг эртаги	60
48. Бешиккертти	61
49. Совчининг сўзи кимники?	62
50. Гапнинг “дангал”и	63
51. “Ичак-чавоқ”даги “чавоқ”	64
52. “Олчоқ” сўзининг икки маъноси	65
53. Ранги қув ўчди	67
54. Ялангдаги “яланғоч”	68
55. Қовуқ, қовоқ, қовун... ..	69
56. Соғиниш	70
57. Кундуз ва юлдуз	71
58. Куёв ва косов	72
59. Отарчи ўтлайдими?	73
60. “Юр” ва “юрт” сўзлари ҳақида	74
61. Аямоқ – кафтда авайламоқми?	75
62. Тегирмоннинг теграси	76
63. Соғин сигир	77
64. “Инак”нинг энаси ҳақида	78
65. Тарғил сигирнинг тароғи	79
66. Тароқнинг тармоғи	80
67. Кийизга қанор кийгиз	81
68. “Сочилган сочингдай очилса сириг”	82
69. Чумчуқ ва чивин	83
70. Туновун – туновкун	84

71. Кенжа – кечки ҳосилми?	85
72. Тўп ва тўпиқ.....	86
73. Қилич кесолмайдиган мўйлов.....	87
74. Мурутини болта кесмайди	88
75. Соқол ва сақоқ	89
76. “Музей” даги музика	91
77. “Тариф” нинг таърифи ва тарихи	92
78. Қоплон қопадими?	93
79. “Бирпас” ми, “иккипас”?	94
80. Лайлак ва лаққи	95
81. Келин келди.....	96
82. Қўшни қуш.....	97
83. Тулки ясовул экан.....	98
84. “Арча” ми “ардча”?	99
85. “Гир айланиб ўйнасам, чир айланиб ўйнасам”	100
86. Овлоқдаги ов	101
87. Қораёғ ва ермойи.....	102
88. “Нефт” излаб	103
89. Кўча.....	104
90. “Урғочи” “уруғ очувчи” ми?	105
91. “Ҳаммол” ва “ҳомила”	106
92. Магазиндаги хазина	107
93. Организм ва арғанун	108
94. “Зангори” га тушган занг	109
95. “Қозонди” феълидаги “қозон” ҳақида.....	110
96. “Ғаладон” даги ғалла.....	111
97. Бир онани эмган сўзлар	112
98. Каклик каккиллайди	113
99. Даккининг чаккиси	114
100. Далда	115
101. Кийик.....	116
102. “Қағанок” ва “гилагай”	117
103. “Шағал” дан қилинган “шакар”	118
104. “Чайир” га доир	119
105. Тол туш.....	120
106. Санскритчани биладиган “бахши”	121
107. Улоқ ва улов	122

108. “Ўдаға”нинг ўдағайлагани.....	123
109. “Ўтов”даги ўт.....	124
110. “Балчиқ”даги “балиқ”	125
111. “Қапчиғай”	126
112. “Қумғон”даги “қимиз” ва “қимрон”.....	127
113. Ялқов ёлғон билан ёлчимайди.....	129
114. “Чиғириқ” ва “чигит”.....	130
115. Дарвозанинг қопқоғи	131
116. Масту аласт.....	132
117. “Пичан” ва “пичоқ”	133
118. “Синчи” ва “синчков”	134
119. Чол.....	135
120. “Олтин”даги “ол” ва “тун”.....	136
121. Орол.....	137
122. Нархнинг навоси	138
123. Гармсел ва гармдори.....	139
124. Итнинг кўйлаги борми?.....	140
125. Набототнинг наботи	141
126. Тўқмоқланган сўқмоқ	142
127. Олақор.....	143
128. Юпатди.....	144
129. Йигит ва ўғит	145
130. Улус ва улуш	147
131. Пайпоқ, носки ва уйуқ.....	148
132. Эртақнинг ўтмиши.....	149
133. “Қарз”нинг “қавола”си нима?	150
134. “Мўлдираш” ва “мулдур”	151
135. “Қошиқ” ва “кўшиқ”	152
136. “Мужмал” асли мужмалми?	153
137. “Тайёр”даги “тайр”	154
138. Шашвар ҳам йўқ, лекин шашпар бор	155
139. Ғаройиб “ғариб”	156
140. “Сурбет”нинг сурлиги	157
141. Конфетми, гулқанд?..	158
142. “Кечқурун”даги “қурун” нима?	159
143. “Қушуйқу” ва “қишуйқу”	160
144. “Мучал” ва “муча” сўзлари ҳақида	161

145. Сарак-сарак жонсарак	162
146. Ишқирмоқ, ушқурмоқ ва ўшқирмоқ	163
147. Бошни қоплаган “қалпоқ”	164
148. “Иноқ” ва “инон” сўзлари дўстми?.....	165
149. Озиқ тишдаги озуқа.....	166
150. Ўнг қўлнинг ўнглиги нимада?.....	167
151. Ҳайвонларга аталган сўзлар.....	168
152. Қадимда опа-сингиллар ва ака-укалар бир-бирларини қандай алқаганлар?	169
153. “Оқ” ва “оппоқ” сўзлари ҳақида	170
154. Ували-жували	171
155. Оломон	172
156. Ит бўйнидаги тасма.....	173
157. “Анач” ва “эгачи”	174
158. Ойнадаги ойнажон	175
159. Ўртоқлар ўртасидаги ўрталиқ	176
160. Илғор ва илгари	177
161. Отырак	178
162. Кунгай ва терскай.....	179
163. “Чўпон” ва “чўлиқ”	180
164. Мушук ва шумшук	181
165. “Олқинди” ва “қолдиқ”	182
166. Овқат ва ақвот	183
167. “Оёқ”ми, “адоқ”ми?	184
168. Марварид хизматкор	185
169. Жиғовул ва шиғовул	186
170. Жиғибийроннинг жағи бийронми?.....	187
171. Мис чақа ва чақалоқ	188
172. Ундамоқ ва уннамоқ.....	189
173. Йогурт.....	190
174. “Наждак” қайроқтошми?.....	191
175. “Бошоқ” ва “машоқ”	192
176. “Ҳисор” тоғми, кўрғон?	193
177. Тол ва канизак	194
178. Ёш, йаш	195
179. Боди ва бодринг	196
180. Жиззаки ва жизза	197

181. Панд-насиҳат	198
182. Куз	199
183. Тўқол ёки шохсиз хотин	200
184. Сутхотин ва сузхотин	201
185. Сурув ва уюр.....	202
186. Ажриқ.....	203
187. “Чапани”нинг чаплиги	205
188. Бигиз	206
189. Дўзах дарахти.....	207
190. Ёро, яроқли ва ярамоқ	208
191. Чўмич ва чўмилиш	209
192. Қоя ва қия	210
193. Ташриф	211
194. Айил ва айланай	212
195. Йалпи, йалпай ва йалпоқ	213
196. Чалтов ва дўнгса.....	214
197. Ашқол-дашқол.....	215
198. Бу отларнинг ёши нечада?.....	216
199. Бу қўйларнинг ёши нечада?.....	219
200. Суқ ва суқбармоқ.....	221
201. Бармоқ ва тирноқ.....	222
202. “Сарт” сўзига қайтиб	224
203. Қайин ва қайнона	225
204. Гибралтар бўғозидаги бўғоз сигир.....	226
205. “Сайл” ва “сайр”.....	227
206. “Лўнда” эзмалигини қачон ташлаган?.....	228
207. Бўзлаётган бўзтўрғай	229
208. Изуқуллу бўлсин!	230
209. Хужрадаги хужайра	231
210. Қишлоқ ва қушлоқ	232
211. Тўқсон	233
212. Анғиз ва андиз	235
213. Сувлуқ ва сўлиқ.....	236
214. Даҳанаки жанг	237
215. Ўсимлик ва ўсмир	238
216. “Балу-балу”	239
217. Гунг	240

218. Жайдари жавдар	241
219. Данак донаси	242
220. Супрадаги супрақулоқ	243
221. Булдуруқ.....	244
222. Лаган ва лағун.....	245
223. Сандал атрофидагилар	246
224. Гупсардай одам.....	248
225. Жаноби жануб.....	249
226. Жавлон урмоқ	250
227. Бозордаги бози	251
228. Қозоннинг юқи ва юқори	252
229. Маҳмуд Кошғарийнинг эски зонтиги	253
230. “Ўғиди” сўзи ҳақида.....	254
231. Қовуз ва памперс.....	255
232. Лаваш ва ош	256
233. Тантиқ ва танти	257
234. Овчи қуш ва долбой	258
235. Экин ва кашта	259
236. Басир ва басират.....	260
237. Қумғоғ ва саксовул.....	261
238. Улапа ва улуфа.....	262
239. Кезанак	263
240. Овул	264
241. Галагов	265
242. Майна қушми ё мия?	266
243. Нўхта ва нуқта	267
244. Ўрдакнинг хўрози.....	268
245. Ўркач	269
246. Тетик чол ва тетапоя гўдак.....	270
247. Оғам ва тоғам	271
248. Қадам ва қадим	272
249. Сумалақдан сўз топдим	273
250. “Ақча”ми, “оқча”?	275
251. Хаспўши ва хаспўшлаш	276
252. Типратиканнинг киприги.....	277
253. Бир тошбақа ва қирқ эшак	279
254. Болдиз – қайнсингил	281

255. Болдир	282
256. Табулға ва таволга	283
257. Қирғоқ	284
258. Ўчоқ ва очаг	285
259. “Ўксиган” ва “ўксик”	286
260. “Ирганч” ва “жирканч”	287
261. Ичкуяр	288
262. Тонг қолиш ва тўнглаш	289
263. Елда қолган желак	290
264. Қуймич	292
265. Қуюшқондаги қуйруқ	293
266. Тан олиш ва тан бериш	294
267. “Чағот” сўзи бизга керакми?	295
268. Туянинг қўшани ва қўйнинг қўшоғи	296
269. Иссиқ-совуқ ва севги	297

Сўзлар гувоҳлигида **298**

Ёндафтардаги турли қайдлардан **308**

Она Тил ҳақида шеърлар **318**

Она тил туйғуси **324**

Адабий-бадий нашр

ЭШҚОБИЛ ШУКУР

(Сўзлар билан сўзлашув)

БОБО СЎЗ ИЗИДАН

Муҳаррир *Р. Субҳон*
Бадий муҳаррир *А. Мамасолиев*
Мусахҳих *Д. Мингбоева*
Саҳифаловчи *Н. Сувонов*

«MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI»

Нашриёт лицензияси: № АИ 282. 11.01.2016

100129, Тошкент, Ислон Каримов кўчаси, 16^а-уй.

e-mail: mashkhur-press@mail.ru

+998890 900-75-77, +99894 659-94-62

Босишга 2018 йил 6 июнда рухсат этилди.

Бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет босма. «Cambria» гарнитураси.

Шартли босма табағи 17,64. Нашриёт босма табағи 21.

Адади 2000 нусха. Буюртма рақами 216.

«Print Line Group» ХК босмаҳонасида чоп этилди.

100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 44.

*Адиб ва
жамият*

Сўзлар билан
сўзлашув



«MASHHUR-PRESS»

ISBN 978-9943-5161-7-5



9 789943 516175